

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

УЎК 342.7-055.2(575.1)
КБК 67.404(59)
Х 78

Х 78 Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. — 216 б.

ISBN 978-9943-4309-2-1

Масъул муҳаррир: Саидов А.Х., академик, юридик фанлар доктори

Тузувчилар: Тиллабаев М.А., юридик фанлар доктори, доцент,
Олимова К.К., юридик фанлари номзоди,
Муратова Д.К.
Рузикүлова Л.Э.

Тўпلامдан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини рағбатлантириш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ўрин олган.

Мазкур тўплам давлат органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 342.7-055.2(575.1)
КБК 67.404(59)

ISBN 978-9943-4309-2-1

МУНДАРИЖА

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (Кириш сўзи ўрнида)	5
--	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (<i>Кўчирма</i>)	7
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (<i>Кўчирма</i>)	8
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (<i>Кўчирма</i>)	10
Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция	12
Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция	22
Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (<i>Кўчирма</i>)	24
Таълим соҳасида камситишга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция	25
Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танафурушлиқдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция ҳамда Якунловчи баённома	30
Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённома	36
Денгиз қуроли кучлари таркибидаги ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокати жабрланувчиларининг тақдирини яхшилаш бўйича конвенция (<i>Кўчирма</i>)	44
Ҳарбий асирлар билан қандай муносабатда бўлиш тўғрисидаги конвенция (<i>Кўчирма</i>)	45
Халқаро қуроли моjarолар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли Женева конвенцияларига 1949 йил 12 августдаги қўшимча баённома (I-баённома) (<i>Кўчирма</i>)	47
Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-конвенция (<i>Кўчирма</i>)	48
Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисидаги 52-конвенция	49
Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100-конвенция	53
Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенция (<i>қайта кўриб чиқилган</i>)	57
Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 105-конвенция	63
Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 111-конвенция	66
Қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-конвенция (<i>Кўчирма</i>)	69

ИККИНЧИ БЎЛИМ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (<i>Кўчирма</i>)	70
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (<i>Кўчирма</i>)	72
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (<i>Кўчирма</i>)	76
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (<i>Кўчирма</i>)	83
Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (<i>Кўчирма</i>)	87
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (<i>Кўчирма</i>)	100
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (<i>Кўчирма</i>)	102
Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (<i>Кўчирма</i>)	110
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси (<i>Кўчирма</i>)	115

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси (<i>Кўчирма</i>)	121
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (<i>Кўчирма</i>)	125
Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси (<i>Кўчирма</i>)	134
Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	136
Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	141
Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	147
Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	150
Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	160
Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонуни	162
Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>) ...	163
Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (<i>Кўчирма</i>)	165
Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни	167
Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни	178
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони	190
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори	206
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори	210
“Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги Низом	211

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

(Кириш сўзи ўрнида)

Гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиш янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “янги авлодни дунёга келтираётган, фарзандлар тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга азал-азалдан халқимиз алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келади. Шу мақсадда Бош қомусимизда ҳомиладорлиги ёки ёш боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилиши шарт”¹.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналикни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди ва миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ҳамда унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда гендер тенглигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифалар кўзда тутилган. 2022 йил 28 январда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланди.

Стратегиянинг устувор мақсадларидан бири мамлакат ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш ҳамда юртимиз хотин-қизларининг ташқи ва ички сиёсатдаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал этиш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиришдан иборат. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш учун “2020–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил қилинди. Қўмитанинг асосий мақсади хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини, хотин-қизлар ва ёшларни маънавий ва интеллектуал ўсишини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 7 мартда “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади ва ушбу Фармонга асосан “2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича” Миллий дастур тасдиқланди.

Ўзбекистон БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан бир қаторда, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклла-

¹ https://uz.uz/uz/posts/konstituciya-yiv-islohotlarimizning-bosh-maqsaadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081.

рига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро шартномаларга ҳам таянилади. Бугунги кунгача мамлакатимиз 80 га яқин инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро нормалар муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, парламентимиз Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини рўёбга чиқариш ҳамда Пекин+25 ташаббуси бўйича ҳисобот тайёрлаш доирасидаги маслаҳатлашувлар ва муҳокамаларда фаол иштирок этди.

Ҳозирги вақтда БМТнинг шартномавий қўмиталари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларини бажариш доирасида хотин-қизлар меҳнат ҳуқуқларининг ҳимояси кафолатларини янада кучайтириш ва одил судловдан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

- муайян тармоқ ёки касбларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш бўйича ўрнатилган тақиқлар бекор қилинмоқда;

- хотин-қизлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тармоқ ёки касбларнинг тавсиявий рўйхати тасдиқланмоқда;

- агар ота бола парвариши бўйича таътилнинг камида уч ойдан фойдаланган бўлса, у ҳолда ота-онадан бирига бола парвариши бўйича қўшимча бир ойлик таътил берилади ҳамда нафақа тўланади;

- икки ёшга тўлмаган боласини парвариш қилаётган ота-онадан бирига, иш берувчи билан келишган ҳолда, кун давомида танаффусга қачон чиқишни ўзи белгилаши ҳуқуқи берилади ва бундай имконият иш вақтидаги дам олиш, овқатланиш, шунингдек болани овқатлантириш учун ажратилган танаффуслар ҳисобига тақдим этилади;

- хотин-қизлар нафақа ёшига етган ёки қонун талабига кўра 60 ёшга кирмасдан нафақага чиқиши тақозо этилган ҳолларда, улар билан ноаниқ муддатга тузилган меҳнат шартномаси ёки қисқа муддатга тузилган ва ҳали муддати ўтмаган меҳнат шартномасининг иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиниши тақиқланади;

- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганига оид ишларни судларда кўриб чиқишда, хотин-қизларнинг илтимосига мувофиқ, уларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат харажатлари давлат томонидан қопланади.

Алоҳида қайд этиш керакки, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, уларни бажариш бўйича мамлакатда кенг қўламли амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифат ва таълим фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчиликни ўрганиш мактабгача тарбия муассасалари, умумий ўрта, ўрта махсус, касбий ва олий таълим муассасалари ходимлари, педагоглар ва тиббиёт ходимлари, журналистлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ходимлари ва судьялар малакасини ошириш тизимининг ўқув дастурларига киритилиши лозим.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш, уларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича аҳолининг кенг қатламини хабардор қилиш мақсадида **“Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”** тайёрланди. Мазкур тўпламда оналик, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид БМТ, Халқаро меҳнат ташкилотларининг ҳужжатлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳам ўз аксини топган.

Умид қиламизки, мазкур тўплам давлат органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари билан қизиқувчилар учун фойдали манба бўлади.

А.Х. САИДОВ,

академик, Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

*Бош Ассамблеянинг 1948 йил 10 декабрдаги 217А (III)-сонли резолюцияси билан
қабул қилинган ва эълон қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги
366-XII-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

(Кўчирма)

16-модда

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва хотин-қизлар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади.
2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.
3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.
2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар никоҳда ёки никоҳда бўлмаган ота-оналардан туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очиқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-І-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган

(Кўчирма)

II-ҚИСМ

3-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда назарда тутилган барча иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан эркаклар ва хотин-қизлар тенг фойдаланишини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

III-ҚИСМ

7-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан, қуйидагиларни тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган ҳақ:

i) тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айни пайтда, жумладан, хотин-қизларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ва тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак;

ii) мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ улар ва уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш;

b) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

c) меҳнат стажи ва малака асосидагина ишда тегишли янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

d) дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ.

10-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тан олади:

1. Жамиятнинг табиий ва асосий бўғини ҳисобланган оилага имкони борича кенг кўламда ёрдам берилиши ҳамда муҳофаза этилиши зарур, айниқса, у шаклланаётган ва оила зиммасида мустақил бўлмаган болалар ҳамда улар тарбияси масъулияти бўлган даврда. Никоҳ никоҳланувчиларнинг эркин розилигига кўра тузилиши керак.

2. Бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги даврда оналарга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу давр мобайнида ишловчи оналарга ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақа билан таътил берилиши керак.

3. Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуйи ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланиши ва қонун билан жазоланиши лозим.

12-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага етиши ҳуқуқини эътироф этади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қуйидаги ишлар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

a) ўлик гўдаклар туғилишини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

b) ташқи муҳитнинг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

c) юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликларни олдини олиш, даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

d) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш.

13-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг кадр-қимматини англашига қаратилган бўлиши лозим, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш зарур деган фикрга келади. Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратиши, барча ирқий, этник ва диний гуруҳлар ўртасидаги дўстликка, хайрихоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши лозим деб эътироф этади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қуйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

a) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

b) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан, ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чоралар кўрилиб, хусусан, аста-секин пулсиз таълим олишни жорий этиш йўли билан барчанинг имкони етадиган даражага эришиш лозим;

c) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълим олишни жорий этиш йўли билан олий таълим олиш ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлишига эришиш керак;

d) оддий таълим, бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борица рағбатлантирилиши ёки жадаллаштирилиши лозим;

e) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, балки давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган таълим олиш учун энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам танлаб олиш эркинлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эркига ўз шахсий эътиқоди-га кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан таъминлашлари ҳам киради.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга оғишмай риоя этиб ва ушбу муассасаларда берилаётган таълим давлат томонидан белгилаб қўйилиши мумкин бўлган энг кам талабларга жавоб беришига риоя қилиб ўқув юртлари очиш борасидаги эркинлигини камситади деган мазмунда талқин қилинмаслиги керак.

ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСІЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очиқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 127-I-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган

(Кўчирма)

II ҚИСМ

3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва хотин-қизлар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланилишини таъминлаш мажбуриятини олади.

III ҚИСМ

6-модда

1. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда ўлим ҳукми фақатгина жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва мазкур Пакт ҳамда Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияга зид бўлмаган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат ваколатли суд томонидан чиқарилган яқуний ҳукми ижро этиб амалга оширилиши мумкин.

3. Ўлим жазоси бекор қилинмаган мамлакатларда мазкур Пактга ҳамда Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияга зид бўлмаган, фақат жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина ўлим ҳукми чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат ваколатли суд томонидан чиқарилган яқуний ҳукми ижро этиш учун амалга оширилиши мумкин.

4. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаётган бўлса, шунинг эътиборига олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар учун бирор-бир йўл билан Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлардан чекиниш ҳуқуқини бермайди.

5. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши афв этиш ҳақида ёки ҳукми юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Амнистия, афв этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш ҳамма ҳолатларда ҳада этилиши мумкин.

6. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор хотин-қизларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

7. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кечиктириш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

14-модда

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил

ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки бунӣ томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ҳодимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак, вояга етмаганларнинг манфаатлари бошқа нарсани талаб этган ҳолларда ёки никоҳ борасидаги низолар ёки болаларга васийлик тайинлаш ҳақидаги ишлар бундан мустасно.

18-модда

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз танловига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилишни ҳамда ўзининг дини ва эътиқодига ҳам якка тартибда, ҳам бошқалар билан биргаликда, ошкора ёки хусусий тартибда сиғинишга, диний ва бошқа маросимларни бажариш ҳамда ўқитиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлигини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркинлиги фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, яъни бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган ҳоллардагина чекланиши мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи Давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

23-модда

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Никоҳ ёшига етган эркеклар ва хотин-қизларнинг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳланувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи Давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинганда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*Бош Ассамблеянинг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сонли резолюцияси билан
қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очиқ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги
87–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган*

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадр-қиммати ва қадриятига, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топтирганлигини ҳисобга олган ҳолда;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик тамойилини тасдиқлаганини ва барча одамлар ўзининг қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқида эркин ва тенг бўлиб туғилишини, ҳар бир инсон унда эътироф этилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга ҳеч қандай фарқларсиз, шу жумладан, жинсга нисбатан ҳам эга бўлиши кераклигини маълум қилганини ҳисобга олиб,

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва хотин-қизлар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти юклатилганлигини ҳисобга олиб,

эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар шафелигида тузилган халқаро конвенцияларни эътиборга олиб,

шунингдек, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни ҳисобга олиб,

бироқ, мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизларга нисбатан жиддий камситилиш ҳоллари ҳали ҳам мавжудлигидан ташвишланиб,

хотин-қизларнинг камситилиши инсон қадр-қимматига бўлган тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат қилиш сабабларининг бузилишига, хотин-қизларнинг эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, жамият ва оила фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ҳамда хотин-қизларнинг ўз мамлакатлари ва инсониятнинг манфаатлари йўлида имкониятларини тўлиқ намоён қилишини янада қийинлаштиришини эслатиб,

қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим, касб тайёргарлик ва ишга жойлашиш имкониятлари, шунингдек бошқа эҳтиёжлардан фойдаланиш имконияти жуда кам эканлигидан ташвишланиб,

тенглик ва адолатга асосланган янги халқаро иқтисодий тартибнинг ўрнатилиши эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгликни таъминлашда сезиларли ҳисса қўшишига қатъий ишониб,

ирқий айирмачилик, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлақачилик (колониализм ва неоколониализм), агрессия, хорижий босиб олиниш ва ҳукмронлик ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашишга барҳам бериш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун зарур эканлигини таъкидлаб,

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро

ҳамкорлик, оммавий ва батамом қуrolсизланиш, хусусан, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ядровий қуrolсизланиш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустанлака ҳуқмронлиги ҳамда хорижий истило остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга қўмаклашишини ҳамда бунинг натижасида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тўлиқ тенгликка эришишга имкон беришини тасдиқлаб,

мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан барабар мумкин қадар кўпроқ иштирокини талаб қилишига қатъий ишониб,

хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган ҳозиргача тўлиқ тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналикнинг ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг насл давомчиси сифатидаги ўрни хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслиги кераклигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва хотин-қизларнинг ҳамда бутун жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини англаб,

эркак ва хотин-қизлар ўртасида тўла тенгликка эришиш учун ҳам эркак, ҳам хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини ёдда тутиб,

Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида эълон қилинган тамойилларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай камситишларнинг барча шакллари ва кўринишларига барҳам бериш учун зарур чораларни кўришга қатъий қарор қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади учун “хотин-қизларга нисбатан камситиш” тушунчаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида хотин-қизларнинг оилавий аҳволдан қатъи назар, улар томонидан тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни бўшаштиришга ёхуд йўққа чиқаришга йўналтирилган жинсий белгиларига кўра ҳар қандай фарқ, истисно ёки чеклашни англатади.

2-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш сиёсатини олиб боришга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилики тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ёки бошқа тегишли қонунчиликка киритиш ва қонун ҳамда бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

б) хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишни тақиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни, жумладан, зарур бўлганда санкцияларни қабул қилиш;

с) ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасаларининг ёрдами билан хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай актига қарши самарали ҳимоя қилишни таъминлаш орқали хотин-қизлар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглик асосида юридик ҳимоя қилиш тартибини ўрнатиш;

d) хотин-қизларга нисбатан камситадиган бирон-бир ҳужжатларни ёки хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш ҳамда давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ иш кўришларига кафолат бериш;

e) бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўриш;

f) хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодалайдиган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўриш;

g) ўзининг жиноят қонунчилигидаги хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодалайдиган барча қоидаларини бекор қилиш.

3-модда

Иштирокчи-давлатлар барча соҳаларда, хусусан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ҳамда фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида уларни ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўрадилар.

4-модда

1. Мазкур Конвенцияда белгиланганидек, иштирокчи-давлатлар томонидан эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида амалда тенглигини таъминлашни тезлаштиришга йўналтирилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш камситувчи деб ҳисобланмайди, бироқ у асло тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига олиб келмаслиги керак; имкониятлар тенглиги ва тенг ҳуқуқлилиқ муносабатининг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши шарт.

2. Иштирокчи-давлатлар томонидан оналикни ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус чоралар, жумладан, ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларнинг қабул қилиниши камситувчи деб ҳисобланмайди.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар қуйидаги мақсадларда барча тегишли чораларни қабул қиладилар:

a) эркаклар ва хотин-қизлар ҳулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделларини жинслардан бирининг паст бўлиши ёки устун бўлиши ёхуд эркак ва аёл ролининг бир хиллиги ғоясига асосланган хурофотларга барҳам бериш ҳамда урф-одатлар ва бошқа барча амалиётларни тугатишга эришиш мақсадида ўзгартириш;

b) барча ҳолатларда болалар манфаатлари устун туриши шarti билан оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англашни ҳамда эркак ва хотин-қизларнинг ўз болаларининг тарбияси ҳамда камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилишини қамраб олишини таъминлаш.

6-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизлар савдоси ва хотин-қизларни фоҳишаликка эксплуатация қилишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўради.

II ҚИСМ

7-модда

Иштирокчи-давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, хусу-

сан, хотин-қизларга эркалар билан тенг шароитларда қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ҳамда барча оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг барча даражаларида ҳамма давлат вазифаларини амалга ошириш;

с) мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғullanувчи ноҳукумат ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида иштирок этиш.

8-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг эркалар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ёки сақлаб қолишга нисбатан хотин-қизларга эркалар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, хусусан, чет эллик билан турмуш қурганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганида ҳам хотин-қизларнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмаслигини, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантирмаслигини ва турмуш ўртоғининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур қилолмаслигини таъминлайди.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркалар билан тенг ҳуқуқлар беради.

III ҚИСМ

10-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш, хусусан, эркалар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларга таълим соҳасидаги эркалар билан тенг ҳуқуқларни таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради:

а) шаҳар туманларидаги каби қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув муассасаларида таълим олиш имконига эга бўлиш ва диплом олиш, касб ёки мутахассисликни танлаш учун бир хил шароитларни яратиш, бу тенглик мактабгача таълим, умумтаълим, махсус ва олий техник таълимда, шунингдек касбий тайёргарликнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурлари, бир хил имтиҳонлар, бир хил малакали ўқитувчилар таркиби, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларидан фойдаланиш;

с) таълим олишнинг барча босқичлари ва шаклларида эрка ва хотин-қизларнинг биргаликда таълим олиши ва ушбу мақсадга эришишга кўмаклашадиган бошқа турдаги таълим олишни рағбатлантириш орқали, хусусан, ўқув қўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан ҳар қандай андозадаги концепцияни бартараф этиш;

д) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олишда бир хил имкониятлар;

е) эркалар ва хотин-қизларнинг билимларидаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезроқ қисқартиришга йўналтирилган, жумладан, катта ёшдагилар орасида саводхонликни оммалаштириш дастурлари ва функционал саводхонлик дастурини, хусусан, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланишнинг бир хил имкониятлари;

ф) мактабни тугатмаётган қизлар сонини қисқартириш ҳамда мактабни барвақт тарк этган қизлар ва аёллар учун дастурлар ишлаб чиқиш;

g) спорт ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар;

h) оилаларнинг соғломлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим хусусиятига эга махсус ахборотлар, жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва маслаҳатлардан фойдаланиш имконияти.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни таъминлаш билан бандлик соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

a) барча одамларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнатга бўлган ҳуқуқи;

b) ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёлланишда бир хил танлаб олиш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

c) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва бандлик кафолати, шунингдек шогирдлик, юқори даражадаги касбий тайёргарлик ва мунтазам қайта тайёрлашни ўз ичига олган меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан фойдаланиш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарлик олиш ҳуқуқи;

d) имтиёзлар олган ҳолда тенг мукофотлаш, тенг қийматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

e) ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқи, хусусан, нафақага чиқиш, ишсизлик, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилятини йўқотишнинг бошқа ҳолатларида, шунингдек ҳақ тўланадиган таътилга бўлган ҳуқуқ;

f) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитлари, жумладан, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи.

2. Хотин-қизларга нисбатан турмушга чиққанлиги ёки оналиги сабабли камситишнинг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишга бўлган самарали ҳуқуқларни кафолатлаш учун иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўради:

a) ҳомиладорлигига ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилига асосан ишдан бўшатиш таҳдиди остида санкциялар қўллашни ёхуд ишдан бўшатиш пайтида оилавий аҳволи туфайли камситишни тақиқлаш;

b) аввалги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақ тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар тўланадиган таътиллار жорий этиш;

c) ота-оналарга оилавий мажбуриятларини бажаришни меҳнат фаолияти ва жамият ҳаётидаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш йўли орқали зарур қўшимча ижтимоий хизматларни тақдим этишни рағбатлантириш;

d) ҳомиладорлик даврида хотин-қизлар саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида уларнинг алоҳида ҳимоясини таъминлаш.

3. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқилади, шунингдек заруратга қараб қайтадан кўриб чиқилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тиббий хизматдан, хусусан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришга тааллуқли масалаларда ҳам фойдаланишини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради;

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг 1-банди қоидаларидан қатъи назар хотин-қизларни ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматларни,

зарурият туғилганда, бепул хизматларни, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизикли даврда керакли озиқ-овқатларни етказиб беришни таъминлайдилар.

13-модда

Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни таъминлаш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

- а) оилавий нафақага бўлган ҳуқуқи;
- б) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олишга бўлган ҳуқуқи;
- с) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этиш ҳуқуқи.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шу жумладан, уларнинг хўжаликнинг товар бўлмаган тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олиб, мазкур Конвенция қоидаларини қишлоқ жойларида яшовчи хотин-қизларга нисбатан қўллашни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан фойда олишини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларидаги хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни инобатга олган ҳолда тегишли тиббий хизматдан фойдаланиш;

с) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

д) функционал саводхонликни инобатга олиб барча турдаги тайёрлов ҳамда расмий ва норасмий таълим олиш, шунингдек уларнинг техникавий даражасини ошириш учун барча турдаги жамоат хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

е) ишга ёллаш ёки мустақил меҳнат фаолияти орқали иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланишни таъминлаш учун ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳлари ва ширкатларни ташкил этиш;

ф) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

г) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмлари, сотиш тизими, тегишли технологиялари ҳамда ер ва аграр ислохотларида, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришишга эга бўлиш;

ҳ) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматларидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.

IV ҚИСМ

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини беради. Улар, хусусан, шартнома-

ларни тузиш ва мулкни бошқаришда уларга тенг ҳуқуқлар, шунингдек судлар ва трибуналларда иш кўришнинг барча босқичларида уларга тенг муносабатни таъминлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий эғалигини чеклашда ўзининг ҳуқуқий оқибатига эга ҳар қандай барча шартномалар ва бошқа барча хусусий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар шахсларнинг кўчиб юриши ҳамда яшаш жойи ва турар жойини танлаш эркинлигига тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан эркак ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқларни тақдим этади.

16-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли барча масалаларда камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида қуйидагиларни таъминлайди:

а) никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ҳамда фақатгина ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;

с) никоҳ даврида ва уни бекор қилишда бир хил ҳуқуқ ва бурчлар;

д) оилавий шароитдан қатъи назар, болаларга тааллуқли бўлган масалаларда эркак ва хотин-қизларнинг ота-она сифатида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;

е) болалар сони ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралиқ тўғрисидаги масалани эркин ва масъулиятли ҳал қилишда бир хил ҳуқуқлар ҳамда ахборот, таълим олиш имкони, шунингдек ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга имкон берадиган воситаларга эга бўлиш;

ф) болаларнинг васийлари, ҳомийлари, вакиллари ва фарзандликка олувчилари бўлишда ёки миллий қонунчиликда кўзда тутилган шунга ўхшаш вазифаларни амалга оширишда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;

г) эр ва хотиннинг бир хил шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулоти танлаш ҳуқуқи;

ҳ) эр-хотиннинг мол-мулкка ҳам бепул, ҳам пуллик эғалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилишга нисбатан бир хил ҳуқуқлар.

2. Болани унаштириш ва никоҳлаш юридик кучга эмас ҳамда никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида барча зарур чоралар, жумладан, қонунчилик чоралари кўрилади.

V ҚИСМ

17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилиш жараёнини кўриб чиқиш учун Конвенция кучга кирган вақтда ўн саккизтадан, у ратификация қилинганидан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи-давлат қўшилганидан сўнг эса ушбу Конвенция соҳасини мукамал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси таъсис этилади (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади). Бу экспертлар иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда адолатли географик тақсимот ва цивилизациянинг ҳар хил шаклдаги, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг фуқаролари орасидан битта шахсни таклиф қилиши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайлов ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Мил-

латлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой ичида ўз вакиллари кўрсатиш таклифи билан хат йўллайди. Бош котиб иштирокчи-давлатларнинг кўрсатмаси билан шундай тарзда киритилган барча шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибида тайёрлайди ҳамда бу рўйхатни иштирокчи-давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи-давлатлар йиғилишида сайланадилар. Иштирокчи-давлатларнинг сони учдан икки қисмни ташкил этадиган бу йиғилишда Қўмитага сайланган шахслар овоз беришда қатнашадиган ва иштирок этадиган иштирокчи-давлатлар вакиллариининг энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар ҳисобланади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловлар ўтказилиши билан бу тўққиз аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қўрға ташлаш орқали танланади.

6. Қўмитанинг беш нафар қўшимча аъзосини сайлаш ўттиз бешинчи давлатнинг Конвенцияни ратификация қилганидан кейин ёки унга қўшилганидан кейин мазкур модданинг 2, 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Шу тарзда сайланган икки нафар қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; бу икки нафар қўшимча аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қўрға ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи-давлат кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Қўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган экспертнинг ўрнига Қўмита маъқуллаган тақдирдагина ўз фуқаролари орасидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан тасдиқланган мукофотларни Қўмита вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Ассамблея томонидан белгиланган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан олади.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга мувофиқ Қўмитанинг вазифалари самарали амалга оширилиши учун зарур ходим ва моддий маблағлар билан таъминлайди.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақидаги маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби-га Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан эътиборан бир йил ичида;

б) шундан сўнг, ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, Қўмита бу ҳақда расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

19-модда

1. Қўмита ўзининг шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. Қўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

20-модда

1. Қўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида, қоидага кўра икки ҳафтадан ошмайдиган давр мобайнида ҳар йили мажлис ўтказди.

2. Қўмитанинг йиғилишлари қоидага кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Қўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

21-модда

1. Қўмита ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти тўғрисидаги маърузасини тақдим этади ҳамда иштирокчи-давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий хусусиятга эга таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Умумий хусусиятга эга бундай таклиф ва тавсияномалар иштирокчи-давлатларнинг фикрлари билан бир қаторда, агар улар мавжуд бўлса, Қўмитанинг маърузасига киритилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита маърузаларини Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссиясига ахборот учун юборади.

22-модда

Ихтисослаштирилган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг бундай қоидаларини амалга ошириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга. Қўмита ихтисослаштирилган муассасаларга уларнинг фаолияти доирасига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш ҳақидаги маърузаларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

VI ҚИСМ

23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка эришишга кўмаклашувчи қуйида мавжуд бўлган қоидаларга даҳл қилмайди:

- а) иштирокчи-давлатларнинг қонунчилигида; ёки,
- б) шундай давлат учун кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, шартнома ёки битимда.

24-модда

Иштирокчи-давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

25-модда

- 1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.
- 2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.
- 3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.
- 4. Мазкур Конвенция барча давлатларнинг қўшилиши учун очиқдир. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш орқали амалга оширилади.

26-модда

- 1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимоснома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи-давлатлардан бирининг исталган вақтда ёзма равишдаги хабар орқали тақдим этилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чоралар кўриш зарурлигини эътироф этса, бундай илтимосномага нисбатан айнан қандай чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган ёхуд йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенциянинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

28-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартларнинг матнини қабул қилади ҳамда барча давлатларга тарқатади.

2. Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

3. Қўшимча шартлар исталган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса у бу ҳақда барча иштирокчи-давлатларни хабардор қилади. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

29-модда

1. Мазкур Конвенцияни талқин этиш ёки қўллашга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи-давлатлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилмаган ҳар қандай баҳс томонлардан бирининг илтимосига биноан ҳакамлик муҳокамасига юборилади. Агар ҳакамлик муҳокамаси ҳақида ариза берилган пайдан бошлаб олти ой мобайнида томонлар ҳакамлик муҳокамасини ташкил этишга нисбатан келишувга эришолмаган бўлса, томонлардан бири ушбу баҳсни Суд Низомига мувофиқ тегишли ариза бериш йўли билан Халқаро Судга топшириши мумкин.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини билдириши мумкин. Бошқа иштирокчи-давлатлар шунга ўхшаш қўшимча шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлатга нисбатан ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқадиган мажбуриятларни олмайди.

3. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ қўшимча шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлат истаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаш орқали ўз қўшимча шартларини олиб ташлаши мумкин.

30-модда

Мазкур Конвенциянинг рус, инглиз, араб, испан, хитой, ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

Ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар мазкур Конвенцияни тасдиқлаш учун имзоладилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСІЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*Бош Ассамблеянинг 1952 йил 20 декабрдаги 640 (VII)-сонли резолюцияси билан
қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун очиқ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
501–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган*

Аҳдлашувчи томонлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида эълон қилинган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тенглик тамойилини амалга оширишни истаган ҳолда,

ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига ҳамда ўз мамлакатида давлат хизматларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олиб, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мувофиқ эркаклар ва хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш ва улардан фойдаланишни тенглаштириш истагини эътироф этган ҳолда, шу мақсадда конвенция тузишга қарор қилиб, қуйидагиларга келишиб олдилар:

1-модда

Хотин-қизлар барча сайловларда, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2-модда

Хотин-қизлар эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишларсиз миллий қонунчилик билан белгиланган оммавий сайловларни талаб қиладиган барча муассасаларга сайланиши мумкин.

3-модда

Хотин-қизлар, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда миллий қонунчилик билан белгиланган жамоат-давлат хизматида лавозимларни эгаллаш ва барча жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга.

4-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзолари, шунингдек Бош Ассамблеядан таклифнома олган ҳар қандай бошқа давлатлар томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

5-модда

1. Ушбу Конвенция 4-модданинг 1-бандида кўрсатилган барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир.

2. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги декларациянинг топширилиши билан амалга оширилади.

6-модда

1. Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги декларацияни сақлаш учун топширилганидан бошлаб тўқсонинчи кундан кучга киради.

2. Ушбу Конвенция Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ўзининг олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги декларациясини сақлаш учун топширгандан сўнг тўқсонинчи куни кучга киради.

7-модда

Ҳар қандай давлат томонидан имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу Конвенциянинг бирор-бир моддасига қўшимча шарт тақдим этилган ҳолларда Бош котиб ушбу қўшимча шарт матнини мазкур Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ёки иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган барча давлатларга етказди. Ушбу қўшимча шартга қарши бўлган ҳар қандай давлат, ушбу хабар юборилган кундан бошлаб тўқсон кунлик муддат ичида (ёки Конвенция иштирокчиси бўлган кундан бошлаб) Бош котибга уни қабул қилмаслиги тўғрисида хабар бериши мумкин. Бундай ҳолатда Конвенция ушбу давлат ва қўшимча шарт киритган давлат ўртасида кучга кирмайди.

8-модда

1. Ҳар қандай давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ёзма равишда хабар бериш орқали ушбу Конвенцияни бекор қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб ушбу билдиришномани олган кундан бир йил ўтгандан кейин кучга киради.

2. Конвенцияда томонлар сони олтитадан кам бўлган ҳолларда, ушбу Конвенциянинг амал қилиши денонсация кучга кирган кундан бошлаб тўхтайд.

9-модда

Ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида келиб чиқадиган, музокаралар йўли билан ҳал қилинмайдиган ҳар қандай низо, агар улар ярашувнинг бошқа тартиби тўғрисида келишиб олишмаса, мазкур низода томонлардан бирининг талабига биноан Халқаро суд қарорига тақдим этилади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларини ва ушбу Конвенциянинг IV-моддаси 1-бандида назарда тутилган Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларни хабардор қилади:

- a) IV-моддага мувофиқ олинган имзолар ва ратификация ёрлиқлари тўғрисида;
- b) V-моддага мувофиқ олинган қўшилиш ҳақидаги декларациялар тўғрисида;
- c) VI-моддага мувофиқ ушбу Конвенция кучга кирадиган сана тўғрисида;
- d) VII-моддага мувофиқ олинган хабарлар ва билдиришномалар тўғрисида;
- e) VIII-модданинг 1-бандига мувофиқ олинган денонсация тўғрисидаги билдиришномалар ҳақида;
- f) VIII-модданинг 2-бандига мувофиқ Конвенциянинг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисида.

11-модда

1. Ушбу Конвенциянинг инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилидаги аслига тўғри бўлган матнлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби тасдиқланган нусхаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларига ва IV-модданинг 1-бандида назарда тутилган Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларга юбориши лозим.

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*Бош Ассамблеянинг 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-сонли
резолүцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
501–I-сонли Қарорига мувофиқ қўшилган*

(Кўчирма)

3-модда. Умумий тамойиллар

Ушбу Конвенциянинг принциплари қуйидагилардан иборат:

.....

g) эркеклар ва хотин-қизларнинг тенглиги;

.....

6-модда. Ногирон хотин-қизлар

1. Иштирокчи-давлатлар ногирон хотин-қизлар ва ногирон қизлар кўп бора камситишларга дучор бўлишларини тан оладилар ва шу муносабат билан улар томонидан барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тўлиқ ва тенг амалга оширилишини таъминлаш учун чоралар кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга ушбу Конвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг амалга оширилиши ва рўёбга чиқарилишини кафолатлаш учун хотин-қизларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, аҳволини яхшилаш ҳамда ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун барча тегишли чораларни кўради.

16-модда. Эксплуатация қилиниш, зўравонлик ва таҳқиқлашлардан озод бўлиш

5. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга нисбатан эксплуатация, зўравонлик ва таҳқиқлаш ҳолатлари аниқланиши, суриштирилиши ва зарур ҳолларда таъқиб этилишини таъминлаш учун, шу жумладан, хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган самарали қонунчилик ва стратегияларни қабул қилади.

28-модда. Етарли турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимоя

.....

b) ногиронларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, қизлар ва кекса шахсларнинг ижтимоий ҳимоя дастури ва қашшоқлик кўламларини қисқартириш дастурларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича;

.....

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КАМСИТИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

1960 йил 14 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси 11-сессиясида қабул қилинган

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
497-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси Парижда ўн биринчи сессиясига йиғилиб ва 1960 йил 14 ноябрдан 15 декабрга қадар йиғилиш ўтказиб,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик принципини тасдиқлашини ва ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эълон қилишини эслатиб,

таълим соҳасида камситиш ушбу декларацияда баён этилган ҳуқуқларнинг бузилиши эканлигини эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ўзининг Низомига асосан ҳамма жойда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини ва барча учун таълимдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун миллатлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга интилаётганини эътиборга олиб,

таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти айрим мамлакатларда қабул қилинган таълим тизимининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, таълим соҳасидаги ҳар қандай камситишни бартараф этибгина қолмасдан, балки ялпи имкониятлар тенглигини ва шу соҳада барчага тенг муносабатни рағбатлантириши ҳам кераклигини тан олиб,

таълим соҳасида камситишнинг, яъни сессия кун тартибининг 17.1.4-бандига киритилган масаланинг турли жиҳатларига доир таклифларни инобатга олиб,

бу масала халқаро конвенциянинг предмети, шунингдек аъзо-давлатларга тавсиялари эканлиги тўғрисида ўнинчи сессияда қабул қилинган қарорни инобатга олиб,

1960 йилнинг 14 декабрида мазкур Конвенцияни қабул қилди.

1-модда

1. Ушбу Конвенцияда “камситиш” ибораси таълим соҳасида муносабат тенглигини йўқ қилиш ёки бузишни мақсад ёки натижа қилиб қўядиган ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқача эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий ҳолати ёки туғилиш белгиси бўйича ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунлиқни қамраб олади, хусусан:

a) ҳар қандай шахс ёки бир гуруҳ шахслар учун бирон-бир даражадаги ёки турдаги таълимдан фойдаланишга тўсқинлик қилиш;

b) таълим даражаси паст бўлган ҳар қандай шахс ёки бир гуруҳ шахслар учун таълимни чеклаш;

c) ҳар қандай шахслар ёки бир гуруҳ шахслар учун алоҳида таълим тизими ёки ўқув юр்தларини тузиш ёки сақлаш, ушбу Конвенциянинг 2-моддаси қоидасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

d) ҳар қандай шахс ёки бир гуруҳ шахсларни инсон кадр-қимматига номуносиб вазиятга тушириб қўйиш.

2. Ушбу Конвенцияда “таълим” сўзи таълимнинг барча турлари ва босқичларига тегишли ҳамда таълимдан фойдаланишни, ўқитиш даражаси ва сифатини, шунингдек у олиб бориладиган шароитларни ўз ичига олади.

2-модда

Қуйидаги қоидалар, агар уларга алоҳида давлатларда йўл қўйилса, ушбу Конвенциянинг 1-моддаси нуқтаи назаридан камситиш сифатида қаралмайди:

а) турли жинсдаги ўқувчилар учун бу тизим ёки ўқув юртлари таълимдан бир хилда фойдаланишни таъминласа, уларнинг ўқитувчилари таркиби бир хил малакага эга бўлса, улар тенг сифатли бино ва ускуналарга эга бўлса ҳамда бир хил дастурлар бўйича ўқишга имкон берилган ҳолларда, таълимнинг алоҳида тизимларини тузиш ёки сақлаб туриш;

б) ўқувчиларнинг ота-оналари ёки қонуний васийларининг танловига мос таълим берадиган диний ёхуд тил хусусиятига асосланган таълимнинг алоҳида тизимларини ёки ўқув юртларини, шу тизимларга ўланиш ёки шу ўқув юртларига кириш ихтиёрий бўлса ва агар улар берадиган таълим таълимнинг ваколатли органлари томонидан кўрсатилган ёки тасдиқланган меъёрларга, хусусан, айни бир хил босқичдаги таълимга нисбатан мос келган ҳолларда тузиш ёки сақлаш;

с) хусусий ўқув юртларини, уларнинг мақсади ҳар қандай гуруҳни истисно қилиш эмас, балки уларнинг фаолияти ҳақиқатан ҳам юқорида кўрсатилган мақсадга жавоб бериши ва улар берадиган таълим таълимнинг ваколатли органлари томонидан кўрсатилган ёки тасдиқланган меъёрларига, хусусан, айни бир хил босқичдаги таълим меъёрларига нисбатан мос келиши кераклиги шарти билан давлат томонидан бериладиган таълим имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлган ҳолларда тузиш ёки сақлаб қолиш.

3-модда

Мазкур Конвенцияда бериладиган таърифларга мос тушадиган камситишга барҳам бериш ёки унинг олдини олиш мақсадида ушбу охириги томонлар бўлган давлатлар қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) таълим соҳасида камситиш хусусиятидаги барча қонунчилик қарорлари ва маъмурий фармойишларни бекор қилиш ҳамда маъмурий амалиётчиликни тўхтатиш;

б) агар лозим бўлса, ўқув юртларига ўқувчиларни қабул қилишда ҳар қандай камситишга барҳам бериш учун қонунчилик тартибида зарур чораларни кўриш;

с) ўқувчиларга ўқиш учун ҳақ тўлашга доир ишларда, стипендиялар ва бошқа ҳар қандай ёрдам беришда, шунингдек таълимни хорижда давом эттириш учун зарур бўладиган рухсат ва имтиёзларни беришда, муайян мамлакат фуқаролари бўлган ўқувчиларга нисбатан давлат органлари томонидан уларнинг ютуқлари ва эҳтиёжларига асосланган фарқлардан бошқа ҳеч қандай фарқларга йўл қўймаслик;

д) давлат органлари ўқув юртларига у ёки бу турдаги ёрдамни берган ҳолларда ўқувчиларнинг фақат қандайдир муайян гуруҳга мансублигига асосланган устунлик ёки чекловларга йўл қўймаслик;

е) уларнинг ҳудудида яшаб турган хорижий фуқароларга ўз фуқароларига бўлгани каби таълим олиш имкониятини таъминлаш.

4-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар бундан ташқари таълим соҳасида имкониятлар ҳамда муносабат тенглигини амалга ошириш учун миллий шароит ва одатларга муносиб усуллардан фойдаланиладиган умумдавлат сиёсатини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини олади, хусусан:

а) бошланғич таълимни мажбурий ва бепул қилиш; ўрта таълимни унинг турли шаклларида барча учун умумий мулк қилиш ва унинг ҳаммабплигини таъминлаш; олий таълимни тўлиқ тенглик ва ҳар бир кишининг қобилятига қараб барча учун фойдалана олинadиган қилиш; қонунда назарда тутилган ўқитиш мажбурийлигига риоя қилинишини таъминлаш;

- b) тенг поғонали барча давлат ўқув юртларида таълимнинг бир хил даражасини ва ўқиш сифатига нисбатан тенг шароитларни таъминлаш;
- c) бошланғич таълим олмаган ёки уни тугатмаган шахсларнинг таълим олишини ҳамда уларнинг ҳар бирининг қобилиятига мос таълимни давом эттиришини таълимнинг муносиб усуллари билан рағбатлантириш ва ривожлантириш;
- d) ўқитувчилик касбига камситишсиз тайёрлашни таъминлаш.

5-модда

1. Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар шундай ҳисоблайдилар:

a) таълим инсон шахсини тўлиқ ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини кўпроқ ҳурмат қилишга қаратилиши керак; у барча халқлар ва барча ирқий ёки диний ғуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўстлик, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши керак;

b) ота-оналар, тегишли ҳолларда, қонуний васийлар, биринчидан, ҳар бир давлатнинг қонунлари белгиланган доирада ўз болаларини давлатники бўлмаган, балки ваколатли таълим органлари томонидан кўрсатилган ёки тасдиқланган минимал талабларга жавоб берадиган бошқа ўқув юртларига эркин жўнатиш ва, иккинчидан, ўз эътиқодларига мувофиқ болаларнинг диний ва маънавий тарбиясини таъминлаш имкониятига эга бўлишлари керак;

алоҳида олганда ҳеч кимга ва яхлит олганда ҳеч бир шахслар ғуруҳига уларнинг эътиқодларига тўғри келмайдиган диний тарбияни зўрлаб ўтказмаслик керак;

c) қуйидаги шартларга кўра миллий озчиликка мансуб шахслар ўзининг маърифий, жумладан, мактабларга раҳбарлик қилиш ва ҳар бир давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатида мувофиқ, ўз миллий тилидан фойдаланиш ёки ўқитиш ишларини олиб бориш ҳуқуқини тан олиши керак, лекин қуйидаги шартларга кўра:

i) бу ҳуқуқни амалга ошириш озчиликка мансуб шахсларга бутун жамоанинг маданияти ва тилини тушунишда ҳамда унинг фаолиятида қатнашишга монелик қилмайди ва у мамлакат суверенитетига путур етказмайди;

ii) бундай турдаги мактабларда таълим даражаси ваколатли органлар томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий даражадан кам эмас;

iii) бу турдаги мактабларга қатнаш ихтиёрийдир.

2. Мазкур Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар ушбу модданинг 1-бандида баён этилган тамойилларнинг қўлланилишини таъминлаш учун барча зарур чоралар кўриш мажбуриятини олади.

6-модда

Ушбу Конвенциянинг қўлланилишида унинг томонлари бўлган давлатлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош конференцияси таълим соҳасида камситишнинг турли жиҳатларига қарши кураш чораларини ҳамда бу соҳадаги имкониятлар ва муносабатлар тенглигини таъминлаш бўйича чораларни белгилаш мақсадида қабул қилиши мумкин бўлган тавсияларни имкон қадар кўпроқ даражада ҳисобга олишни ўз зиммасига олади.

7-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар улар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференциясига, Конференция томонидан белгиланадиган муддат ва шаклларда тақдим этадиган даврий маърузаларида мазкур Конвенцияни амалга ошириш учун улар томонидан қабул қилинадиган қонунчилик, маъмурий ва бошқа чоралар тўғрисида, хусусан, 4-моддада эслатиб ўтилган умумдавлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш тўғрисида, эришилган натижалар ва шу сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда юзага келган тўсиқлар ҳақида хабар қилишлари керак.

8-модда

Агар ушбу Конвенция томонлари бўлган иккита ёки бир нечта давлатлар ўртасида уни шарҳлаш ёки қўлланиш масаласига доир келишмовчиликлар пайдо бўлса ва, агар бу келишмовчиликлар музокаралар йўли билан бартараф этилмаса, келишмовчиликларни бартараф этишнинг бошқа воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда, томонларнинг илтимосига кўра улар ҳукм чиқариш учун Халқаро судга юборилади.

9-модда

Ушбу Конвенцияга ҳеч қандай қўшимча шартлар бўлишига йўл қўйилмайди.

10-модда

Ушбу Конвенция бир ёки бир нечта давлатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида алоҳида шахслар ёки гурӯҳлар фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқларини чекламайди, агар бу ҳуқуқлар Конвенциянинг матни ёки руҳига зид келмаса.

11-модда

Ушбу Конвенция инглиз, испан, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма тўртта матн тенг кучга эга.

12-модда

1. Ушбу Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзо-давлатлари томонидан уларнинг конституцияларида назарда тутилган тартибда ратификация қилиниши ёки қабул қилиниши керак.

2. Ратификация ёрлиқлари ёки қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директориға сақлаш учун топширилади.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияга Ижроия кенгашидан унга қўшилиш тўғрисидаги таклифномани олган, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлмаган ҳар қандай давлат қўшилиши мумкин.

2. Қўшилиш Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директориға қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

14-модда

Ушбу Конвенция учинчи ратификация ёрлиғи ёки қабул қилиш ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан уч ой ўтгандан сўнг кучга киради, бироқ фақатгина ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўз ҳужжатларини кўрсатилган кунда ёки эртaroқ сақлаш учун топширган давлатларга нисбатан амалга оширилади. Ҳар қандай бошқа давлатга нисбатан Конвенция у ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги ўз ҳужжатини сақлаш учун топширганидан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

15-модда

Ушбу Конвенциянинг томонлари бўлган давлатлар унинг ҳаракати нафақат уларнинг метрополияларидаги ҳудудларга, балки барча ўзини ўзи бошқармайдиган васийликдаги, мустамлака ва ташқи алоқалари учун улар жавобгар бўлган бошқа ҳудудларга ҳам татбиқ этилишини тан олади; улар агар зарур бўлса, кўрсатилган ҳудудларнинг ҳукумати ёки ваколатли ҳокимликлар билан ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш пайтида ёхуд яна

аввалроқ шу ҳудудларда Конвенциянинг амалга оширилишини таъминлаш учун маслаҳатлашишга, шунингдек Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директориға Конвенция амалга ошириладиган ҳудудлар тўғрисида маълум қилиш мажбуриятини олади. Бу нотификация у олингандан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

16-модда

1. Ушбу Конвенциянинг томони бўлган ҳар бир давлат ўз номидан ёки ташқи алоқалари учун у жавобгар бўлган ҳар қандай ҳудуд номидан уни денонсация қилиши мумкин.

2. Денонсация ёзма ҳужжат билан маълум қилиниб, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директориға топширилади.

3. Денонсация, денонсация тўғрисидаги ҳужжат олингандан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

17-модда

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош директори Ташкилотга аъзо-давлатларга, 13-моддада қайд этилганидек, Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 12 ва 13-моддаларда қайд этилган ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш тўғрисидаги, шунингдек 15 ва 16-моддаларда белгиланган нотификация ва денонсация тўғрисидаги барча ҳужжатлар сақлаш учун топширилгани ҳақида билдиради.

18-модда

1. Мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош конференцияси томонидан қайта кўриб чиқиши мумкин. Бироқ, унинг қайта кўриб чиқилган матни фақат қайта кўриб чиқилган Конвенциянинг томонлари бўлган давлатларга мажбурият юклайди.

2. Агар Бош конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиши натижасида янги Конвенция қабул қилса ва агар янги Конвенцияда бошқа кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, қайта кўриб чиқилган матнга эга янги Конвенция кучга кирган кундан эътиборан мазкур Конвенция ратификация қилиш, қабул қилиш ёки қўшилиш учун ёпиқ бўлади.

19-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ мазкур Конвенция Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорининг илтимосига кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатга олинади.

Парижда, 1960 йилнинг 15 декабрида ўн биринчи сессияга тўпланган Бош Конференция Раиси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош директорининг имзоси билан иккита асл нусхада тузилди; бу нусхалар Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади ва тегишли тартибда тасдиқланган нусхалари 12 ва 13-моддаларда кўрсатилган барча давлатларга, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилади.

Юқорида келтирилган матн Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош конференцияси томонидан унинг Парижда бўлиб ўтган ва 1960 йилнинг ўн бешинчи декабрида якунланган ўн биринчи сессиясида тегишли тартибда қабул қилинган Конвенциянинг асл матнидир.

ТАСДИҚЛАШ УЧУН ушбу Конвенцияни 1960 йилнинг ўн бешинчи декабрида имзоладилар.

ОДАМ САВДОСИГА ВА УЧИНЧИ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ТАНАФУРУШЛИКДАН ФЙДАЛАНИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ ВА ЯКУНЛОВЧИ БАЁННОМА

*Бош Ассамблеянинг 1949 йил 2 декабрдаги 317 (IV)-сонли резолюцияси билан
қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги
576-II-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

Преамбула

Инсон шаъни, кадр-қиммати ва қадриятига тўғри келмайдиган, фоҳишалик мақсадларини кўзлаган фоҳишалик ва унинг илллати бўлган одам савдоси инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавф солишини эътиборга олиб,

хотин-қизлар ва болалар савдосига қарши курашга нисбатан қуйидаги халқаро ҳужжатлар ўз кучида эканлигини эътиборга олиб:

1. 1948 йил 3 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган Протоколи асосида киритилган ўзгартишлари билан 1904 йил 18 майдаги Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги халқаро шартнома;

2. Юқорида келтирилган Протокол асосида киритилган ўзгартиришлари билан 1910 йил 4 майдаги Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция;

3. 1947 йил 20 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Протоколиб асосида унга киритилган ўзгартишлари билан 1921 йил 30 сентябрдаги Хотин-қизлар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида халқаро конвенция;

4. Қайд қилинган Протокол асосида киритилган ўзгартиришлари билан 1933 йил 11 октябрдаги Балоғатга етган қизлар савдосига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция.

1937 йилда Миллатлар Лигаси томонидан юқорида кўрсатилган актларнинг ҳаракат доирасини кенгайтирувчи конвенция лойиҳаси тузилганини эътиборга олиб,

1937 йилдан бошлаб пайдо бўлган янги омиллар ўзида юқорида кўрсатилган актларни бирлаштирган ҳамда унга маъқул тузатишлар сингари 1937 йилги Конвенция лойиҳасининг асосий қоидаларини ўз ичига оладиган конвенция тузишга имкон беришини эътиборга олиб,

шунинг билан аҳдлашувчи томонлар қуйидагиларга келишиб олдилар:

1-модда

Ушбу Конвенцияда Томонлар ҳар бир кишини жазолаш мажбуриятини оладилар, яъни кимки бошқа шахснинг ҳирсини қондириш учун:

1. бошқа шахсни фоҳишалик мақсадида, ҳатто унинг розилиги билан қўшиб қўйган, майл уйғотган ёки йўлдан урган бўлса;

2. бошқа шахснинг фоҳишалигини, ҳатто унинг розилиги билан ишлатган бўлса.

2-модда

Ушбу Конвенцияда Томонлар бундан буён ҳар бир кишини жазолаш мажбуриятини олади, улар:

1. фоҳишахона сақлаш ёки уни бошқарган ёхуд онгли равишда фоҳишахонани маблағ билан таъминлаган ёки маблағ билан таъминлашда иштирок этган;

2. учинчи шахслар томонидан фоҳишалик мақсадида фойдаланилишини билиб, бино ёки бошқа жойни ёхуд унинг бир қисмини ижарага берган ёки олганлар.

3-модда

Бу ички қонун ҳужжатлари талабларига мос келганлиги сабабли, 1 ва 2-моддаларда назарда тутилган ҳар қандай ҳуқуқбузарликни содир этишга суиқасд қилиш каби бундайларни содир этишга тайёргарлик ҳаракатлари ҳам жазоланади.

4-модда

Бу ички қонунчилик талабларига мос келганлиги сабабли, 1 ва 2-моддаларда назарда тутилган ҳаракатларда қасддан иштирок этиш ҳам жазоланади.

Бунга ички қонунчилик талаблари билан йўл қўйилган тақдирда, агар бу жазосизликнинг олдини олиш учун зарур бўлса, шериклик ҳаракатлари алоҳида жиноятлар сифатида кўриб чиқилади.

5-модда

Мазкур Конвенцияда назарда тутилган ҳар қандай жиноятларга оид ишларда жабрланган шахслар ички қонунчиликка асосан даъвогар бўлиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолларда, хорижий фуқаролар бу ҳуқуқдан ушбу давлат фуқаролари билан тенг фойдаланади.

6-модда

Ушбу Конвенцияда ҳар бир Томон фоҳишалик билан шуғулланувчи ёки шуғулланишда гумон қилинаётган шахслар ё алоҳида рўйхатдан ўтиши ё махсус ҳужжатга эга бўлиши ёхуд назорат ёки хабар бериш мақсадига эга бўлган фавқулодда талабларга бўйсуниларини назарда тутувчи ҳар қандай амалдаги қонун, қарор ёки маъмурий фармойишни рад этиш ёки бекор қилиш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади.

7-модда

Ушбу Конвенцияда назарда тутилган жиноятлар учун бошқа давлатларда илгари чиқарилган ҳукмлар эътиборга олинади, чунки бунга ички қонунчилик билан йўл қўйилади:

1. жиноятни такроран содир этиш фактини аниқлаш;
2. жиноятчини сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш.

8-модда

Мазкур Конвенциянинг 1 ва 2-моддаларида назарда тутилган жиноятлар жиноятчиларни топшириши лозим бўлган жиноятлар сифатида кўриб чиқилади ҳамда ушбу Конвенциянинг ҳар қандай томонлари ўртасида тузилган ёки тузиладиган жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги ҳар қандай шартнома уларга татбиқ этилади.

Ушбу Конвенциянинг жиноятчиларни топшириш ҳақидаги шартномаларнинг мавжудлиги билан топширишни шарт қилиб қўймайдиган томонлар бундан кейин улар ўзаро муносабатларида мазкур Конвенциянинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатилган жиноятчиларни топширишни назарда тутадиган жиноятларни жиноятлар деб тан олади.

Жиноятчини топшириш тўғрисидаги талаб мурожаат қилинган давлатнинг қонунига биноан амалга оширилади.

9-модда

Ўз фуқароларини топшириш тамойили қонун билан тан олинмайдиган давлатларда, бошқа давлатда ушбу Конвенциянинг 1 ва 2-моддаларида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этгандан кейин ўз давлатига қайтган фуқаролар ўз давлатларининг суди томонидан таъқиб қилинади ҳамда жазоланади.

Агар ушбу Конвенция томонлари ўртасида юзага келадиган шу каби ишларда хорижий фуқарони топшириш тўғрисидаги талабни қондиришнинг имкони бўлмаса, мазкур қоида қўлланилмайди.

10-модда

Агар жиноят содир этишда айбланаётган шахс бошқа давлатда судланган бўлса ва айблов ҳукми бўйича жазо муддатини ўтаган ёки жазодан озод қилинган бўлса ёхуд шу давлат қонунларига мувофиқ жазо муддати қисқартирилган бўлса, 9-модданинг қоидалари қўлланилмайди.

11-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса у ёки бу томонларнинг ундаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ жиноят юрисдикцияси доираси тўғрисидаги умумий масалага муносабатини аниқлаш каби талқин қилинмаслиги керак.

12-модда

Мазкур Конвенция ҳар бир алоҳида давлатда Конвенцияда кўзда тутилган жиноятларни, худди уларни содир этишда айбдор бўлган ўзларининг шахслари ушбу давлат қонунлари бўйича таъқиб қилиниши ва жазоланиши сингари жиноятларни аниқлаш принципини бузмайди.

13-модда

Ушбу Конвенциянинг Томонлари ўзларининг хусусий қонунлари ва амалиётига мувофиқ мазкур Конвенцияда назарда тутилган жиноятларга тааллуқли суд топшириқларини бажариш мажбуриятини олади.

Суд топшириқларини топшириш қуйидагича амалга оширилади:

1. суд ҳокимиятлари ўртасида бевосита алоқалар йўли билан;
2. иккита давлатнинг Адлия вазирлари ўртасида бевосита алоқалар ёки топшириқ чиқадиган давлатнинг бошқа тегишли ҳокимиятларининг у мурожаат қилган давлатнинг Адлия вазирига бевосита мурожаати йўли билан;
3. топшириқ чиқадиган давлатнинг у мурожаат қиладиган давлатга дипломатик ёки консуллик вакиллари воситаси орқали. Кўрсатилган вакил суд топшириғини бевосита тегишли суд ҳокимиятларига ёки топшириқ берилган давлат ҳукумати томонидан кўрсатилган ҳокимиятларга жўнатади, бунда у мазкур ҳокимиятлардан тўғридан-тўғри суд топшириғини бажариш акти бўлган ҳужжатларни олади.

1 ва 3-бандларда кўзда тутилган ҳолларда суд топшириғининг нусхаси мурожаат қилинган давлатнинг олий ҳокимиятларига жўнатилади.

Агар қандайдир бошқа келишув бўлмаса, суд топшириғи ҳар доим у келиб чиқадиган ҳокимиятлар тилида тузилади, зарур ҳолларда топшириқ берилган давлат топшириқ келиб чиқувчи ҳокимиятлар томонидан тасдиқланган ўз тилига қилинган таржимани тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Ушбу Конвенцияда ҳар бир томон мазкур Конвенциядаги бошқа ҳар бир томонни юқорида кўрсатилган, бошқа давлат томонидан суд топшириқларининг жўнатилиши мақбул деб ҳисобланадиган усул ёки усуллар тўғрисида хабардор қилади.

Ҳар қандай давлат бундай билдиришни қилмагунига қадар, суд топшириқларига нисбатан ундаги мавжуд тартиб кучида қолади.

Ҳар қандай харажат ёки чиқимларни қоплаш тўғрисидаги талаб суд топшириқларининг бажарилиши учун асос бўлиб хизмат қилмайди, экспертиза бўйича қилинадиган харажатлар бундан мустасно.

Ушбу моддада ҳеч нарса ушбу Конвенцияда томонларнинг жиноий ишларда уларнинг ўз қонунларига мос келмайдиган исботлашнинг қандайдир шакл ёки қайсидир усуллари-нинг қўллаш мажбурияти сифатида талқин қилинмаслиги керак.

14-модда

Ушбу Конвенцияда ҳар бир томон мазкур Конвенцияда назарда тутилган жиноятларни тергов қилиш натижаларини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш топширилган органни таъсис этади ҳамда сақлаб туради.

Бу органлар ушбу Конвенцияда назарда тутилган жиноятларни бартараф этиш ва уларга жазо беришни енгиллаштириш учун тўпланадиган ҳамма ахборотларни мувофиқлаштиради, бу органлар бошқа мамлакатларнинг шунга ўхшаш органлари билан чамбарчас алоқа боғлайди.

15-модда

Модомики, бу ички қонунчилик талабларига мос келган экан ва бу 14-моддада белгиланган органлар бўйсунадиган ҳокимиятлар томонидан мақбул деб тан олинар экан, улар бошқа давлатлардаги шунга ўхшаш органлар бўйсунадиган ҳокимиятларга қуйидаги ахборотларни хабар қиладилар:

1. ушбу Конвенцияда назарда тутиладиган ҳар бир жиноятлар тўғрисидаги ва шундай жиноят содир этишга ҳар бир суиқасд тўғрисидаги тафсилотларни;

2. ушбу Конвенцияда назарда тутиладиган жиноятларни содир этишда айбдор бўлган шахсларни қидирув, шунингдек жиноий таъқиб, қамоққа олиш, ҳибсга олиш, қабул қилишни ва чиқариб юборишни рад этишнинг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бундай шахслар турар жойининг ўзгарганлиги ҳамда уларга тааллуқли бошқа ҳар қандай фойдали ахборотларни.

Шу йўл билан хабар қилинадиган ахборотлар жиноятчиларнинг тасвирини, уларнинг дактилоскопик излари, фотосуратлари, иш усули тўғрисидаги хабар, полиция маълумотномалари ва судланганлик тўғрисидаги маълумотномаларни ўз ичига олади.

16-модда

Ушбу Конвенцияда томонлар ўзларининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва иқтисодий хизмат кўрсатиш ҳамда шу билан боғланган бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасидаги ҳукуматга қарашли ёки хусусий муассасалари орқали фоҳишалikka қарши курашиш бўйича ва мазкур Конвенцияда назарда тутилган жиноятлар ҳамда фоҳишабозлик қурбонларини нормал ижтимоий шароитларга қайтариш ва мослаштириш юзасидан барча зарур чораларни кўриш ёки рағбатлантириш мажбуриятини олади.

17-модда

Иммиграция ва эмиграцияга нисбатан ушбу Конвенцияда томонлар фоҳишалик мақсадини кўзлаган иккала жинсдаги одам савдосини тўхтатиш учун ушбу Конвенцияга мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларга кўра талаб қилинадиган барча чораларни кўриш ва амалга ошириш мажбуриятига эга. Хусусан, улар қуйидаги мажбуриятни оладилар:

1. иммигрант ва эмигрантларни, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни улар келадиган ва жўнатиладиган жойларда, шунингдек сафарлари вақтида ҳимоя қилиш учун барча зарур қарорларни чиқариш;

2. эслатиб ўтилган савдо хавфи ҳақида аҳолини тегишли равишда хабардор қилиш учун чоралар кўриш;

3. фоҳишалик мақсадини кўзловчи халқаро одам савдосининг олдини олиш учун темир йўл станциялари, авиапортлар, портлар ва бошқа жамоат жойларида кузатувни таъминлаш учун тегишли чоралар кўриш;

4. мавжуд «prima facie» маълумотлари бўйича шу савдонинг бош айбдорлари, иштирокчилари ёки қурбонлари бўлган шахсларнинг келиши тўғрисида тегишли ҳокимиятларни хабардор қилиш мақсадида барча зарур чораларни кўриш.

18-модда

Ушбу Конвенцияда томонлар уларнинг ўз қонунлари билан белгиланган шартларга мувофиқ фоҳишабозлик билан шўғullanувчи барча хорижликлар тўғрисида уларнинг шахсини ва ижтимоий аҳолини аниқлаш, шунингдек уларни ўз давлатини ташлаб кетишга унда-

ган шахсларни топиш мақсадида маълумот тўплаш мажбуриятини олади. Бу маълумотлар кўрсатилган шахсларнинг келиб чиқиши давлат ҳокимиятларига уларни кейинчалик ўз ватанига қайтариш мақсадида хабар қилинади.

19-модда

Ушбу Конвенцияда томонлар уларнинг ўз қонунлари билан белгиланган шартларга мувофиқ ва таъқиблар ёки шу қонунларнинг бузилиши билан келиб чиқадиган бошқа тадбирлардан воз кечмаган ҳолда ва имкон борича:

1. фоҳишалик мақсадини кўзлайдиган халқаро одам савдоси қурбони бўлган ночор шахсларни ватанига қайтариш бўйича охириги тадбирларни ўтказишдан олдин уларга вақтинчалик ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан зарур чоралар кўриш;

2. 18-моддада кўрсатилган шахсларни, агар улар шуни хоҳласалар ёки уларнинг ихтиёрида бўлган шахслар томонидан уларни ўз ватанига қайтариш талаби тушган бўлса ёки уларни мамлакатдан чиқариб юбориш ҳақида қонунда асосланган буйруқ мавжуд бўлса, уларни ўз ватанига қайтариш. Ватанга қайтариш шахснинг шахсияти ва фуқаролиги тўғрисида ёки унинг чегарага келиш жойи ва санаси тўғрисида давлат билан келишувга эришилгандан кейин амалга оширилади. Ушбу Конвенциянинг ҳар бир томони бундай шахснинг ўз ҳудуди орқали ўтишига кўмаклашади.

Аввалги хатбошида кўрсатилган шахслар ватанига қайтиш харажатларини ўзлари қоплай олмасалар ва уларнинг келиб чиқиши давлатига яқин чегарага, жўнаш портигача ёки авиапортгача ватанига қайтиш харажатларини уларнинг ўрнига тўлайдиган на эри, на қариндошлари, на васий бўлмаса, унда харажатлар мазкур шахслар яшайдиган давлат томонидан тўланади, шу билан боғлиқ бошқа харажатларни эса улар келиб чиққан давлат ўз зиммасига олади.

20-модда

Ушбу Конвенцияда томонлар иш қидираётган шахсларни, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни фоҳишалик мақсадида эксплуатация қилиш хавфидан ҳимоя қилиш қилиш бандлик бўйича идоралар устидан назоратни амалга ошириш юзасидан, агар улар томонидан бундай чоралар кўрилмаган бўлса, зарур чораларни кўради.

21-модда

Ушбу Конвенцияда томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига мазкур Конвенциянинг мавзусига доир ҳамда ўзларининг давлатларида нашр этилган қонун ва қарорлар тўғрисида хабар берадилар ҳамда шундан кейин ҳар йили Конвенция муносабати билан нашр этиладиган қонун ва қарорлар тўғрисида, шунингдек ушбу Конвенциянинг қўлланишига оид барча қабул қилинган чоралар тўғрисида хабар беради. Бу маълумотлар Бош котиб томонидан вақти-вақти билан нашр қилиб борилади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларига, шунингдек 23-моддага мувофиқ мазкур Конвенция расман хабар қилинадиган Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларга ҳам юборилади.

22-модда

Агар ушбу Конвенцияда томонлар ўртасида унинг талқин ёки қўлланишига нисбатан низо пайдо бўлса ва агар бу низо бошқача йўл билан ҳал этилмаса, низо томонлардан бирининг талаби бўйича Халқаро судга юборилади.

23-модда

Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг исталган аъзоси номидан, шунингдек Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан тегишли таклиф юборилган ҳар қандай бошқа давлат номидан имзолаш учун очиқ.

Мазкур Конвенция ратификация қилиниши керак ва ратификация ҳужжатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибида сақланади.

Биринчи хатбошида қайд этилган ва ушбу Конвенцияни имзоламаган давлатлар унга қўшилишлари мумкин.

Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур Конвенцияда “давлат” сўзи ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган давлатнинг барча мустамлака ва васийлигидаги ҳудудларни ҳамда бу давлат халқаро масъулият сезадиган ҳамма ҳудудларни ўз ичига олади.

24-модда

Ушбу Конвенция ратификация ёки қўшилиш тўғрисидаги иккинчи ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан тўқсон кун ўтгач кучга киради.

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки ратификация ёхуд қўшилиш тўғрисидаги иккинчи ҳужжатни сақлаш учун топширигандан кейин унга қўшилган ҳар бир давлатга нисбатан мазкур Конвенция бу давлат томонидан ўзининг ратификация ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топширигандан сўнг тўқсон кун ўтгач кучга киради.

25-модда

Ушбу Конвенция кучга кирган вақтдан беш йил ўтгач, мазкур Конвенцияда ҳар қандай томон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига бу ҳақда ёзма билдириш йўли билан уни денонсация (рад қилиш) қилиши мумкин.

Бундай денонсация бу ҳақда ариза берган томонга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби унинг аризасини олган санадан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

26-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ҳамда Ташкилотга аъзо бўлмаган ва 23-моддада қайд этилган давлатларга қуйидагиларни билдиради:

- а) 23-моддага мувофиқ олинган имзолаш, ратификация ва қўшилиш ҳужжатлари ҳақида;
- б) 24-моддага мувофиқ ушбу Конвенциянинг кучга кириш санаси тўғрисида;
- в) 25-моддага мувофиқ олинган денонсация аризалари тўғрисида.

27-модда

Ушбу Конвенцияда ҳар қайси томон ўз конституциясига мувофиқ мазкур Конвенциянинг қўлланилишини таъминлаш учун зарур бўлган қонунчилик ёки бошқа турли тадбирларни қабул қилиш мажбуриятини олади.

28-модда

Ушбу Конвенция қоидалари, унда томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли бўлгани учун муқаддиманинг иккинчи хатбошидаги 1, 2, 3 ва 4-бандларда қайд этилган халқаро ҳужжатларнинг қоидаларини бекор қилади, ана шу ҳужжатларнинг ҳар бири улардаги томонларнинг барчаси мазкур Конвенциянинг томонларига айлангач бекор бўлган ҳисобланади.

Якунловчи Баённома

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарсга одам савдосига ва фоҳишалик учун бошқа шахсларни эксплуатация қилишга қарши курашишни таъминлайдиган қоидаларни амалга ошириш учун мазкур Конвенцияда назарда тутилган шартлардан кўра қатъий шарт-шароитларни белгилайдиган ҳар қандай қонун талабларини бажаришга тўсиқ сифатида қаралмаслиги керак.

Мазкур Конвенциянинг 23–26-моддалари қоидалари ушбу Баённомага нисбатан қўлланилади.

ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСINI ТЎЛДИРУВЧИ ОДАМ САВДОСИНИНГ, АЙНИҚСА, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УНГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВА УНИНГ УЧУН ЖАЗОЛАШ ҲАҚИДАГИ БАЁННОМА

*Бош Ассамблеянинг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан
қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги ЎРҚ-160-сон
Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

Преамбула

Ушбу Баённома Иштирокчи-давлатлари:

одам савдосининг, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун бундай савдонинг олдини олиш, у билан шуғулланаётган шахсларни жазолаш ҳамда бундай савдо қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олувчи, шунингдек улар халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўли билан амалга оширувчи, кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлигини маълум қилиб,

одамлар, айниқса, хотин-қизлар ва болалардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича нормалардан иборат ва амалий чораларни назарда тутган бир қатор халқаро ҳужжатлар бўлишига қарамай, одам савдосининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган универсал ҳужжатнинг йўқлигини эътиборга олиб,

бундай ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги одам савдоси нуқтаи назаридан чорасиз аҳволга тушган шахсларнинг етарли даражада ҳимояланмаслигидан ташвишланиб,

Бош Ассамблеянинг 1998 йил 9 декабрдаги 53/111-сонли резолюциясида баён қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кенг қамровли халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда хотин-қизлар ва болалар савдосига қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун очиқ таркибдаги ҳукуматлараро махсус қўмита таъсис этиш тўғрисидаги қарорига ҳавола қилиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига қўшимча – одамлар, айниқса, хотин-қизлар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш, бу жиноятлар учун жазо тайинлаш бўйича халқаро ҳужжат сифатида бундай жиноятларнинг олдини олиш ва улар билан курашишда ёрдам беришига ишонч билдириб,

қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси билан алоқадорлик

1. Мазкур Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдиради. У Конвенция билан биргаликда шарҳланади.

2. Конвенция қоидалари мазкур Баённомага, агар унда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, “mutatis mutandis” тартибда қўлланилади.

3. Мазкур Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ шундай эътироф этилган жиноятлар Конвенцияга мувофиқ эътироф этилган жиноятлар деб тан олинади.

2-модда. Мақсадлар

Мазкур Баённома мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) одам савдосининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар ва болаларга алоҳида эътибор берган ҳолда у билан курашиш;

б) бундай савдо қурбонларини уларнинг инсон ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилган ҳолда ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш;

с) бу мақсадларга эришишда Иштирокчи-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш.

3-модда. Атамалар

Мазкур Баённома мақсадларида:

а) “одам савдоси” – фойдаланиш мақсадларида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари қўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ёхуд тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан ёхуд шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан инсонларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ва одамларни қўлга киритишни англатади. Фойдаланиш камида бошқа шахсларнинг фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки шахвоний мақсадларда фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш урф-одатларни, тутқунлик ҳолатини ёки инсон тана аъзоларини ажратиб олишдан иборат бўлади.

б) ушбу модданинг “а” кичик бандида айтиб ўтилган одам савдосидан жабрланганларнинг ўзидан режалаштирилган фойдаланишга бўлган розилиги, агар ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳар қандай таъсир этиш чорасидан фойдаланилган бўлса, эътиборга олинмайди;

с) фойдаланиш мақсадларида болани ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ёки топшириш ушбу модданинг «а» кичик бандида кўрсатилган таъсир этишнинг бирон-бир воситасини қўллаш билан боғлиқ бўлмаса ҳам “одам савдоси” деб ҳисобланади;

д) “бола” – 18 ёшга етмаган ҳар қандай шахсни англатади.

4-модда. Қўлланиш соҳаси

Мазкур Баённома, агар унда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ шундай деб эътироф этилиши муносабати билан, агар бу жиноятлар трансмиллий характерга эга бўлса ва уюшган жиноий гурӯҳ иштирокида содир этилган бўлса, уларнинг олдини олишда, тергов қилишда ва жиноий таъқиб қилишда, шунингдек, бу жиноятдан жабрланганларни ҳимоя қилишда қўлланилади.

5-модда. Криминаллашув

1. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ушбу Баённоманинг 3-моддасида кўрсатилган қасддан содир этилган ҳаракатларни жиноий жазога лойиқ деб тан олиш учун талаб этиладиган – қонунчилик борасидаги ва бошқа хил чораларни кўради.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, шу билан бирга, қилмишларни жиноий жазога лойиқ деб тан олиш учун зарур бўлган қўйидаги қонунчилик борасидаги ва бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади:

а) ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига риоя қилиш шarti билан мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этишга суиқасд;

б) мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этишда иштирокчи сифатида қатнашиш;

с) мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этиш мақсадида бошқа шахсларни ташкиллаштириш ёки уларга бошчилик қилиш.

II. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

6-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Иштирокчи-давлат тегишли ҳолларда ва мумкин қадар ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ одам савдосидан жабрланганларнинг ҳаёти ва шахсини муҳофаза қилишни бундай савдо билан боғлиқ ишлаб чиқариш (фаолият)нинг сир тутилишини таъминлаш йўли билан амалга оширади.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, ўзининг ички ҳуқуқий ёки маъмурий тизими, тегишли ҳолларда одам савдосидан жабрланганларга қуйидагиларни амалга оширишга имкон берадиган чораларни назарда тутишини таъминлайди:

а) ишларни тегишли суд ва маъмурий тартибда муҳокама қилиниши тўғрисидаги ахборотни олиш.

б) жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий иш юритишнинг тегишли босқичларида ҳимоя ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда уларнинг фикрлари ва хавотирланишларини кўриб чиқиш ва баён қилишга имкон берувчи ёрдамни олиш.

3. Ҳар бир Иштирокчи-давлат одам савдосидан жабрланганларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлаш, шу жумладан, тегишли ҳолларда давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан қуйидагиларни тақдим этишни назарда тутувчи ҳамкорликни олиб бориш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини кўради:

а) лозим даражадаги бошпанани;

б) одам савдосидан жабрланганларга тушунарли бўлган тилда, айниқса, уларнинг қонунчиликда мустақамланган ҳуқуқларига оид маслаҳат ва маълумотни;

с) тиббий, руҳий ва моддий ёрдамни;

д) иш билан таъминланиш, таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги имкониятларни.

4. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ушбу модда қоидаларини қўллашда одам савдосидан жабрланганларнинг ёши, жинси ва алоҳида эҳтиёжларини, хусусан болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини, шу жумладан, лозим даражада бошпана, таълим ва парвариш олишга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олади.

5. Ҳар бир Иштирокчи-давлат одам савдосидан жабрланганларга унинг ҳудудида бўлган даврларида уларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлашга интилади.

6. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, ўзининг ҳуқуқий тизими, одам савдосидан жабрланганларга етказилган зарар учун компенсация (товон) олиш имкониятини тақдим этиш чораларини назарда тутишини таъминлайди.

7-модда. Қабул қилувчи давлатларда одам савдосидан жабрланганларнинг мақоми

1. Мазкур Баённоманинг 6-моддасига мувофиқ қўлланиладиган чораларга қўшимча сифатида ҳар бир Иштирокчи-давлат одам савдосидан жабрланганларга тегишли ҳолларда ўзининг ҳудудида вақтинча ёки доимий асосда қолишларига имкон берувчи қонунчилик даражасидаги ва бошқа хил лозим чораларни қабул қилиш имкониятларини қараб чиқади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида баён қилинган қоидаларни амалга оширишда ҳар бир Иштирокчи-давлат инсонпарварлик мулоҳазаларини лозим даражада эътиборга олади ва меҳр-шафқат кўрсатади.

8-модда. Одам савдосидан жабрланганларни репатриация қилиш

1. Иштирокчи-давлат одам савдосидан жабрланганлар унинг фуқароси бўлган ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига олиб кирилгунига қадар унинг ҳудуди-

да доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, бунда у бу шахснинг қайтишига ёрдам кўрсатади ва бу шахснинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини лозим даражада эътиборга олиб, уни асоссиз ёки бесабаб кечиктиришларсиз қабул қилади.

2. Иштирокчи-давлат одам савдосидан жабрланганларни – унинг фуқароси бўлган ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига олиб кирилгунига қадар унинг ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган Иштирокчи-давлатга қайтариш чоғида бу шахс хавфсизлигини, шунингдек шахсни одам савдосидан жабрланганга айланишига олиб келган ҳар қандай ишлаб чиқариш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, асосан ихтиёрий тарзда амалга оширади.

3. Қабул қилувчи Иштирокчи-давлат илтимосига кўра, мурожаат қилувчи Иштирокчи-давлат асоссиз ёки оқилона бўлмаган кечиктиришларсиз одам савдосидан жабрланганларга шахс унинг фуқароси бўлганлигини ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига олиб кирилгунига қадар унинг ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлганлигини текширади.

4. Лозим ҳужжатларга эга бўлмаган одам савдосидан жабрланган шахсни қайтаришга кўмаклашиш мақсадларида унинг фуқароси бўлган ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига олиб кирилгунига қадар унинг ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган Иштирокчи-давлат қабул қилувчи Иштирокчи-давлат илтимосига кўра хорижга чиқиш-кириш ҳужжатларини беришга розилик билдиради.

5. Ушбу модда қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ички қонунчилигининг ҳар қандай қоидаасидан қатъи назар одам савдосидан жабрланганларга берилган ҳуқуқларга зарар етказмайди.

6. Ушбу модда одам савдосидан жабрланганларни қайтариш масалаларини тўлиқ ёки қисман тартибга солувчи ҳар қандай икки томонлама ёки кўп томонлама битимларга зарар етказмайди.

III. ОЛДИНИ ОЛИШ, ҲАМКОРЛИК ВА БОШҚА ЧОРАЛАР

9-модда. Одам савдосининг олдини олиш

1. Иштирокчи-давлатлар қўйидаги мақсадларда сиёсат, дастурлар ва бошқа чораларни мажмуавий асосда ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар:

а) одам савдосининг олдини олиш ва у билан курашиш;

б) одамлар, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни ревиктимизациядан ҳимоя қилиш.

2. Иштирокчи-давлатлар одам савдосининг олдини олиш ва у билан курашишга қаратилган тадқиқотларни, ахборот компанияларини оммавий ахборот воситаларида ўтказиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни амалга ошириш каби чора-тадбирларни кўришга интиладилар.

3. Ушбу моддага мувофиқ ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган сиёсат, дастурлар ва бошқа чоралар тегишли ҳолларда давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади.

4. Иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш билан одам савдоси нуқтаи назаридан одамларни, айниқса, хотин-қизлар ва болаларнинг заифлигини белгилувчи қашшоқлик, ривожланишнинг паст даражадалиги ва тенг имкониятларнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар таъсирини юмшатишга қаратилган чораларни кўрадилар ёки такомиллаштирадилар.

5. Иштирокчи-давлатлар одамлар, айниқса, хотин-қизлар ва болалардан ҳар қандай шаклда фойдаланиш одам савдосига олиб келгани учун унга нисбатан бўлган талабни йўқотишга қаратилган таълим, маданият ёки ижтимоий соҳада икки томонлама ва кўп томонла-

ма ҳамкорликини йўлга қўйиш бўйича қонунчилик даражасидаги ёки тегишли бошқа чораларни қабул қиладилар ёхуд такомиллаштирадилар.

10-модда. Ахборот алмашинуви ва кадрларни тайёрлаш

1. Иштирокчи-давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, миграция ва бошқа тегишли органлари лозим ҳолларда бир-бирлари билан ўзларининг ички қонунчилигига мувофиқ қуйидагиларни аниқлашга имкон берувчи ахборот алмашинуви йўли билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

а) хорижга чиқиш-кириш ҳужжатларисиз ёки бошқа шахсларга тегишли шундай ҳужжатлар билан халқаро чегарани кесиб ўтаётган ёки кесиб ўтишга уринаётган шахслар одам савдогарлари ёки бундай савдо қурбонлари бўлиб ҳисобланишлари;

б) одам савдосини амалга ошириш мақсадида халқаро чегарани кесиб ўтиш учун бундай шахслар томонидан фойдаланилган ёки фойдаланишга ҳаракат қилинган хорижга чиқиш-кириш ҳужжатларининг турлари;

в) одам савдосини амалга ошириш мақсадида уюшган жиноий гуруҳлар томонидан қўлланиладиган усуллар ва воситалар, шу жумладан, жабрланганларни ёллаш ва ташиш, бундай савдо билан шуғулланувчи алоҳида шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги йўналишлар ва алоқалар, шунингдек бу гуруҳлар ўртасидаги алоқалар ҳамда уларни аниқлаш бўйича қўлланилиши мумкин бўлган чоралар.

2. Иштирокчи-давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, миграция ва бошқа тегишли органлар ходимларининг одам савдосининг олдини олиш масалалари бўйича тайёргарлигини таъминлайдилар ёки такомиллаштирадилар. Кўрсатилган тайёргарлик бундай савдонинг олдини олиш, у билан машғул бўлган шахсларни жиноий таъқиб этиш ва жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан, уларни бундай савдо билан шуғулланувчи шахслардан муҳофаза қилиш методларига асосланиши лозим.

Тайёргарлик кўриш жараёнида инсон ҳуқуқлари, шунингдек болалар ва гендер муаммоларини ҳисобга олиш зарурлигига эътибор қаратиш лозим; тайёргарлик давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликини амалга оширишга кўмак бериши лозим.

3. Ахборотни олувчи Иштирокчи-давлат уни тақдим этган Иштирокчи-давлатнинг ундан чекланган тарзда фойдаланиш бўйича чекловлари билан боғлиқ ҳар қандай илтимосини бажаради.

11-модда. Чегара назорати чоралари

1. Кишиларнинг эркин кўчиб юришига оид халқаро мажбуриятларга зарар етказмаган ҳолда Иштирокчи-давлатлар имкон қадар одам савдосининг олдини олиш ва аниқлаш учун талаб этиладиган чегара назорати чораларини белгилайдилар.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат мазкур Протоколнинг 5-моддасига мувофиқ шундай деб эътироф этилган жиноятларни содир этишда тижорат юк ташувчилар томонидан фойдаланиладиган транспорт воситаларидан фойдаланишнинг, иложи борида олдини олиш учун қонунчилик даражасидаги ёки бошқа тегишли чораларни кўради.

3. Тегишли ҳолларда ва қўлланиладиган халқаро конвенциялар учун зарар етказмаган ҳолда бундай чоралар тижорат юк ташувчилар, шу жумладан, ҳар қандай транспорт компанияси ёки ҳар қандай транспорт воситасининг эгаси ёхуд оператори учун ҳамма йўловчиларнинг қабул қилувчи давлатга киришлари учун зарур бўлган хорижга чиқиш-кириш ҳужжатларига эга эканликларига ишонч ҳосил қилиш мажбуриятини назарда тутди.

4. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ушбу модданинг 3-бандида ўрнатилган мажбуриятларни бузганлик учун санкцияларни назарда тутувчи зарур чораларни белгилайди.

5. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ўз ички қонунчилигига мувофиқ мазкур Протоколга асосан шундай деб эътироф этилган жиноятларни содир этишга дахлдор бўлган шахсларнинг унинг ҳудудига киришларини рад этиш ёки уларга берилган визаларни бекор қилишга имкон берувчи чораларни қўллаш имкониятини назарда тутди.

6. Конвенциянинг 27-моддаси учун зарар етказмаган ҳолда Иштирокчи-давлатлар чегара назорати органлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўлларини жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш йўли билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш имкониятини қараб чиқади.

12-модда. Ҳужжатларнинг ишонарлилиги ва улар устидан назоратни олиб бориш

Ҳар бир Иштирокчи-давлат мавжуд имкониятлар доирасида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўради:

а) улар томонидан бериладиган хорижга чиқиш-кириш ҳужжатлари ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномалар улардан ноқонуний фойдаланиш ва уларни сохталаштириш ёки қонунга хилоф тарзда ўзгартириш, қайта тиклаш ёки беришни максимал даражада қийинлаштирадиган сифатда бўлишини таъминлаш;

б) ушбу Иштирокчи-давлат томонидан ёки унинг номидан берилган хорижга чиқиш-кириш ҳужжатлари ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларнинг ҳимояланганлик ва ишонарлилик даражасини, шунингдек ноқонуний тарзда уларни тайёрлаш, бериш ва улардан фойдаланишнинг олдини олишни таъминлаш.

13-модда. Ҳужжатларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлиги

Иштирокчи-давлат бошқа Иштирокчи-давлатнинг илтимосига кўра, ўз ички қонунчилигига мувофиқ оқилона муддат ичида унинг номидан берилган ёки берилиши мумкин бўлган ҳамда одам савдоси учун фойдаланишда гумон қилинаётган хорижга чиқиш-кириш ҳужжатлари ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлигини текширади.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14-модда. Истисно этувчи қоидалар

1. Мазкур Баённомадаги ҳеч нарса халқаро ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ва, хусусан, қўллаш мумкин бўлганда, қочоқлар мақомига оид 1951 йилги Конвенция ва 1967 йилги Баённома ҳамда уларда мустаҳкамланган мамлакатдан чиқариб юбормаслик принципига мувофиқ давлатлар ва алоҳида шахсларнинг жавобгарлиги, мажбуриятлари ҳамда бошқа ҳуқуқларига дахл қилмайди.

2. Ушбу Баённомада назарда тутилган чоралар одам савдосидан жабрланганликлари учунгина камситилишга асос бўлмайдиган тарзда талқин этилади ва қўлланилади. Бу чораларни талқин этиш ва қўллаш халқаро эътироф этилган камситилмаслик принципларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Низоларнинг тартибга солиниши

1. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомани шарҳлаш ёки қўллашга оид низоларни музокаралар йўли билан тартибга солишга ҳаракат қиладилар.

2. Икки ёки ундан кўп Иштирокчи-давлатлар ўртасидаги Баённомани шарҳлаш ёки қўллашга оид низоларни оқилона вақт ичида музокаралар йўли билан тартибга солиш мумкин бўлмаса, бу Иштирокчи-давлатлардан бирининг илтимосига кўра, арбитраж муҳокамасига берилади. Арбитраж тўғрисида илтимос билан мурожаат қилингандан сўнг олти ой мобайнида ана шу Иштирокчи-давлатлар уни ташкил этиш тўғрисида келиша олмасалар, унда

Иштирокчи-давлатлардан исталган бири Халқаро суд Статутига мувофиқ аризани тақдим этиш йўли билан низони ушбу судга бериши мумкин.

3. Ҳар бир Иштирокчи-давлат мазкур Баённомани имзолашда, ратификация қилишда, қабул қилишда ёки уни тасдиқлашда ёхуд унга қўшилишда мазкур модданинг 2-банди қоидалари унга тааллуқли бўлмаслигини маълум қилиши мумкин. Бошқа Иштирокчи-давлатлар шундай изоҳ билдирган ҳар қандай Иштирокчи-давлатга нисбатан мазкур модданинг 2-банди қоидалари билан боғлиқ бўлмайдилар.

4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ изоҳ билдирган ҳар қандай Иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига хабарнома юбориш йўли билан исталган вақтда бу изоҳни олиб ташлаши мумкин.

16-модда. Имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Мазкур Баённома имзолаш учун Палермо, Италияда 2000 йилнинг 12 декабридан 15 декабрига қадар, сўнг Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида 2002 йилнинг 12 декабрига қадар очиқ саналади.

2. Мазкур Баённома, шунингдек иқтисодий интеграция регионал ташкилотлари томонидан, камида бундай ташкилотга аъзо давлатлардан бири ушбу Баённомани мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаган ҳолдагина, имзоланиш учун очиқ ҳисобланади.

3. Мазкур Баённома ратификация қилиниши, қабул қилиниши ва тасдиқланиши лозим. Ратификация ёрлиқлари ёки қабул қилиш ёхуд тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади. Иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилоти ўзининг ратификация ёрлиғини ёки қабул қилиш ёхуд тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатини сақлаш учун, агар аъзо-давлатлардан камида бири шундай иш тутган бўлса, топшириши мумкин. Бу ратификация ёрлиғида ёки қабул қилиш ёхуд тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатда бундай ташкилотнинг ушбу Баённома билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ўз компетенцияси соҳаси тўғрисида маълум қилади. Бу ташкилот, шунингдек депозитарийга ўз компетенцияси соҳасининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида ҳам хабар қилади.

4. Мазкур Баённома ҳар қандай давлат ёки иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилотининг, бундай ташкилотлардан камида бири ушбу Баённома Иштирокчиси бўлган ҳолдагина қўшилиш учун очиқ бўлади. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади. Қўшилишда иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилоти ушбу Баённома билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ўз компетенцияси соҳаси тўғрисида маълум қилади. Бу ташкилот, шунингдек депозитарийга ўз компетенцияси соҳасининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида ҳам хабар қилади.

17-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Баённома қирқинчи ратификация ёрлиғи ёки қабул қилиш, тасдиқлаш ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун топширилганидан сўнг тўқсонинчи кунда кучга киради, бироқ у Конвенция кучга кирмагунга қадар кучга кирмайди. Ушбу банд мақсадларида иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилоти томонидан сақлаш учун топширилган бу йўсиндаги ҳар қандай ёрлиқ ёки ҳужжатга бу ташкилотнинг аъзо давлатлари томонидан сақлаш учун топширилган ҳужжатлар ёки ёрлиқларга қўшимча сифатида қаралмайди.

2. Мазкур Баённомани қабул қилувчи, тасдиқловчи ёхуд унга қўшилувчи ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилоти учун улар қирқинчи ратификация

ёрлиғи ёки бундай ҳаракат тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан сўнг, ушбу Баённома бу давлат ёки ташкилот томонидан тегишли ёрлиқ ёки ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейинги ўттизинчи куни ёки кечроқ, мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ мазкур Баённома кучга кириш санасида кучга киради.

18-модда. Тузатишлар

1. Мазкур Баённома кучга кирганидан беш йил ўтганидан сўнг ушбу Баённомага Иштирокчи-давлат тuzатиш киритишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига таклиф қилиши ва юбориши мумкин, Бош котиб тавсия этилаётган тuzатиш таклифини кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш мақсадида Иштирокчи-давлатларга ва Конвенция Иштирокчиларининг конференциясига юборади. Конференцияда қатнашаётган Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомага ҳар қайси тuzатишга нисбатан консенсусга эришиш учун бор кучларини сарфлайдилар. Агар консенсусга эришиш учун барча ҳаракатлар амалга оширилган ва келишувга эришилмаган бўлса, унда охириги чора сифатида, тuzатишни қабул қилиш учун Иштирокчилар конференциясида ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган мазкур Баённома Иштирокчи-давлатларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб этилади.

2. Уларнинг ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича иқтисодий интеграция ҳудудий (регионал) ташкилотлари ушбу моддага мувофиқ ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларини мазкур Баённома аъзолари ҳисобланган Иштирокчи-давлатлар сонига тенг овозларга эга бўлган ҳолда амалга оширадилар.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тuzатиш Иштирокчи-давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим.

4. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тuzатиш Иштирокчи-давлатга нисбатан у томонидан ратификация ёрлиқлари ёки қабул қилиш ёҳуд тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилгач тўқсон кундан сўнг кучга киради.

5. Тuzатиш кучга кирганидан сўнг, ушбу Баённома унга риоя этишга ўз розилигини билдирган Иштирокчи-давлатлар учунгина мажбурий ҳисобланади. Бошқа Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённома қоидалари ва унга олдин ўзлари томонидан киритилган, ратификация қилинган, қабул қилинган ёки тасдиқланган ҳар қандай тuzатишларни бажаришда давом этадилар.

19-модда. Денонсация (бекор қилиш)

1. Иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ёзма хабарнома юбориш йўли билан денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан хабарнома олинганидан бир йил ўтганидан сўнг кучга киради.

2. Иқтисодий интеграция ташкилоти Баённомага аъзо барча давлатлар ушбу Баённомани денонсация қилганларидан кейин унинг Иштирокчиси ҳисобланмайди.

20-модда. Депозитарий ва тиллар

1. Мазкур Баённома Депозитарийси этиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби тайинланади.

2. Мазкур Баённоманинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилидаги матнлари айнан ҳамда асл нусха ҳисобланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

Мазкур ҳолатни гувоҳлантиришга ўз ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколатланган вакиллар ушбу Баённомани имзоладилар.

**ДЕНГИЗ ҚҰРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЯРАДОРЛАР, БЕМОРЛАР ВА КЕМА ҲАЛОКАТИ
ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ТАҚДИРИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КОНВЕНЦИЯ**

*1949 йил 12 августда Женевада Дипломатик конференцияда
қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги
946-XII-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

(Кўчирма)

**II боб. ЯРАДОРЛАР ВА БЕМОРЛАР ВА КЕМА
ҲАЛОКАТИГА УЧРАГАНЛАР**

12-модда

Навбат билан тиббий ёрдам кўрсатишда фақат шошинч тиббий ёрдамга муҳтожлик сабаблигина имтиёзли ёндашувга йўл қўйилади.

Хотин-қизларга муносабатда уларнинг жинси нуқтаи назаридан зарур бўлган алоҳида эътибор кўрсатилади.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР БИЛАН ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*1949 йил 12 августда Женевада Дипломатик конференцияда
қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги
946-XII-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

(Кўчирма)

II БЎЛИМ. ҲАРБИЙ АСИРЛАР ҲИМОЯСИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЗМУНДАГИ ҚОИДАЛАР

14-модда

Ҳар қандай шароитда ҳарбий асирлар ўз шахсияти ва ор-номусининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгадир.

Хотин-қизларга муносабатда уларнинг жинси нуқтаи назаридан жоиз бўлган алоҳида эътибор кўрсатилади ҳамда ҳар қандай вазиятда уларга эркакларга кўрсатилаётган муносабатдан ёмон бўлмаган даражада муомала қилиниши зарур.

Ҳарбий асирлар асир олинган пайтларидаги ўзларининг фуқаровий ҳуқуқдорликларини тўла сақлаб қоладилар. Асирликда сақлаб турган Давлат ўз ҳудудида ёки ундан ташқарида ана шу ҳуқуқдорлик бўйича бериладиган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини фақат асирлик шарт-шароитлари талаби даражасидагина чеклаши мумкин.

25-модда

Эркак ва хотин-қиз ҳарбий асирлар жойлаштирилган лагерларда хотин-қизлар алоҳида ётоқ жойлари билан таъминланади.

III БОБ. ЖИНОИЙ ВА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

88-модда

Интизомий ёки жиноий жазони ўтаётган офицер, унтер-офицер ёхуд аскар ҳарбий асирларга нисбатан асирликда сақлаб турган Давлат қуролли кучларида худди шундай жазо учун бу ўнвонларга тенг бўлганларга қўлланиладиган муомаладан кўра оғирроқ муомала қилиниши мумкин эмас.

Хотин-қиз ҳарбий асирлар асирликда сақлаб турган Давлат қуролли кучлари таркибидаги хотин-қизларга нисбатан худди шундай ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазодан оғирроқ жазоларга ҳукм этилмаслиги ёки жазони ўташ чоғида уларга нисбатан кўзда тутилган муомаладан кўра оғирроқ муомалага дучор қилинмаслиги керак.

Хотин-қиз ҳарбий асирлар асирликда сақлаб турган Давлат қуролли кучлари таркибидаги худди шундай ҳуқуқбузарликлари юзасидан жазоланаётган эркакларга нисбатан оғирроқ жазоларга ҳукм этилиши ёки жазони ўташ чоғида уларга худди шундай ҳуқуқбузарликлари юзасидан жазоланаётган ана шу эркаклар учун кўзда тутилган муносабатлардан кўра оғирроқ муомала қилиниши мутлақо мумкин эмас.

Интизомий ёки жиноий жазони ўтаб чиққан ҳарбий асирлар билан бошқа ҳарбий асирларга қараганда ўзгача муносабатда бўлиш тақиқланади.

II. ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАР

97-модда

Ҳеч қандай шароитда ҳарбий асирлар интизомий жазони ўташ учун ахлоқ тузатиш муассасалари (қамоқхона, ахлоқ тузатиш колонияси, сургун қамоқхоналари ва бошқалар)га кўчирилиши мумкин эмас.

Интизомий жазо ўталадиган барча бинолар 25-моддада кўзда тутилган гигиена талабларига жавоб бериши керак. Жазони ўтаётган ҳарбий асирлар 29-моддага мувофиқ тарзда ўзларини озода сақлаш имконига эга бўлишлари лозим.

Офицерлар ва уларга тенглаштирилганлар унтер-офицерлар ва оддий аскарлар билан бирга, битта хонада қамоқда сақланмаслиги керак.

Интизомий жазони ўтаётган хотин-қиз ҳарбий асирлар эркак ҳарбий асирлардан ажратилган ҳолда алоҳида хоналарда сақланиши ва бевосита хотин-қизларнинг назорати остида бўлиши керак.

**ХАЛҚАРО ҚҶРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ҚҶРБОНЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ТААЛЛУҚЛИ ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИГА
1949 ЙИЛ 12 АВГУСТДАГИ ҚҶШИМЧА БАЁННОМА
(I-БАЁННОМА)**

*I-Баённома 1977 йил 8 июнда Женевада Дипломатик конференцияда
қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги
946-XII-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

(Кўчирма)

**III БҶЛИМ. НИЗОЛАШАЁТГАН ТОМОН ҲУКМИ ОСТИДА
БҶЛГАН ШАХСЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ**

**I боб. ҚҶЛЛАНИШ СОҲАСИ ҲАМДА ШАХС
ВА ОБЪЕКТЛАР ҲИМОЯСИ**

75-модда. Асосий кафолатлар

5. Қўролли можаро билан боғлиқ сабаблар туфайли озодлиги чекланган хотин-қизлар эркаклар жойлашган бинолардан ажратилган биноларга жойлаштирилади. Улар бевосита хотин-қизларнинг назоратида бўлади. Аммо оилалар қўлга олинган ёки интернирланган ҳолларда, улар иложи борица бир жойга ва ҳар бир оила алоҳида тарзда жойлаштирилади.

**II боб. ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИ БҶЙИЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

76-модда. Хотин-қизлар ҳимояси

1. Хотин-қизлар алоҳида ҳурматдан фойдаланади ва улар, хусусан, номусга тегиш, фоҳишабозликка мажбурлаш ва бошқа ҳар хил номуносиб тажовузлардан ҳимоя билан таъминланади.

2. Қўролли можаро билан боғлиқ сабабларга кўра қамалган, қўлга олинган ёки интернирланган ҳомиладор хотин-қизлар ва қарамоғида ёш боласи бўлган хотин-қизларга оид ишлар биринчи навбатда кўриб чиқилади.

3. Низолашаётган томонлар қўролли можаро билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этган ҳомиладор хотин-қизлар ва қарамоғида ёш боласи бўлган хотин-қизларга нисбатан иложи борица ўлим жазоси бериш ҳақида ҳукм чиқармасликка ҳаракат қиладилар. Бундай хотин-қизларга нисбатан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун чиқарилган ўлим жазоси бериш ҳукми ижро этилмайди.

**САНОАТ ВА САВДОДА МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТУҒРИСИДАГИ
81-КОНВЕНЦИЯ**

Бош Конференцияда 1947 йил 11 июлда қабул қилинган

*Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 27 августдаги
УРҚ-556-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

(Кўчирма)

I БЎЛИМ. САНОАТДА МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

8-модда

Инспекция штати таркибига эркаклар ҳам, хотин-қизлар ҳам тайинланиши мумкин; зарур ҳолларда эркак ва хотин-қиз инспекторлар зиммасига алоҳида вазифалар юклатилиши мумкин.

ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ТАЪТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ 52-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1936 йил 24 июндаги
20-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги
84-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва
1936 йилнинг 4 июнида ўзининг йигирманчи сессиясига тўпланиб,
сессия кун тартибининг иккинчи банди бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғри-
сида бир қатор таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб,
мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,
бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йил июнь ойининг йигирма тўртинчи кунда қуйидаги
"Ҳақ тўланадиган таътиллار тўғрисидаги 1936 йилги Конвенция" деб номланиши мумкин
бўлган Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

1. Ушбу Конвенция қуйидаги корхона ёки муассасалардан бирида, улар давлатга қа-
рашли ёки хусусий бўлишидан қатъи назар, иш билан банд бўлган барча шахсларга нисба-
тан қўлланилади:

а) буюмлар ишлаб чиқариладиган, ўзгартириладиган, тозаланадиган, таъмирланадиган,
безатиладиган, сайқал бериладиган, сотувга тайёрланадиган, бузиладиган ёки йўқ қилина-
диган корхоналарда ёки материаллар қайта ишланадиган корхоналарда, шу жумладан, кема
қуриш ёки ишлаб чиқариш, электр токи ўзгартириладиган ёки ҳар қандай турдаги электр
энергияси ёхуд двигатель қуввати узатиладиган корхоналарда;

б) тўлиқ ёки асосан қурилиш, реконструкция қилиш, сақлаш, таъмирлаш, қайта қуриш
ёки қисмларга ажратиш билан шуғулланадиган корхоналарда:

- биноларни;
- темир йўлларни;
- трамвай йўлларини;
- аэропортларни;
- портларни;
- причалларни (кемалар боғланадиган жой);
- пирсларни (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар);
- сув тошқини ёки қирғоқ эрозиясидан ҳимоя қиладиган иншоотларни;
- каналларни;
- ички, денгиз ёки ҳаво навигацияси мақсадлари учун иншоотларни;
- йўлларни;
- туннелларни;
- кўприкларни;
- виадукларни (йўл устидан ўтган кўприкларни);
- канализация тизимларини;
- сув қувурларини;
- қудуқларни;
- ирригация ёки қуриштириш иншоотлари, электралоқалари қурилмаларини;
- газ ёки электр қуввати ишлаб чиқариш ёки тақсимлаш бўйича корхоналарини;
- қувурларни;
- сув таъминоти тизимларини;

• ҳамда бошқа шу каби ишлар ёки юқорида қайд этилган ишлардан олдинги қурилишга тайёрлаш ёки пойдеворини ўрнатиш билан шуғулланадиган корхоналарни;

с) автомобил ва темир йўллар, ички сув йўллари ёки ҳаво йўллари бўйлаб йўловчиларни ёки юкларни ташиш, жумладан, юкларни порт, причал, пристань (кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар), омборларда ёки аэропортларда ташиш билан шуғулланадиган корхоналарда;

д) ердан фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича шахта, карьерларда ёки бошқа корхоналарда;

е) тижорат ёки савдо корхоналарида, шу жумладан, почта ва электралоқалари муассасаларида;

ф) ходимлари асосан иш юритиш билан шуғулланадиган муассасалар ва маъмурий органларда;

г) даврий матбуот корхоналарида;

һ) бемор, нимжон, ночор ва ақлдан озганларни даволайдиган ҳамда парваришлайдиган муассасаларда;

и) меҳмонхоналар, ресторанлар, пансионатлар, ошхоналар, клублар, кафелар ва бошқа шунга ўхшаш умумий овқатланиш муассасаларида;

ж) театрлар ва умумий кўнгилочар жойларда;

к) аввалги тоифалар билан бутунлай қамраб олинмаган аралаш тижорат ва саноат корхоналарида.

2. Ҳар бир мамлакат ҳокимиятининг ваколатли органи, иш берувчилар ва ходимларнинг асосий манфаатдор ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашгандан сўнг, бир томондан, аввалги бандда белгиланган корхоналар ва муассасалар, иккинчи томондан, мазкур Конвенция қўлланилмайдиган корхона ва муассасалар ўртасида чегараларни белгилайди.

3. Ҳар бир мамлакат ҳокимиятининг ваколатли органи мазкур Конвенциянинг қўлланилиш доирасидан қуйидаги шахсларни истисно қилиши мумкин:

а) фақат иш берувчининг оила аъзолари банд бўлган корхоналарда ёки муассасаларда банд бўлган шахсларни;

б) хизмат шароитлари уларга ҳеч бўлмаганда, ушбу Конвенция билан белгиланган таътил муддатига тенг бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган давлат муассасаларида банд бўлган шахсларни.

2-модда

1. Ушбу Конвенция қўлланиладиган ҳар бир шахс бир йил давомида узлуксиз ишлаганидан сўнг, ҳеч бўлмаганда, олти иш кунига тенг бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқига эга.

2. Ўн олти ёшдан кичик бўлган шахслар, жумладан, ўқувчилар узлуксиз ишлаганидан сўнг, ҳеч бўлмаганда, ўн икки иш кунига тенг бўлган ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳақ тўланадиган йиллик таътилга қуйидагилар қўшилмайди:

а) расмий ва анъанавий байрамлар;

б) касаллик натижасида ишдаги танаффуслар.

4. Миллий қонунлар ёки қоидалар айрим вазиятларда ушбу модда билан белгиланган энг кам муддатдан ошадиган ҳақ тўланадиган йиллик таътилни қисмларга бўлинишига рухсат бериши мумкин.

5. Ҳақ тўланадиган йиллик таътилни давомийлиги миллий қонунлар ва қоидалар билан белгиланадиган шартларидан келиб чиқиб, иш стажининг давомийлигига мувофиқ кўпайтирилади.

3-модда

Таътилга чиқадиган ҳар бир шахс ушбу Конвенциянинг 2-моддасига асосан бутун таътил давомида қуйидагиларни олади:

- а) миллий қонунлар ёки қоидалар билан белгиланган усулда ҳисобланган ўзининг одатдаги ҳақини, агар мавжуд бўлса, ўзининг одатдаги ҳақига тенг нақд пулни қўшган ҳолда;
- б) жамоа шартномаси билан белгиланган ҳақни.

4-модда

Ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини истисно этадиган ёки бундай таътил олиш ҳуқуқини бермайдиган ҳар қандай битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

5-модда

Миллий қонунлар ёки қоидалар, ўзининг йиллик таътили пайтида ҳақ тўланадиган ишда банд бўлган шахслар, таътил даври учун ҳақ олишдан маҳрум бўлиши мумкинлигини назарда тутиши мумкин.

6-модда

Иш берувчиларга боғлиқ сабабга кўра тегишли таътилдан фойдалангунга қадар ишдан бўшатишган шахсларга, мазкур Конвенцияга асосан таътилнинг ҳар бир куни учун 3-моддада назарда тутилган ҳақ тўланиши лозим.

7-модда

Ушбу Конвенция қоидаларини ҳаётга самарали татбиқ этишни енгиллаштириш учун ҳар бир иш берувчи ваколатли ҳокимият томонидан маъқулланган шаклда қуйидагиларни акс эттирувчи ёзувларни юритиб бориши керак:

- а) у томонидан ёлланган ҳар бир шахснинг ишга қабул қилинган санасини ҳамда шунга ўхшаш ҳар бир шахс эга бўлган ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг муддатини;
- б) ҳар бир шахснинг ҳақ тўланадиган йиллик таътилга чиқиш санасини;
- с) ҳар бир шахснинг ҳақ тўланадиган йиллик таътил даври учун оладиган ҳақини.

8-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилаётган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш учун чоралар тизимини ишлаб чиқади.

9-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса мазкур Конвенцияда назарда тутилган шароитдан қулайроқ шароитни таъминлайдиган қонун, суд қарори, аъханалар ёки иш берувчилар ва ходимлар ўртасида битим билан белгиланган ҳар қандай қоидаларни бузмайди.

10-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилади.

11-модда

1. Ушбу Конвенция фақат ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро меҳнат Ташкилотининг аъзоларини бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Бош директор Ташкилотнинг икки аъзосини ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатга олгандан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинган кунидан кейин ўн икки ой ўтгач Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан кучга киради.

12-модда

Халқаро меҳнат ташкилотининг икки аъзосини ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олиниши билан, Халқаро меҳнат бюроси Бош директори бу ҳақда Халқаро меҳнат ташкилотининг барча аъзоларини хабардор қилади. У, шунингдек кейинчалик Ташкилотнинг бошқа аъзоларидан юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги барча ҳужжатларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида уларни хабардор қилади.

13-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси унинг дастлабки кучга кирган кунидан бошлаб ўн йиллик муддат ўтганидан кейин Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган денонсация қилиш (бекор қилиш) тўғрисидаги ҳужжати орқали уни денонсация қилиши мумкин. Денонсация денонсация қилиш тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, юқоридаги бандда қайд этилган ўн йиллик муддат ўтганидан кейин, бир йил муддатда мазкур моддада назарда тутилган ўзининг денонсация қилиш фойдаланмаган бўлса, навбатдаги ўн йиллик муддатни кутишга мажбур бўлади ва шунга мувофиқ, у мазкур модда шартларига биноан ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик муддат тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

14-модда

Ҳар гал, Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши зарур деб топганда, у Бош Конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва унинг тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқилиши тўғрисидаги масалани Конференция кун тартибига киритилишини ҳал қилади.

15-модда

1. Конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқадиغان янги конвенцияни қабул қилган ҳолатларда ва, агар янги конвенцияда акси назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирон бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқиладиган янги Конвенциянинг ратификация қилиниши автоматик равишда 13-модда қоидаларидан қатъи назар, қайта кўриб чиқадиغان янги Конвенциянинг кучга кириши шarti билан мазкур Конвенцияни зудлик билан денонсация қилишга олиб келади;

б) қайта кўриб чиқиладиган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенция Ташкилот аъзолари томонидан уни ратификация қилиш учун ёпилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, бироқ қайта кўриб чиқиладиган янги Конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига нисбатан шакли ва мазмуни жиҳатидан ўз кучида қолади.

16-модда

Мазкур Конвенциянинг французча ва инглизча матнлари бир хил кучга эга.

ТЕНГ ҲАҚ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ 100-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1951 йил 29 июндаги
34-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
493-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош Конференцияси,
Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва
1951 йилнинг 6 июнида ўзининг ўттиз тўртинчи сессиясига тўпланиб,
сессия кун тартибининг еттинчи банди ҳисобланган тенг қийматли меҳнат учун эрка-
рлар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тамойили тўғрисида бир қанча таклифларни қабул
қилишга қарор қилиб,
мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,
бир минг тўққиз юз эллик биринчи йил июнь ойининг йигирма тўққизинчи кунида қу-
йдаги “Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 1951 йилги Конвенция” деб номланиши мумкин бўлган
Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

Ушбу Конвенция мақсади учун:

- а) “ҳақ тўлаш” атамаси иш берувчининг ходимга қайсидир ишни охиригача бажарганли-
ги сабабли одатдаги, асосий ёки энг кам иш ҳақи ёхуд тўғридан-тўғри ёки билвосита, нақд
ёхуд реал тақдим этадиган, одатдаги, асосий ёки энг кам ойлик ва бошқа ҳар қандай ҳақлар-
ни ўз ичига олади;
- б) “тенг қийматли меҳнат учун эркалар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш” атамаси
жинс бўйича камситишсиз белгиланадиган ҳақ тўлаш миқдори маъносини англатади.

2-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ҳақ тўлаш миқдорини белгилашнинг амалдаги усул-
ларига муносиб воситалар ёрдамида белгиланган усулларга мос келадиган даражада рағ-
батлантиради ҳамда барча ходимларга нисбатан тенг қийматли меҳнат учун эркалар ва
хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тамойилининг қўлланилишини таъминлайди.
2. Ушбу тамойил қуйидаги тарзда қўлланилиши мумкин:
 - а) ёки миллий қонунчилик;
 - б) ёки қонунчилик билан белгиланган ёки тан олинган иш ҳақини аниқлаш тизимлари;
 - с) ёки иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги жамоа шартномалари;
 - д) ёки ушбу турли усулларни қўшиб ишлатиш.

3-модда

1. Бундай ҳаракатлар ушбу Конвенция қоидаларининг қўлланилишига ёрдам беради-
ган ҳолатларда, бажариладиган ишлар асосида турли вазифаларни холис баҳолаш чорала-
ри кўрилади.
2. Бундай баҳолашнинг усуллари ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш соҳасидаги вако-
латли органлар ёки агар ҳақ тўлаш миқдорлари жамоа шартномалари билан белгиланади-
ган бўлса, ушбу шартномаларда иштирок этувчи томонларнинг қарорлари объекти бўлиши
мумкин.
3. Жинсидан қатъи назар, бажарилган ишни бундай объектив баҳолашдан келиб чиқа-
диган фарққа мос келадиган ҳақ тўлаш миқдорларидаги фарқ тенг қийматли меҳнат учун
эркалар ва хотин-қизларга тенг ҳақ тўлаш тамойилига зид сифатида қаралмайди.

4-модда

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси ушбу Конвенциянинг қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида иш берувчилар ва ишчиларнинг тегишли ташкилотлари билан тегишли тартибда ҳамкорлик қилади.

5-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олиш учун Халқаро меҳнат бюроси Бош директорига юборилади.

6-модда

1. Ушбу Конвенция фақат ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоларини бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Бош директор Ташкилотнинг икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларини рўйхатга олганидан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан ўн икки ой ўтгач кучга киради.

7-модда

1. Халқаро меҳнат ташкилоти Уставининг 35-моддаси 2-банди қоидаларига мувофиқ Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига юборилган аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) Ташкилотнинг манфаатдор аъзоси ушбу Конвенция қоидаларини ўзгартирмасдан қўллаш мажбуриятини олган ҳудудлар;

б) у мазкур Конвенция қоидаларини ўзгартиришлар билан қўллаш мажбуриятини олган ҳудудлар ва бу ўзгартиришларнинг тафсилотлари;

с) Конвенция қўлланилмайдиган ҳудудлар ва бу ҳолатда унинг қўлланилмаслик сабаблари;

д) ўзининг қарорини бундан кейин ҳам қоидаларни кўриб чиқилгунга қадар сақлаб туришига нисбатан ҳудудлар.

2. Ушбу модданинг 1-банди “а” ва “б” кичик бандларида қайд этилган мажбуриятлар ратификация қилишнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бир хил оқибатларга олиб келади.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси янги ариза орқали мазкур модданинг 1-банди “б”, “с” ва “д” кичик бандларига асосан аввалги аризада келтирилган қўшимча шартларнинг барчаси ёки бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси ушбу Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган даври мобайнида 9-модда қоидаларига мувофиқ Бош директорга ҳар қандай бошқа муносабатларда исталган аввалги баёотнинг шартини ўзгартирадиган ва муайян ҳудудлардаги мавжуд ҳолатни билдирадиган янги баёотни юбориши мумкин.

8-модда

1. Халқаро меҳнат ташкилоти Уставининг 35-моддаси 4 ва 5-бандлари қоидаларига мувофиқ Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига йўлланган баёотлар ушбу Конвенция қоидалари мазкур ҳудудга ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилади; агар баёотда Конвенция қоидалари ўзгартирилиши шarti билан қўлланилиши кўрсатилган бўлса, у ҳолда бу ўзгартиришлар айнан нимадан иборат эканлиги аниқланади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси ёки аъзолари ёхуд халқаро ҳокимият янги баёнот орқали ҳар қандай аввалги аризаларда назарда тутилган ўзгаришлардан фойдаланиш ҳуқуқидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси ёки аъзолари ёхуд халқаро ҳокимият 9-модда қоидаларига мувофиқ Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган даврларда Бош директорга ҳар қандай бошқа муносабатларда исталган аввалги аризанинг шартини ўзгартирадиган ва ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан мавжуд ҳолат тўғрисида билдирадиган янги баёнотни юбориши мумкин.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси унинг дастлабки кучга кирган кунидан бошлаб ўн йиллик муддат ўтганидан кейин Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилган денонсация қилиш (бекор қилиш) тўғрисидаги ҳужжати орқали уни денонсация қилиши мумкин. Денонсация денонсация қилиш тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси аввалги бандда қайд этилган ўн йиллик давр ўтганидан кейин, бир йил муддатда мазкур моддада назарда тутилган ўзининг денонсация қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, навбатдаги ўн йиллик даврга боғлиқ бўлади ва оқибатда ушбу моддада белгиланган тартибда мазкур Конвенцияни ҳар ўн йиллик давр тугаши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро меҳнат бюросининг Бош директори Ташкилот аъзолари томонидан юборилган барча ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни, денонсация қилиш тўғрисидаги баёнот ва ҳужжатларни рўйхатга олинганлиги ҳақида Халқаро меҳнат ташкилотининг барча аъзоларини хабардор қилади.

2. Бош директор унга юборилган ратификация қилиш тўғрисидаги иккинчи ҳужжатни рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларини хабардор қилган ҳолда, Ташкилот аъзоларининг эътиборини мазкур Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро меҳнат бюроси Бош директори Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ юқоридаги моддалар қоидаларига биноан ўзлари томонидан рўйхатга олинган барча ратификация тўғрисидаги ҳужжатларга, денонсация қилиш тўғрисидаги баёнот ва ҳужжатларига нисбатан тўлиқ маълумотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига рўйхатга олиш учун юборди.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши зарур деб топганда, у Бош Конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва унинг тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги масалани Конференция кун тартибига киритилишини ҳал қилади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқадиغان янги конвенцияни қабул қилган ҳолатларда ва, агар янги конвенцияда акси назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор-бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқиладиган янги конвенциянинг ратификация қилиниши 9-модда қоидаларидан қатъи назар, қайта кўриб чиқадиغان янги конвенциянинг кучга кириши шарти билан автоматик равишда мазкур Конвенцияни зудлик билан денонсация қилишни тақозо этади;

b) қайта кўриб чиқиладиган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенция Ташкилот аъзолари томонидан уни ратификация қилиш учун ёпилади.

2. Мазкур Конвенция, нима бўлганда ҳам, уни ратификация қилган, бироқ қайта кўриб чиқиладиган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига нисбатан шакли ва мазмуни жиҳатидан ўз кучида қолади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

ОНАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ 103-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1952 йил 28 июндаги
35-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги
85-I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош Конференцияси,
Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва
1952 йилнинг 4 июнида ўзининг ўттиз бешинчи сессиясига тўпланиб,
сессия кун тартибининг еттинчи банди ҳисобланган оналикни муҳофаза қилиш тўғриси-
да бир қанча таклифларни қабул қилишга қарор чиқариб,
мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,
бир минг тўққиз юз эллик иккинчи йил июнь ойининг йигирма саккизинчи кунида қу-
йидаги “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги (қайта кўриб чиқилган) конвен-
ция” деб номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

1. Ушбу Конвенция саноат корхоналарида банд бўлган хотин-қизларга каби носаноат
ва қишлоқ хўжалик ишларида банд бўлган, жумладан, касаначи (уйда ишловчи) хотин-қиз-
ларга ҳам қўлланилади.

2. Мазкур Конвенция мақсадларида “саноат корхоналари” атамаси давлат ва хусусий
корхоналарга, шунингдек уларнинг бўлимларига тааллуқли ва, хусусан, қуйидагиларни
камраб олади:

а) шахталар, карьерлар (очиқ конлар) ва бошқа ер ости бойликларини қазиб олувчи са-
ноат корхоналарини;

б) ишлаб чиқариш буюмларини тайёрлаш, қайта ишлаш, тозалаш, таъмирлаш, безаш,
сайқал бериш, сотишга тайёрлаш, бузиш ёки йўқ қилиш бўйича корхоналарни ёхуд мате-
риалларни қайта ишлаш бўйича корхоналарни, жумладан, кемасозлик корхоналарини,
трансформация ва электр қувватини узатиш ҳамда умуман двигателъ қувватини ишлаб чиқа-
риш бўйича корхоналарни;

с) қурилиш, тиклаш, таъмирлаш, қайта қуриш ва бузиш билан шуғулланувчи қурилиш
бўйича корхоналарни;

д) йўллар, темир йўллар, денгиз ёки ички сув йўллари ёхуд ҳаво йўллари орқали йўлов-
чиларни ёки товарларни ташиш, шу жумладан, юкларни портлар, пристанлар (кемалар тўх-
тайдиган жой), платформалар, омборлар ёки аэропортларда юкларни қайта ишлаш бўйича
корхоналарни.

3. Мазкур Конвенция мақсадларида “носаноат ишлар” атамаси қуйидаги давлат ёки
хусусий корхоналарда ёки хизматлар ёхуд уларнинг фаолият юритиши билан боғлиқ бўлган
барча ишларга тааллуқли:

а) савдо корхоналари;

б) почта ва электр алоқа хизматлари;

с) ходимлар асосан идора иши билан машғул бўладиган муассасалар ва маъмурий ор-
ганлар;

д) газета чиқарадиган корхоналар;

е) меҳмонхоналар, пансионлар, ресторанлар, клублар, кафелар ва шунга ўхшаш уму-
мий овқатланиш корхоналари;

f) касал, ногирон, ночор ва етимларни даволаш ҳамда парвариш қилиш бўйича муассасалар;

g) театрлар ва маданий-оммавий муассасалар;

h) хусусий ҳўжаликларда бажариладиган ёлланма уй меҳнати;

шунингдек, ҳокимиятнинг ваколатли органи мазкур Конвенция қоидаларини қўллашга қарор қилган барча бошқа носаноат ишлари.

4. Мазкур Конвенция мақсадларида “қишлоқ ҳўжалиги ишлари” атамаси қишлоқ ҳўжалик корхоналарида, шу жумладан, экинзорлар ва йирик саноатлаштирилган қишлоқ ҳўжалик корхоналарида бажариладиган барча ишларга тааллуқлидир.

5. Ушбу Конвенция муайян корхона, корхона бўлими ёки иш турига қўлланилишига нисбатан гумон мавжуд бўлган барча ҳолларда, мазкур масала ҳокимиятнинг ваколатли органи томонидан иш берувчилар ва ишчиларнинг тегишли вакиллик ташкилотлари билан, бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашилганидан сўнг ҳал қилинади.

6. Миллий қонунчилик ушбу Конвенцияни қўллаш доирасидан мазкур мамлакат қонунчилигининг аниқлаши бўйича фақат иш берувчининг оила аъзолари банд бўлган корхонани чиқариши мумкин.

2-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун “аёл” атамаси ёши, миллати, ирқи ёки этноқоди, никоҳда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, аёл жинсига мансуб ҳар қандай шахсни, “бола” атамаси эса унинг ота-онаси никоҳда бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай болани англатади.

3-модда

1. Хотин-қизга нисбатан мазкур Конвенция қўлланилганда, унинг тахминий туғиш муддатини тасдиқлайдиган тиббий гувоҳнома тақдим этилганида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг давомийлиги камида 12 ҳафтани ташкил этади ҳамда туғруқдан кейинги мажбурий таътил даврини ўз ичига олади.

3. Туғруқдан кейинги мажбурий таътилнинг давомийлиги ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланади, аммо ҳеч қандай ҳолатда 6 ҳафтадан кам бўлиши мумкин эмас; бутун ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилни қолган қисми мамлакат қонунчилигида белгилаб қўйилганлигига қараб, туғруқнинг тахмин қилинган санасигача ёки туғруқдан кейинги мажбурий таътил муддати тугаганидан сўнг фойдаланилиши мумкин ёхуд унинг бир қисми туғруқнинг тахмин қилинган санасидан олдин, қолган қисми туғруқдан кейинги мажбурий таътил муддати тугаганидан сўнг олиниши мумкин.

4. Агар туғруқ тахмин қилинган санасидан кейин рўй берса, ушбу санага қадар олинган таътил ҳар қандай ҳолатда туғруқнинг аниқ санасигача узайтирилади, бунда туғруқдан кейинги мажбурий таътилни давомийлиги қисқартирилмайди.

5. Тиббий кўрик билан аниқланганда касалликнинг сабаби ҳомиладорлик бўлса, мамлакат қонунчилиги туғруқча бўлган даврда қўшимча таътил муддатини назарда тутди ва унинг максимал давомийлиги ҳокимиятнинг ваколатли органи томонидан белгиланиши мумкин.

6. Тиббий кўрик билан аниқланган касалликнинг сабаби туғруқ бўлса, аёл туғруқдан кейинги таътилни узайтириш ҳуқуқига эга бўлади ва унинг максимал давомийлиги ҳокимиятнинг ваколатли органи томонидан белгиланиши мумкин.

4-модда

1. 3-модда қоидаларига мувофиқ белгиланган ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилда бўлган аёл пул ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Пул нафақаси миқдори мамлакат қонунчилиги томонидан аёлнинг ўзи ва унинг фарзанди учун гигиена нуқтаи назаридан яхши ҳаётий шароитни ҳамда зарур турмуш даражасини таъминлайдиган тарзда белгиланади.

3. Тиббий ёрдам малакали акушерлар ёки шифокорлар томонидан кўрсатиладиган туғруқгача, туғиш вақтида ва ундан кейин парвариш ҳамда кузатувни, шунингдек зарурат бўлганда, касалхонага ётқизишни ўз ичига олади; бунда имкон қадар шифокорни танлашга бўлгани каби давлат ёки хусусий тиббий муассасани танлашда ҳам тўлиқ эркинлик тақдим этилади.

4. Пул нафақалари ва тиббий ёрдам ё мажбурий ижтимоий суғурта тизимининг маблағлари ҳисобидан ё давлат жамғармалари ҳисобидан тақдим этилади; ҳар икки ҳолатда ҳам улар белгиланган шартларга жавоб берадиган барча хотин-қизларга ҳуқуқий жиҳатдан тақдим этилади.

5. Кўрсатилган пул нафақаларини ва тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқига даъвогарлик қила олмайдиган хотин-қизларга, ижтимоий кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан ижтимоий кўмаклашиш тартибида ёрдам кўрсатиш учун талаб қилинадиган даромадларининг текширилиши шарт билан тегишли ёрдам тақдим этилади.

6. Мажбурий ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан бериладиган пул нафақалари миқдори аввалги иш ҳақи асосида ҳисоблаб чиқилганда, у аёлнинг ушбу мақсадда ҳисобга олинadиган аввалги иш ҳақининг камида учдан икки қисмини ташкил этади.

7. Мажбурий ижтимоий суғурта тизимига мувофиқ ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича нафақаларни кўзда тутадиган ҳамда тўланадиган иш ҳақининг умумий миқдорига асосланган ҳар қандай солиқларни ва шу каби нафақаларни тақдим этиш мақсадида йиғиладиган ҳар қандай бадаллар иш берувчилар ва ишчилар ёки фақат иш берувчилар томонидан тўланишидан қатъи назар, мазкур корхонада банд бўлган эркаклар ва хотин-қизларнинг умумий сони асосида, жинсдаги фарқларсиз тўланади.

8. Ҳеч бир ҳолатда иш берувчи унда банд бўлган хотин-қизларга тегишли бундай нафақаларнинг тақдим этилиши юзасидан қилган харажатлари учун шахсан жавобгар бўлмайди.

5-модда

1. Агар аёл ўз фарзандини она сўти билан боқаётган бўлса, у бу мақсад учун ишида бир ёки бир неча маротаба танаффус олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу танаффуснинг давомийлиги мамлакат қонунчилиги билан белгиланади.

2. Болани овқатлантириш учун ишдаги танаффуслар иш вақти ҳисобланади ҳамда унга бу учун қонун ҳужжатлари томонидан белгиланган ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда иш вақтидек ҳақ тўланади; агар бу масала жамоа шартномаси орқали тартибга солинадиган бўлса, мазкур қоида тегишли шартнома билан белгиланади.

6-модда

Аёл 3-модда қоидаларига мувофиқ унга берилган ҳомиладорлик ва туғруқ таътилида бўлганида, иш берувчи томонидан аёлнинг ишда бўлмаганлиги вақтида ёки ижро муддати унинг ишда бўлмаганлиги билан тўғри келадиган муддатда берилган ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи ноқонуний ҳисобланади.

7-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси ратификация тўғрисидаги ҳужжатга илова қилинган баёнот ёрдамида қуйидагиларга нисбатан мазкур Конвенция қўлланилиши юзасидан истиснони назарда тутиши мумкин:

- a) носаноат ишларининг айрим тоифаларини;
- b) қишлоқ хўжалиги корхоналарида (экинзорлардан ташқари) бажариладиган ишларни;
- c) хусусий хўжаликларда бажариладиган уй ишлари;
- d) уйда ишловчи хотин-қизларни;
- e) денгиз орқали йўловчиларни ёки юкларни ташиш бўйича транспорт муассасалари.

2. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари иш турлари ёки корхоналар тоифаларига нисбатан қўлланилиши ратификация тўғрисидаги ҳужжатга илова қилинадиган баёнотда кўрсатилади.

3. Шундай баёнот қилган Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси исталган вақтда янги баёнот орқали уни тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қилинган баёнотнинг ўзига нисбатан кучга кирган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, ўзининг мазкур Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ҳар йилги маърузасида, қилинган баёнотга асосан ушбу модданинг 1-банди татбиқ этиладиган ишлар ва корхоналарга нисбатан ўз қонунчилиги ва амалиётининг ҳолати ҳамда мазкур ишлар ва корхоналарга нисбатан Конвенция ҳаётга қай даражада қўлланилаётгани ёки уни қандай қўллаш кўзда тутилаётгани тўғрисида хабар беради.

5. Мазкур Конвенция дастлаб кучга кирган санадан беш йиллик давр ўтганидан кейин Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий кенгаши Конференцияга, ушбу истисноларнинг қўлланилиши тўғрисидаги, унинг фикрига кўра, мазкур масалада қабул қилиниши керак бўлган чоралар ҳақидаги таклифларни ўз ичига олган махсус маърузани тақдим этади.

8-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатларни рўйхатга олиш учун Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига юборилади.

9-модда

1. Ушбу Конвенция фақат ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоларинигина бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Ташкилотнинг икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олингандан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

10-модда

1. Халқаро меҳнат ташкилоти Уставининг 35-моддаси 2-бандига мувофиқ Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига юборилган баёнотда қуйидагиларга нисбатан кўрсатмалар мавжуд:

a) Ташкилотнинг тегишли аъзоси Конвенция қоидаларини ўзгартиришларсиз қўллаш мажбуриятини олган ҳудудлар;

b) Конвенция қоидаларини ўзгартиришлари билан ва бу ўзгартиришларнинг тафсилотларини қўллаш мажбуриятини олган ҳудудлар;

c) Конвенция қўлланилмайдиган ҳудудлар ва бу ҳолатда унинг қўлланилмаслик сабаблари;

d) қайси ҳудудларга нисбатан Ташкилотнинг тегишли аъзоси ўз қарорини, бу ҳолат келгусида кўриб чиқилгунга қадар, сақлаб туриши.

2. Ушбу модданинг 1-банди “a” ва “b” кичик бандларида ифодаланган мажбуриятлар ратификация тўғрисидаги ҳужжатнинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда у билан бир хил кучга эга.

3. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси янги баёноти орқали ушбу модданинг 1-банди “b”, “с” ёки “d” кичик бандларига асосан аввалги баёнотида мавжуд бўлган қўшимча шартларнинг барчасидан ёки бир қисмидан воз кечиши мумкин.

4. Ташкилотнинг ҳар қандай аъзоси 12-модда қоидаларига мувофиқ мазкур Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган даври мобайнида Бош директорга ҳар қандай бошқа муносабатлардаги исталган аввалги баёнотнинг шартларини ўзгартирадиган ва муайян ҳудудлардаги ҳозирги вазият тўғрисида хабардор қиладиган янги баёнотни юбориши мумкин.

11-модда

1. Халқаро меҳнат ташкилоти Уставининг 35-моддаси 4 ва 5-бандларига мувофиқ Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига йўлланган баёнотда Конвенция қоидалари тегишли ҳудудда ўзгартиришлар билан ёки ўзгартиришларсиз қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилади; агар баёнотда Конвенция қоидалари ўзгартиришлар билан қўлланилиши кўрсатилган бўлса, унда бу ўзгартиришларнинг айнан нимадан иборат эканлиги аниқлаштирилади.

2. Ташкилотнинг тегишли аъзоси ёки аъзолари ёхуд халқаро ҳокимият янги баёнот орқали ҳар қандай аввалги баёнотда назарда тутилган ўзгартиришлардан фойдаланиш ҳуқуқидан тўлиқ ёки қисман воз кечиши мумкин.

3. Ташкилотнинг тегишли аъзоси ёки аъзолари ёхуд халқаро ҳокимият 12-модда қоидаларига мувофиқ мазкур Конвенция денонсация қилиниши мумкин бўлган даврида Бош директорга ҳар қандай бошқа муносабатлардаги исталган аввалги баёнотнинг шартларини ўзгартирадиган ва ушбу Конвенциянинг қўлланилишига нисбатан мавжуд вазият тўғрисида хабардор қиладиган янги баёнотни юбориши мумкин.

12-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси унинг дастлабки кучга кирган пайтидан бошлаб ўн йиллик муддат ўтганидан кейин денонсация қилиш (бекор қилиш) тўғрисидаги ҳужжат орқали уни денонсация қилиши мумкин. Денонсация денонсация қилиш тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга қиради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси аввалги бандда қайд этилган ўн йиллик давр ўтганидан кейин бир йил муддатда мазкур моддада назарда тутилган денонсация қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, навбатдаги ўн йиллик даврга боғлиқ бўлади ва мазкур моддада белгиланган тартибда ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик давр ўтиши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

13-модда

1. Халқаро меҳнат бюросининг Бош директори Халқаро меҳнат ташкилотининг барча аъзоларини Ташкилот аъзоларидан қабул қилиб олинган ратификация тўғрисидаги барча ҳужжатларнинг, баёнот ва денонсация қилиш тўғрисидаги актларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида хабардор қилади.

2. Бош директор, унга юборилган ратификация тўғрисидаги иккинчи ҳужжатнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларини хабардор қилиб, уларнинг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

14-модда

Халқаро меҳнат бюроси Бош директори Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига аввалги моддалар қоидаларига биноан ўзи томонидан рўйхатга олинган барча ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар, баёнотлар ва денонсация қилиш ҳақидаги актларга нисбатан тўла маълумотларни рўйхатга олиш учун юборади.

15-модда

Ҳар гал, Халқаро меҳнат бюроси Маъмурий Кенгаши зарур деб ҳисоблаганда, у Бош Конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва ушбу Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киритишни ҳал қилади.

16-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенцияни қабул қилса ва агар янги конвенцияда акси назарда тутилмаган ҳолатлар бўлса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор-бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқиладиган янги конвенциянинг ратификация қилиниши 12-модда қоидаларидан қатъи назар, қайта кўриб чиқадиган янги конвенциянинг кучга кириши шарти билан автоматик равишда мазкур Конвенцияни зудлик билан денонсация қилишни тақозо этади;

б) қайта кўриб чиқиладиган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенция Ташкилот аъзолари томонидан уни ратификация қилиш учун ёпилади.

2. Мазкур Конвенция, ҳар қандай ҳолатда, уни ратификация қилган, бироқ қайта кўриб чиқиладиган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига нисбатан шакли ва мазмуни жиҳатидан ўз кучида қолади.

17-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ 105-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1957 йил 25 июндаги
40-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
498-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош Конференцияси,
Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва
1957 йилнинг 5 июнида ўзининг қирқинчи сессиясига тўпланиб,
сессия кун тартибининг тўртинчи банди бўлган мажбурий меҳнат тўғрисидаги масалани
кўриб чиқиб,

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 1930 йилги Конвенция қоидаларини ҳисобга олиб,

Қуллик тўғрисидаги 1926 йилги Конвенция зарурий ёки мажбурий меҳнат қулликка ўх-
шаш шароитга олиб келмаслиги учун барча зарур чоралар кўришни назарда тутишини ва
Қулликни, қул савдоси ҳамда қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни тугатиш тўғриси-
даги 1956 йилги Қўшимча конвенция қарз асорати ва крепостной қарамликни тўлиқ бекор
қилишини кўзда тутишини эътиборга олиб,

1949 йилги Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция иш ҳақи ўз вақтида тўлани-
ши кераклигини ва ишчиларнинг ишдан кетишининг ҳақиқий имконидан маҳрум қилади-
ган ҳар қандай меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қўллаш тақиқланганлигини назарда тутишини
эътиборга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида қайд этилган ва Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларациясида эълон қилинган инсон ҳуқуқларини бузувчи мажбурий ёки за-
рурий меҳнатнинг айрим турларини бекор қилиш юзасидан қўшимча таклифларни қабул
қилишга қарор қилиб,

мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,

бир минг тўққиз юз эллик еттинчи йил июнь ойининг йигирма бешинчи кўнида қуйида-
ги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги 1957 йилги конвенция” деб номланиши мум-
кин бўлган Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси
мажбурий ёки зарурий меҳнатни тугатиш ва унинг ҳар қандай шаклини ишлатмаслик маж-
буриятини олади:

а) белгиланган сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тизимга зид сиёсий қарашлар ёки
мафкуравий эътиқодларнинг мавжудлиги ёхуд ифодаланиши учун сиёсий таъсир ёки тар-
бия воситаси ёки жазо чораси сифатида;

б) иқтисодий тараққиёт эҳтиёжлари учун ишчи кучини сафарбар этиш ва ундан фойда-
ланиш усули сифатида;

с) меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида;

д) иш ташлаш ҳаракатларида қатнашганлик учун жазо чораси сифатида;

е) ирқий, ижтимоий ва миллий мансублик ёки диний эътиқод белгилари бўйича камси-
тиш чоралари сифатида.

2-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳар бир аъзоси
мазкур Конвенциянинг 1-моддасида келтирилган зўраки ёки мажбурий меҳнат шакллари-

нинг зудлик билан ва тўлиқ бекор қилиниши учун самарали чоралар кўриш мажбуриятини олади.

3-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар Халқаро меҳнат бюросининг Бош директорига рўйхатга олиш учун юборилади.

4-модда

1. Ушбу Конвенциянинг фақат ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоларини бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Бош директор томонидан Ташкилотнинг икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинганидан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

5-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси унинг дастлабки кучга кирган пайтидан бошлаб ўн йиллик муддат ўтганидан кейин денонсация қилиш (бекор қилиш) тўғрисидаги ҳужжат орқали уни денонсация қилиши мумкин. Денонсация денонсация қилиш тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси аввалги бандда қайд этилган ўн йиллик давр ўтганидан кейин бир йил муддатда мазкур моддада назарда тутилган денонсация қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, навбатдаги ўн йиллик даврга боғлиқ бўлади ва мазкур моддада белгиланган тартибда ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик давр ўтиши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

6-модда

1. Халқаро меҳнат бюросининг Бош директори Халқаро меҳнат ташкилотининг барча аъзоларини Ташкилот аъзоларидан қабул қилиб олинган барча ратификация тўғрисидаги ҳужжатларнинг ва денонсация қилиш тўғрисидаги актларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида хабардор қилади.

2. Бош директор, унга юборилган ратификация тўғрисидаги иккинчи ҳужжатнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларини хабардор қилиб, уларнинг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

7-модда

Халқаро меҳнат бюроси Бош директори Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига аввалги моддалар қоидаларига биноан ўзи томонидан рўйхатга олинган барча ратификация тўғрисидаги ҳужжатлар ва денонсация қилиш ҳақидаги актларга нисбатан тўлиқ маълумотларни рўйхатга олиш учун юборади.

8-модда

Ҳар гал, Халқаро меҳнат бюроси Маъмурий Кенгаши зарур деб ҳисоблаганда, у Бош Конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва бу Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига кириштириш ҳал қилади.

9-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенцияни қабул қилса ва агар янги конвенцияда акси назарда тутилмаган ҳолатлар бўлса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор-бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқиладиган янги конвенциянинг ратификация қилиниши 5-модда қоидаларидан қатъи назар, қайта кўриб чиқадиган янги конвенциянинг кучга кириши шарт билан автоматик равишда мазкур Конвенцияни зудлик билан денонсация қилишни тақозо этади;

б) қайта кўриб чиқиладиган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенция Ташкилот аъзолари томонидан уни ратификация қилиш учун ёпилади.

2. Мазкур Конвенция, нима бўлганда ҳам, уни ратификация қилган, бироқ қайта кўриб чиқиладиган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига нисбатан шакли ва мазмуни жиҳатидан ўз кучида қолади.

10-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

МЕҲНАТ ВА ИШ ТУРЛАРИ СОҲАСИДА КАМСИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ 111-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1958 йил 25 июндаги
42-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
499-I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Халқаро меҳнат ташкилотининг Бош конференцияси,
Халқаро меҳнат бюросининг Маъмурий Кенгаши томонидан Женевада чақирилиб ва
1958 йилнинг 4 июнида ўзининг қирқ иккинчи сессиясига тўпланиб,
сессия кун тартибининг тўртинчи банди ҳисобланган меҳнат ва иш турлари соҳасида
камситиш тўғрисидаги бир қатор таклифларни қабул қилишга қарор қилиб,
мазкур таклифларга халқаро конвенция шаклини беришга қарор қилиб,
Филадельфия декларациясида барча одамлар ирқи, этниқоди ёки жинсидан қатъи на-
зар, эркинлик ва қадр-қиммат, иқтисодий барқарорлик ва тенг имкониятлар шароитида
ўзининг моддий фаровонлиги ва маънавий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эга
эканлиги эълон қилинганлигини эътиборга олиб,
камситиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинган ҳуқуқларнинг
бузилиши эканлигини ҳисобга олиб,
бир минг тўққиз юз эллик саккизинчи йил июнь ойининг йигирма бешинчи кунда қу-
йидаги “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 1958 йилги конвенция” деб
номланиши мумкин бўлган Конвенцияни қабул қилади:

1-модда

1. Ушбу Конвенция мақсадларида “камситиш” атамаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) меҳнат ва иш турлари соҳасидаги имкониятлар ёки муомала тенглигининг йўқ қи-
линиши ёки бузилишига олиб келадиган ирқи, тана ранги, жинси, дини, сиёсий этниқоди,
хорижий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиши белгилари бўйича амалга ошириладиган
йўл қўймаслик, устун қўйиш ёки ҳар қандай фарқлаш;

б) иш берувчи ва ишчиларнинг вакиллик ташкилотлари билан, агар бундай ташкилот-
лар мавжуд бўлса ва бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашган ҳолда тегишли Аъзо
томонидан белгиланадиган меҳнат ва иш турлари соҳасидаги имкониятлар ёки муомала
тенглигининг йўқ қилиниши ёки бузилишига олиб келадиган ҳар қандай фарқлаш, йўл қўй-
маслик ёки устун қўйиш.

2. Ўзига хос талабларга асосланган муайян ишларга нисбатан йўл қўймаслик, устун қў-
йиш ёки ҳар қандай фарқлаш камситиш деб ҳисобланмайди.

3. Ушбу Конвенция мақсадида “меҳнат” ва “иш турлари” атамалари касбий ўрганиш им-
конига эга бўлишни, меҳнат ва турли иш турларига эга бўлишни, шунингдек меҳнатнинг ҳақ
ва шароитларини ўз ичига олади.

2-модда

Ушбу Конвенция кучда бўлган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси меҳнат ва иш турларига
нисбатан шу соҳадаги ҳар қандай камситишни тугатиш мақсадида миллий шароит ва ама-
лиётга мос келадиган усуллар, имконият ва муомала тенглигини қўллаб-қувватлашга йўнал-
тирилган миллий сиёсатни белгилаш ва амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3-модда

Ушбу Конвенция кучда бўлган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси миллий шароит ва амали-
ётга мос келадиган усуллар орқали қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) ушбу сиёсатнинг қабул қилиниши ва унга риоя қилинишига қўмаклашиш ишида иш берувчилар ва ишчилар ташкилотлари, шунингдек бошқа тегишли органлар ҳамкорлигини таъминлашга интилиш;

б) ушбу сиёсатнинг қабул қилиниши ва унга риоя қилинишини таъминлайдиган бундай қонунчиликни киритиш ва шундай таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш;

с) ушбу сиёсатга мос келмайдиган ҳар қандай қонунчилик қоидаларини бекор қилиш ва ҳар қандай маъмурий қўлланмаларни ёки амалиётни ўзгартириш;

д) меҳнат соҳасида белгиланган сиёсатни давлат ҳокимиятининг бевосита назорати остида амалга ошириш;

е) давлат ҳокимияти бошқаруви остида касб танлаш, касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш бўйича муассасалар фаолиятида белгиланган сиёсатга риоя қилинишини таъминлаш;

ф) айтиб ўтилган сиёсатга мувофиқ ўтказилган тадбирларда ва мазкур тадбирлар туфайли эришилган натижаларини ўзининг Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги ҳар йилги маърузаларида кўрсатиши.

4-модда

Давлат хавфсизлигига путур етказиш фаолияти билан шуғулланишида асосли шубҳалар мавжуд бўлган ёки исботланган шахсга қарши қаратилган ҳар қандай чоралар, манфаатдор шахс миллий амалиётга мувофиқ ташкил этилган ваколатли органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлса, камситиш деб ҳисобланмайди.

5-модда

1. Халқаро меҳнат конференцияси томонидан қабул қилинган бошқа конвенциялар ва тавсияларда назарда тутилган ҳимоя қилиш ёки ёрдам бериш бўйича алоҳида чоралар камситиш деб ҳисобланмайди.

2. Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси иш берувчи ва ишчиларнинг вакиллик ташкилотлари билан, агар бундай ташкилотлар мавжуд бўлса, маслаҳатлашган ҳолда, жинси, ёши, жисмоний нуқсонлари, оилавий аҳволи ёки ижтимоий ёҳуд маданий даражада идрок қилишига кўра, одатда алоҳида ҳимоя ёки ёрдамга муҳтож деб топилган шахсларнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳар қандай бошқа алоҳида чоралар камситиш деб ҳисобланмаслигини белгилаши мумкин.

6-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси Халқаро меҳнат ташкилоти Устави қоидаларига мувофиқ, уни метрополиядан ташқари ҳудудларда қўллаш мажбуриятини олади.

7-модда

Ушбу Конвенцияни ратификация қилиш тўғрисидаги расмий ҳужжатлар рўйхатга олинishi учун Халқаро меҳнат бюроси Бош директорига юборилади.

8-модда

1. Ушбу Конвенция фақат ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари Бош директор томонидан рўйхатга олинган Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоларини бирлаштиради.

2. Ушбу Конвенция Бош директор томонидан Ташкилотнинг икки аъзосининг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлари рўйхатга олинганидан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

3. Кейинчалик ушбу Конвенция Ташкилотнинг ҳар бир аъзосига нисбатан унинг ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжати рўйхатга олинган санадан кейин ўн икки ой ўтгач кучга киради.

9-модда

1. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси унинг дастлабки кучга кирган пайтидан бошлаб ўн йиллик муддат ўтганидан кейин денонсация қилиш (бекор қилиш) тўғрисидаги ҳужжат орқали уни денонсация қилиши мумкин. Денонсация денонсация қилиш тўғрисидаги ҳужжат рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси аввалги бандда қайд этилган ўн йиллик давр ўтганидан кейин бир йил муддатда мазкур моддада назарда тутилган денонсация қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, навбатдаги ўн йиллик даврга боғлиқ бўлади ва мазкур моддада белгиланган тартибда ушбу Конвенцияни ҳар ўн йиллик давр ўтиши билан денонсация қилиши мумкин бўлади.

10-модда

1. Халқаро меҳнат бюросининг Бош директори Халқаро меҳнат ташкилотининг барча аъзоларини Ташкилот аъзоларидан қабул қилиб олинган барча ратификация тўғрисидаги ҳужжатларнинг ва денонсация қилиш тўғрисидаги актларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида хабардор қилади.

2. Бош директор, унга юборилган ратификация тўғрисидаги иккинчи ҳужжатнинг рўйхатга олинганлиги ҳақида Ташкилот аъзоларини хабардор қилиб, уларнинг эътиборини Конвенциянинг кучга кириш санасига қаратади.

11-модда

Халқаро меҳнат бюроси Бош директори Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102-моддасига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига аввалги моддалар қоидаларига биноан ўзи томонидан рўйхатга олинган барча ратификация тўғрисидаги ҳужжатлар ва денонсация қилиш ҳақидаги актларга нисбатан тўлиқ маълумотларни рўйхатга олиш учун юборади.

12-модда

Ҳар гал, Халқаро меҳнат бюроси Маъмурий Кенгаши зарур деб ҳисоблаганда, у Бош Конференцияга ушбу Конвенциянинг қўлланилиши тўғрисидаги маърузани тақдим этади ва бу Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқиш ҳақидаги масалани Конференция кун тартибига киритишни ҳал қилади.

13-модда

1. Агар Конференция мазкур Конвенцияни тўлиқ ёки қисман қайта кўриб чиқадиган янги конвенцияни қабул қилса ва агар янги конвенцияда акси назарда тутилмаган ҳолатлар бўлса, у ҳолда:

а) Ташкилотнинг бирор-бир аъзоси томонидан қайта кўриб чиқиладиган янги конвенциянинг ратификация қилиниши 5-модда қоидаларидан қатъи назар, қайта кўриб чиқадиган янги конвенциянинг кучга кириши шарти билан автоматик равишда мазкур Конвенцияни зудлик билан денонсация қилишни тақозо этади;

б) қайта кўриб чиқиладиган янги конвенция кучга кирган санадан эътиборан, мазкур Конвенция Ташкилот аъзолари томонидан уни ратификация қилиш учун ёпилади.

2. Мазкур Конвенция, нима бўлганда ҳам, уни ратификация қилган, бироқ қайта кўриб чиқиладиган янги конвенцияни ратификация қилмаган Ташкилот аъзоларига нисбатан шакли ва мазмуни жиҳатидан ўз кучида қолади.

14-модда

Мазкур Конвенциянинг инглизча ва французча матнлари бир хил кучга эга.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ 129-КОНВЕНЦИЯ

*Бош Конференциянинг 1969 йил 25 июндаги
53-сессиясида қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 27 августдаги
ЎРҚ-555-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

(Кўчирма)

6-модда

1. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тизими вазифаларига қуйидагилар киради:

а) меҳнат шароитларига ва иш жараёнида меҳнаткашлар хавфсизлигини таъминлашга доир қонун-қоидалар, яъни иш вақти, иш ҳақи, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, таътиллار, меҳнат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, фаровонликни таъминлаш, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларни ишга ёллаш ва бошқа шу каби масалалар соҳасига доир қонун-қоидалар, қанчалик меҳнат инспекторлари томонидан қўлланилиши таъминланса, шу даражада бу қоидаларнинг татбиқ қилинишини муҳофаза қилиш;

10-модда

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси штати таркибига эркаklar ҳам, хотин-қизлар ҳам тайинланиши мумкин; зарур ҳолларда эрка ва хотин-қиз инспекторлар зиммасига алоҳида вазифалар юклатилиши мумкин.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

(Кўчирма)

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

V боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

X боб. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари

46-модда

Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ВА ШАХС

XIII боб. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

56-модда

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касабачи уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

XIV боб. ОИЛА

63-модда

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

64-модда

Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

65-модда

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

БИРИНЧИ БЎЛИМ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

2-БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ПРИНЦИПЛАРИ

19-модда. Судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши

Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатган ҳоллар мустасно.

Судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, ҳудди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида қисмларига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисни аудио- ва видеоёзувга олиш эса амалга оширилмайди.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни ёпиқ мажлисларда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг бу мажлисларда ҳозир бўлишига рухсат беришга ҳақли.

Суд мажлиси залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда, суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида ҳозир бўлишини тақиқлашга ҳақли.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади, бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят процесси иштирокчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, бундан ёпиқ суд мажлисларида кўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно.

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун судлар зарур ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесслар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши мумкин.

Судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланади, бундан ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар мустасно.

25-модда. Судда ишларни юритишда тортишув

Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.

Иш судда кўрилатганда айблаш, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин.

Давлат ва жамоат айбловчилари, судланувчи, вояга етмаган судланувчининг қонуний вакили, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд мажлисида тарафлар сифатида иштирок этадилар ва далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Суд ҳолислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар яратиб беради.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ

5-боб. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЎЗ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР. ҲИМОЯЧИЛАР ВА ВАКИЛЛАР

54-модда. Жабрланувчи

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

56-модда. Фуқаровий даъвогар

Жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар фуқаровий даъвогар деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

**60-модда. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг,
жабрланувчининг қонуний вакиллари**

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Вояга етмаган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг илтимосига кўра, ишда ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган шахслар билан бир қаторда унинг катта ёшдаги яқин қариндошларидан бирининг ёки ўзи ишонадиган бошқа шахснинг қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйилиши мумкин.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари билан қонуний вакилнинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

Тўртинчи бўлим. ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ

**26-боб. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ЧЕКЛАШ АСОСЛАРИ
ВА ЧЕГАРАЛАРИ**

**218-модда. Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки тиббий муассасага
жойлаштирилган шахснинг қарамоғидагиларга ҳомийлик қилиш
ва унинг мол-мулкани қўриқлаш чоралари**

Ушлаб турилган, қамоққа олинган ёки экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилган шахснинг қаровсиз ва ёрдамга муҳтож вояга етмаган фарзандлари, кексайган ота-оналари, бошқа боқимлари бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уларни қариндошларининг ёки бошқа шахслар ёхуд муассасаларнинг ҳомийлигига топшириши, мажбурлов чораси қўлланилган шахснинг назоратсиз қолаётган мол-мулки ёхуд уй-жойи бўлса, уларни қўриқлаш чорасини кўриши шарт.

Шахснинг қарамоғидагиларга ҳомийлик қилиш ва унинг мол-мулкани қўриқлаш тўғрисидаги кўрсатилган чоралар ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан ҳам кўрилиши шарт.

27-боб. УШЛАБ ТУРИШ

228-модда. Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари

Ушланган шахс ички ишлар органи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса гауптвахтага жойлаштирилади.

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса, махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади.

Ушлаб турилганларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаш тартиби ва шарт-шароитлари қонунда белгиланади.

28-БОБ. ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

237-модда. Эҳтиёт чораларининг турлари

Эҳтиёт чораларига қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; уй қамоғи; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

ЎНИНЧИ БЎЛИМ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ

52-БОБ. СУД ТЕРГОВИ

442-модда. Судда сўроқ қилиш тартиби

Судда сўроқ қилиш ушбу Кодекснинг 96–108-моддаларида назарда тутилган талабларга, шунингдек қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб киргандан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Вояга етмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим.

Жабрланувчи, шунингдек эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин.

Жабрланувчиларни, шунингдек айблов ҳулосасига ва айблов далолатномасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш ҳам ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган тартибда ўтказилади. Башарти гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар.

Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидир.

Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати билан саволлар берилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ
IV бoб. ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ШАХСЛАР**

17-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 1251, 127, 1271, 1281, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279–302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ
X бoб. ЖАЗО ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

46-модда. Ахлоқ тузатиш ишлари

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор хотин-қизларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор хотин-қизларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

50-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгила-ниши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган хотин-қизларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озод-ликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колони-яларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қили-наётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавfli рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан ал-маштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган хотин-қизларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир эт-ганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони ман-зил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавfli рецидивист деб то-пилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, ле-кин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавfli рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жино-ят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор хотин-қизларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор хотин-қизларга нисбатан, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режими-ни ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

51-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулдда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтимиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

XI БОБ. ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

55-модда. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар

Қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин қўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмагanning жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат ушбу Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар

Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;
н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
о) мастлик ҳолатида ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ЖАВОБГАРЛИҚДАН ВА ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

XIII бoб. ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ ТУРЛАРИ

72-модда. Шартли ҳукм қилиш

Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қисм ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисmini олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъ-

мүрий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса суд унинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Шартли ҳукм ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, хотин-қизлар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

75-модда. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш

Ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилиниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўллаши мумкин.

Бундай шахслар тузалганидан кейин, ушбу Кодекснинг 69-моддасида назарда тутилган ва суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган кундан бошлаб ҳисобланадиган муддатлар ўтиб кетмаган бўлса, жазо ижро этилади.

Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи хотин-қизлар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Мажбурий жамоат ишларига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек хотин-қизлар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ XV боб. ЖАЗО ВА УНИ ТАЙИНЛАШ

81-модда. Жазо тизими

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- а) жарима;
- а1) мажбурий жамоат ишлари;
- б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- в1) озодликни чеклаш;
- г) озодликдан маҳрум қилиш.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

841-модда. Озодликни чеклаш

Озодликни чеклаш вояга етмаган маҳкумларга нисбатан асосий жазо чораси сифатида олти ойдан икки йилгача муддатга тайинланади.

85-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун – олти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун – етти йилгача;
- в) ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Ҳукм чиқариш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тарбия колонияларида ўташ тайинланади.

XVI боб. ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ

89-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

90-модда. Жазони енгилроғи билан алмаштириш

Ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ушбу Кодекснинг 89-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазо енгилроғи билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60 ва 86-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

ИККИНЧИ БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

УМУМИЙ ҚИСМ

III боб. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ

29-модда. Маъмурий қамоққа олиш

Маъмурий қамоққа олиш уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоққа олиш жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор хотин-қизларга, уч ёшгача боласи бўлган хотин-қизларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

IV боб. МАЪМУРИЙ ЖАЗОНING ҚЎЛЛЕНИЛИШИ

31-модда. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

МАХСУС ҚИСМ

**V боб. ФУҚАРОЛАРNING ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛАДИГАН
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

**47-модда. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги
мажбуриятларни бажармаслик**

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

47¹-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар бериш –

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

47²-модда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

47³-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

49-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, бундан била туриб ғайриқонуний ишдан бўшатиш мустасно, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни вояга етмаган шахсга нисбатан содир этиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

49¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

49³-модда. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

50-модда. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини яратишга доир қарорларини бажармаслик, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни бўш иш ўринлари (вакант лавозимлар) мавжуд бўлгани ҳолда асоссиз равишда рад этиш, шунингдек иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобидан иш ўринларига ишга жойлаштиришни асоссиз равишда рад этиш, худди шунингдек аввал талабнома берилган, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

XV бoб. ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛУВЧИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

188²-модда. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

XXI бoб. МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ, АШЁЛАР ВА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ, АШЁЛАР ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ

286-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
МЕҲНАТ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**УМУМИЙ ҚИСМ
I боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

6-модда. Меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, этниқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқориқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (хотин-қизлар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

II боб. МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

16-модда. Ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим:

ўз меҳнати учун қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

IV бoб. ЖАМOА ШАРТНОМАЛАРИ ВА КЕЛИШУВЛАРИ

2-§. ЖАМOА ШАРТНОМАСИ

37-мoддa. Жaмoа шaртнoмaсининг мaзмуни вa тузилishi

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди.

Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин:

меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар;

нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми;

ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари;

иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари;

ходимларнинг, шу жумладан, хотин-қизлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шaroитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизлигини таъминлаш;

корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш;

ишни таълим билан қўшиб олиб бoрyвчи ходимлар yчyн имтиёзлар;

ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий сўғурта;

иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бoриладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари;

жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бoриш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш yчyн тегишли шaroит яратиб бoриш.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътилар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари yчyн компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача таълим ташкилотларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Башарти амалдаги қонунларда норматив тусдаги қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

МАХСУС ҚИСМ

V бoб. ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ

68-мoддa. Aҳoлининг айрим тоифалари yчyн ишга жойлашишдаги қўшимча кафолатлар

Давлат:

ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шарoитларда рақобатлашишга қoдир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бoр ёлғиз oтага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг oта-оналарига;

ўрта махсус таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек касб-ҳунар таълими муассасаларининг ва олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчиларига;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатиладиганларга;

ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурият чораларига тортилган шахсларга;

одам савдосидан жабрланганларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, махсус ўқув дастурларини ташкил этиш, корхоналарга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун минимал иш жойларини белгилаш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар орқали таъминланади.

Иш берувчи иш жойларининг белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга жойлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган) ходим резервга бўшатиладиган ёки истеъфога чиққанидан кейин, башарти, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафидан, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатиладиган кунидан бошлаб узоғи билан уч ой ичида ишга жойлашиш масаласида иш берувчига мурожаат этган бўлса, аввалги иш жойида ишга жойлашиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган), лекин кейинчалик резервга бўшатиладиган ёки истеъфога чиққан ходим, агар унинг ҳарбий хизматга чақирилган (ўтган) кунидан бошлаб уч ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, аввалги иш жойига (лавозимига) қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Корхона қайта ташкил этилганда ҳарбий хизматдан бўшатиладиган шахсларни ишга жойлаштиришни унинг ҳуқуқий вориси, корхона тугатилганда эса – маҳаллий меҳнат органи амалга оширади.

Ходимларга ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган кафолатларни бериш мумкин бўлмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ишга жойлаштиришни, зарур ҳолларда эса, касби бўйича бепул ўқитишни таъминлайди.

Ушбу модданинг тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган кафолатлар муқобил хизматга чақирилган ходимларга ҳам татбиқ этилади.

VI боб. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

2-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ

77-модда. Ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бўзмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун – улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

78-модда. Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслиги

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади: ушбу Кодекс 6-моддасининг биринчи қисми талабларининг бузилиши;

иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик;

иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор хотин-қизларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор хотин-қизларни – тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик;

муқаддам судланган шахсларни ишга қабул қилмаслик, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёхуд шахсларни уларнинг яқин қариндошлари судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмаслик;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

84-модда. Ишга қабул қилишда дастлабки синов

Меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин:

ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш;

ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор хотин-қизлар, уч ёшга тўлмаган боласи бор хотин-қизлар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юрларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек ходимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

3-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ

94-модда. Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимларнинг соғлиғи ҳолатига кўра вақтинча енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш, шунингдек ҳомиладор хотин-қизларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор хотин-қизларни вақтинча ана шундай ишга ўтказиш

ушбу Кодекснинг тегишинча 218, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

96-модда. Меҳнат шартномасини ўзгартиришни расмийлаштириш

Доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

Доимий бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларнинг мазмунига тўла мувофиқ ҳолда чиқарилади ва ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда буйруқ билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан ҳамда ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун унинг аризаси, ҳомиладор хотин-қизларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор хотин-қизларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун эса, – уларнинг аризаси ва тиббий хулоса асос бўлади.

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ишлаб чиқариш зарурияти ёки ишда бекор туриб қолиш фактининг мавжудлиги асос бўлади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Меҳнат шартларини ўзгартириш, шунингдек иш жойини ўзгартириш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

Меҳнат шартномасида муайян иш жойи аниқ кўрсатиб қўйилган ҳолларда иш жойини ўзгартириш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

4-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ

103-модда. Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун бериладиган имтиёзли ҳуқуқ

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилади.

Малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

- 1) қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;
- 2) оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;
- 3) мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;
- 4) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;
- 5) мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

6) уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

7) атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан оширилган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга йўлиққан ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокатлар ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки қўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина, инobatга олинади.

VII бoб. ИШ ВАҚТИ

116-модда. Иш вақтининг қисқартирилган муддати

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инobatга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:

ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-модда);

I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-модданинг учинчи қисми);

ноқулай меҳнат шарoитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (117-модда);

алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-модда).

уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган хотин-қизлар (228-1-модда).

VIII бoб. ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

2-§. ТАЪТИЛЛАР

142-модда. Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш

Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига қуйидагилар киради:

иш йили давомида ҳақиқатда ишланган вақт;

ходим ҳақиқатда ишламаган бўлса ҳам, лекин унинг иш жойи (лавозими) сақланган вақт, бундан болани парваришlash учун қисман ҳақ тўланадиган таътил ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътиллار мустасно;

меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги натижасида қилинган ҳақ тўланадиган мажбурий проғул вақти, башарти ходим кейинчалик аввалги ишига тикланган бўлса;

тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг ўзга локал ҳужжатлари, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа даврлар.

Жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида, меҳнат шартномасида хусусан иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда йиллик қўшимча таътиллари олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари назарда тутилиши мумкин.

144-модда. Таътиллари бериш вақти ва навбати

Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин ҳабардор қилиниши керак.

Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркалар, бева хотин-қизлар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

I ва II гуруҳ ногиронларига;

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга (250-модда);

жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ишлаётган эркаларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

Таътилдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

149-модда. Ижтимоий таътиллари

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътиллари олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари (233-модда);

болаларни парваришlash таътиллари (232, 234, 235-моддалар);

ўқиш билан боғлиқ таътиллари (254 ва 256-моддалар);

ижодий таътиллари (258-модда).

150-модда. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари

Ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941–1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган хотин-қизларга (234-модда);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган хотин-қизларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ХII бoб. МEХНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

2-§. ХОДИМГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ИШ БЕРУВЧИНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

192-мoддa. Бoқувчининг вaфoт этгaнлиги мунoсaбaти билaн зaрaрни иш берувчи тoмoнидaн тўлaш мaжбурияти

Хoдим мeҳнaтдa мaйиб бўлиши, кaсб кaсaллиги ёки мeҳнaт вaзифaларини бaжaриш билaн бoғлиқ ҳoлдa coғлиғигa бoшқaчa тaрздa шикaст eтиши сaбaбли вaфoт этгaн ҳoллaрдa, иш берувчи мaрҳумнинг қaрaмoғидa бўлгaн мeҳнaтгa қoбилиятсиз шaхслaргa, шунингдeк ўн oлти ёшгa тўлмaгaн ёки у вaфoт этгaн кунгa қaдaр ундaн тaъминoт oлиш ҳуқуқигa эгa бўлгaн шaхслaргa, мaрҳумнинг вaфoтидaн кейин тўғилгaн фaрзaндигa, шунингдeк oтa-oнaсидaн биригa, умр йўлдошигa ёки oилaнинг бoшқa aъзoсигa, aгaр у ишлaмaсдaн мaрҳумнинг уч ёшгa eтмaгaн бoлaлaри (укaлaри, сингиллaри) ёки нeвaрaлaрининг пaрвaриши билaн бaнд бўлсa, зaрaрни тўлaши шaрт.

Қaрaмoқдa бўлиш фaрaзaн oлинaди вa бунинг учун дaлил тaлaб eтилмaйди.

Қуйидaгилaр мeҳнaтгa қoбилиятсиз дeб ҳисoблaнaди:

ўн oлти ёшдaн кaттa шaхслaр, aгaр улар шу ёшгa тўлгунгa қaдaр нoгирoн бўлиб қoлгaн бўлсaлaр;

oлтмиш ёшгa тўлгaн эркaклaр вa эллик бeш ёшгa тўлгaн хoтин-қизлaр;

бeлгилaнгaн тaртибдa нoгирoн дeб тoпилгaн шaхслaр.

Oилa aъзoсининг мeҳнaтгa қoбилиятсизлиги бoшлaнгaн вaқт (бoқувчининг вaфoтигa қaдaр ёки ундaн кейин) унинг зaрaрни ундиришгa бўлгaн ҳуқуқигa тaъсир eтмaйди.

ўн oлти ёшдaги вa ундaн кaттa ўқувчилaр, ўқув юртлaрининг кундузги бўлимлaридa ўқишни тугaтгунлaригaчa, лeкин ўн сaккиз ёшгa қaдaр бўлгaн дaврдa, зaрaрни ундириш ҳуқуқигa эгaдирлaр.

ХIII бoб. МEХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

214-мoддa. Тиббий кўрик

Иш берувчи мeҳнaт шaртнoмaси тузиш чoғидa дaстлaбки тaрздa вa кейинчaлик (иш дaвoмидa) вaқти-вaқти билaн қуйидaги хoдимлaрни тиббий кўриқдaн ўткaзишни тaшкил қилиши шaрт:

ўн сaккиз ёшгa тўлмaгaнлaр;

oлтмиш ёшгa тўлгaн эркaклaр, эллик бeш ёшгa тўлгaн хoтин-қизлaр;

нoгирoнлaр;

мeҳнaт шaрoити нoқулай ишлaрдa, тунги ишлaрдa, шунингдeк тpaнcпoрт ҳaрaкaти билaн бoғлиқ ишлaрдa бaнд бўлгaнлaр;

oзиқ-oвқaт сaнoaтидa, сaвдo вa бeвocитa aҳoлигa хизмaт кўрсaтиш билaн бoғлиқ бўлгaн бoшқa тaрмoқлaрдaги ишлaрдa бaнд бўлгaнлaр;

умумтaълим мaктaблaри, мaктaбгaчa тaълим тaшкилoтлaри вa бoшқa муaссaсaлaрнинг бeвocитa бoлaлaргa тaълим ёки тaрбия бeриш билaн мaшғул бўлгaн пeдaгoг вa бoшқa хoдимлaри.

Мeҳнaт шaрoити нoқулай ишлaр вa бaжaрилaётгaнидa дaстлaбки тaрздa вa вaқти-вaқти билaн тиббий кўриқдaн ўтилиши лoзим бўлгaн бoшқa ишлaрнинг рўйхaти вa уларни ўткaзиш тaртиби Ўзбeкистoн Рeспубликaси Coғлиқни сaқлaш вaзирлиги тoмoнидaн бeлгилaнaди.

Ушбу мoддaнинг биринчи қисмидa кўрсaтилгaн хoдимлaр тиббий кўриқлaрдaн ўтишдaн бўйин тoвлaшгa ҳaқли eмaслaр. Тиббий кўриқдaн ўтишдaн ёки тиббий кoмиссиялaрнинг тeкширувлaр нaтижaсидa бeргaн тaвсиялaрини бaжaришдaн бўйин тoвлaгaн хoдимлaрни иш берувчи ишгa қўймaсликкa ҳaқлидир.

Хoдимлaрнинг мeҳнaтидaн уларнинг coғлиғи ҳoлaтигa тўғри кeлмaйдигaн ишлaрдa фoйдaлaнишгa йўл қўйилмaйди.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўриқдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Тиббий кўриқлардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

**XIV БОБ. АЙРИМ ТОИФАДАГИ ХОДИМЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА
КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАР**
**1-§. АЁЛЛАРГА ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ
ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР**

**224-модда. Ҳомиладор аёлларни ва боласи бор хотин-қизларни
ишга қабул қилишдаги кафолатлар**

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

225-модда. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган ишлар

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида хотин-қизлар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

**226-модда. Ҳомиладор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг
таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш**

Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

**227-модда. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни энгилроқ ёки ноқулай
ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказиш**

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

228-модда. Тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда аёллар меҳнатини қўлланишни ва уларни хизмат сафарига юборишни чеклаш

Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

228-1-модда. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади.

229-модда. Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга тўлиқсиз иш вақти белгилаш

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (119-модда) белгилашга мажбурдир.

230-модда. Қўшимча дам олиш кўни

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сўғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кўнлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда оийга қўшимча бир дам олиш кўни берилади.

231-модда. Аёлларга йиллик таътиллари бериш навбатини белгилашдаги имтиёзлар

Ҳомиладор аёлларга ва бола туққан аёлларга йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади (144-модда).

232-модда. Ўн икки ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун қўшимча таътиллари

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кўнидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кўндан кам бўл-

маган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

233-модда. Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

234-модда. Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган таътиллари

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришlash таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимда ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданинг биринчи қисми) сақланиб қолади.

Болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллари меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан олти йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришlash таътилларида вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

235-модда. Янги туғилган болаларни фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бериладиган таътиллари

Янги туғилган болаларни бевосита туғуруқхонадан фарзандликка олган ёки болаларга васий қилиб белгиланган шахсларга бола фарзандликка олинган (васийлик белгиланган) кундан бошлаб, бола туғилган кундан эътиборан эллик олти календарь кун (икки ёки ундан ортиқ бола асраб олинган (васийлик белгиланган) тақдирда эса етмиш календарь кун) ўтгунга қадар бўлган даврда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўлаган ҳолда таътил берилади ва уларнинг хоҳишига кўра, бола уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун қўшимча таътиллари берилади (234-модда).

236-модда. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат

билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффусларнинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусларга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.

237-модда. Ҳомиладор ва боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдаги кафолатлар

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонунчиликда белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

Муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ҳам иш берувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган аёлларни ишга жойлаштириш шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади, бироқ бу муҳлат муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

238-модда. Онасиз болаларни тарбияловчи шахсларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар

Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек қўшимча таътиллار бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёзлар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узоқ вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолатлар ва имтиёзлар, шунингдек ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни амалда тарбия қилаётган бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

XVI БОБ. ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУҒУРТАСИ

1-§. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

284-модда. Давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бериладиган таъминот турлари

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, хотин-қизлар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;

бола туғилганда бериладиган нафақалар;

давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлар билан таъминланадилар.

Давлат ижтимоий суғуртаси маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (парҳез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат ижтимоий суғуртасига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

2-§. ДАВЛАТ ИЖТИМОИЙ СУВУРТАСИ БЎЙИЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚАЛАР

286-модда. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади (233-модда).

287-модда. Бола туғилганда бериладиган нафақа

Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Ҳар бир туғилган бола учун бериладиган нафақанинг миқдори ва уни тўлаш тартиби қонунчилик билан белгилаб қўйилади.

3-§. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

289-модда. Ёшга доир пенсия

Ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар – олтмиш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, хотин-қизлар – эллик беш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади.

Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, тегишли ҳолларда эса, – меҳнат стажи кам бўлганда ҳам тайинланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**БИРИНЧИ ҚИСМ
2-КИЧИК БЎЛИМ. ШАХСЛАР
3-БОБ. ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)**

17-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати

Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди.

22-модда. Фуқаронинг муомала лаёқати

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

**23-модда. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини
чеклашга йўл қўйилмаслиги**

Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

ИККИНЧИ ҚИСМ

57-БОБ. ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР

**2-§. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг
ўрнини қоплаш**

**1009-модда. Боқувчиси вафот этганлиги натижасида
зиён кўрган шахсларга зарарни тўлаш**

Боқувчиси вафот этган тақдирда қуйидагилар зарарни ундириш ҳуқуқига эга:
марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди;

меҳнат қобилиятидан қатъи назар марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёҳуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришlashда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси;

марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган шахслар.

Ишламайдиган ва марҳумнинг ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришlashда банд бўлган ота-онасидан бири, эр (хотин) ёҳуд оиланинг бошқа аъзоси парваришlashни амалга ошириш даврида меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолган тақдирда, ана шу шахсларни парваришlash тугаганидан кейин зарарни ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Зарар қуйидагиларга тўланади:

вояга етмаганларга – ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар;

ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга – ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча;

эллик беш ёшдан ошган хотин-қизларга ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга – умрбод;

ногиронларга – ногиронлик муддатига;

марҳумнинг қарамоғида бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини улар ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар парваришlashда банд бўлган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёҳуд оиланинг бошқа аъзосига.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**УМУМИЙ ҚИСМ
I БЎЛИМ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР
2-БОБ. МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

9-модда. Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари

Маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

ўқув, бадиий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши;

ижтимоий таъминот, шу жумладан, қонунчиликка мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тартиби ушбу Кодекс, бошқа қонунчилик билан белгиланади.

3-боб. ЖАЗОЛАРНИ ВА БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР

15-модда. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса – улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари:

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан;

алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд руҳий ҳолати ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда бузилган маҳкумларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда эса, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари:

жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбурияти-ни юклаш – суд томонидан;

махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш – халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

МАХСУС ҚИСМ

II БҮЛИМ. ЖАРИМА, МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ, МАЖБУРИЙ ЖАМОАТ ИШЛАРИ ВА АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ 7-боб. АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

26-модда. Жазони ижро этиш тартиби

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолияти-ни давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шarti билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

IV БҮЛИМ. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ I КИЧИК БҮЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 9-боб. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ

53-модда. Маҳкумларни тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдириш

Қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкум-

нинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин.

Хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдирилган маҳкумлар жазони қўлфлаб қўйилмайдиган умумий камераларда, бошқа шахслардан батамом ажратилган ҳолда, ушбу Кодекснинг 18-бобида назарда тутилган шароитларда ўтайдилар. Маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади.

Вояга етмаган шахслар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилмайдилар.

10-БОБ. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

58-модда. Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш

Жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва хотин-қизлар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади.

Қуйидагилар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади:

- ўта хавфли рецидивистлар;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар;
- маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар;
- турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар.

11-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАГИ РЕЖИМ

70-модда. Тинчлантириш кўйлагини қўллаш

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавога тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади.

Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак.

Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума хотин-қизларга нисбатан қўлланилмайди.

71-модда. Махсус воситаларни ишлатиш

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

Махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нуртовуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради.

Махсус воситалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;

маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

маҳкумларни қўриқлаб бориш ва қўриқлаб туриш чоғида – қочишнинг олдини олиш учун;

жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инobatга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган хотин-қизларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилик кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Махсус воситаларни қўллаш натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида дарҳол прокурорга хабар қилинади.

12-бoб. МАҲКУМЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

84-мoддa. Маҳкумларнинг яшаш жойи

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайди, ушбу турар жойлар, хоналар ёки камералар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ҳамда қурилиш нормаларига қоидаларига мос келиши керак.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси қуйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

умумий турар жойларда – икки квадрат метр;

тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида – икки ярим квадрат метр;

хотин-қизлар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда – уч квадрат метр;

бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда – тўрт квадрат метр;

интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типидagi турар жойларда – тўрт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар берилади.

85-мoддa. Маҳкумларнинг овқати

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга организмнинг энергияга ва озуқавий моддаларга бўлган физиологик эҳтиёжини таъминлайдиган овқат қонунчилиқда белгиланган тартибда республика бюджети ҳисобидан берилади, бундан манзил-колонияларда жазони ўтаётганлар мустасно.

Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Маҳкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овқат берилиши мумкин.

Маҳкум ҳомиладор хотин-қизлар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий ҳулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган ҳомиладор хотин-қизларга ва эмизикли оналарга ишдан озод этилган даврида республика бюджети ҳисобидан овқат берилади.

Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, касаллиги туфайли ёки интизомий бўлинмага киритилиб ишдан озод қилинган маҳкумларга манзил-колонияларнинг корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳисобидан овқат берилиб, овқатнинг қиймати кейинчалик маҳкумларнинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинади.

13-боб. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУҚМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР МЕҲНАТИ

88-модда. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш

Маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борица, ихтисосини инobatга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунчилик билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, жазони ижро этиш муассасалари ва улар ташкилотларининг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтимиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган хотин-қизлар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкума хотин-қизлар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонунчиликда белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонунчилик билан белгилаб қўйилади.

Маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шарт. Уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низоларни ҳал этиш мақсадида ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланади.

90-модда. Маҳкумларнинг иш вақти

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Маҳкумлар иш вақти режимини жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ишлаб чиқариш хусусиятига қараб белгилайди.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги

қонунчиликда белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда вояга етмаган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш шарт.

Маҳкума ҳомиладор хотин-қизлар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор хотин-қизлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкин. Мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкин.

Маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланади.

92-модда. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўланади.

Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

Барча чегирмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисобварағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтамиш ёшдан ошган эркакларнинг, эллик беш ёшдан ошган хотин-қизларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор хотин-қизларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор хотин-қизларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисобварағига эса, камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

II КИЧИК БЎЛИМ. КОЛОНИЯЛАР ВА ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ 22-БОБ. ТАРБИЯ КОЛОНИЯЛАРИДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

127-модда. Ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллаш хусусиятлари

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн тўрт ёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади.

23-БОБ. АЙРИМ ТОИФАДАГИ МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗОНИ ЎТАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

130-модда. Маҳкума ҳомиладор хотин-қизлар ва боласи бор хотин-қизлар учун қўшимча ҳуқуқлар

Маҳкума ҳомиладор хотин-қизлар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор хотин-қизлар ўшбу Кодексда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари:

муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш;

болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;

болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Маҳкума хотин-қизларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Маҳкума хотин-қизларнинг вояга етмаган болалари билан учрашишига ўзининг шахси, қариндошлигини ёки васийлигини (ҳомийлигини) тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этган тақдирда битта яқин қариндоши ёки васий (ҳомий) кузатувида йўл қўйилади.

Маҳкума хотин-қизларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувларга қўшиб ҳисобланмайди.

Маҳкума хотин-қизларнинг муассасадан ташқаридаги болалар уйларидаги вояга етмаган болалар билан учрашувлари маҳкума хотин-қизларнинг илтимосига кўра амалга оширилади.

131-модда. Маҳкума хотин-қизларнинг муассаса доирасидан ташқарида яшаши

Ижобий тавсифга эга маҳкума хотин-қизларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлигининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония ҳудудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин.

Муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят кодекси 73-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган маҳкумларга берилмайди.

Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумалар:

хона типдаги турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;

эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

бола уч ёшга тўлганда.

132-модда. Болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш

Маҳкума хотин-қизларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Маҳкума хотин-қизлар уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақли.

Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлгундан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки, ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

**133-модда. Маҳкума хотин-қизларнинг муассаса доирасидан
четга қисқа муддатли чиқиши**

Мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума хотин-қизларга болаларини қариндошлариникига, вассийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор хотин-қизларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ОИЛА КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
1-БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

2-модда. Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги

Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳла-
ниб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички ои-
лавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси,
уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва
меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги
тамойиллари асосида амалга оширилади.

3-модда. Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги

Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш
чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоӣ келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва
ижтимоӣ мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки
билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий му-
носабатларга аралашшга йўл қўйилмайди.

Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат ои-
ладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғ-
лиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида
зарур меъёргагина чекланиши мумкин.

4-модда. Оиланинг, оналик, оталик ва болаликнинг муҳофаза қилиниши

Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир.

Ўзбекистон Республикасида оналик ва оталик иззат-икромга ҳамда ҳурматга сазовор-
дир.

Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш хотин-қизларнинг меҳнати ва соғлиғини
сақлашга доир махсус тадбирлар кўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўшиб олиб бориш
учун хотин-қизларга шароит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий
ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади.

**II БЎЛИМ. НИКОҲ
3-БОБ. НИКОҲ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

14-модда. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги

Никоҳ тузиш ихтиёрийдир.

Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга
бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

15-модда. Никоҳ ёши

Никоҳ ёши эркаклар ва хотин-қизлар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга ет-
маган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга ки-
ришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги
туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

4-боб. ЭР-ХОТИННИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

19-модда. Оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги

Эр ва хотин оилада тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва улар тенг мажбуриятларга эга-дирлар.

21-модда. Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши

Болалар тарбияси ва оилавий турмушнинг бошқа масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар.

5-боб. ЭР ВА ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

23-модда. Эр ва хотиннинг умумий мулки

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этил-гунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргалик-даги умумий мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаоли-ятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етка-зиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоп-лаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадла-ри ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улуш-лари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишдан қатъи назар улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкка нисбатан эр ва хотиннинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқла-ри фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларда белгиланади. Фермер хў-жалиги ва деҳқон хўжалигининг мол-мулкни бўлиш ФКнинг 223 ва 225-моддаларида на-зарда тутилган қоидалар асосида амалга оширилади.

24-модда. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ун-дан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим ту-зилганда бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади.

Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига би-ноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган умумий қўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим. Кўрсатилган битимни тузишга нотариал тартибда тасдиқланган розилиги олинмаган эр ёки хотин мазкур битим амалга оширилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил давомида бу битимни суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилишга ҳақлидир.

25-модда. Эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулки

Эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулки улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий мулки ёки улардан ҳар бирининг мол-мулки ёхуд эр ва хотиндан бирининг меҳнати ҳисобига мол-мулкнинг қиймати анча ошишига олиб келган маблағлар (капитал таъмирлаш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш ва бошқалар) қўшилгани аниқланса, эр ёки хотиндан ҳар бирининг мол-мулки уларнинг биргаликдаги мулки деб топилиши мумкин.

27-модда. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек кредитор эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулкни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бўлишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми берилиши лозимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улушдан ошиқ қийматга эга бўлган мол-мулк бериладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар тугатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топиши мумкин.

Вояга етмаган болалар эҳтиёжини қондириш учун олинган буюмлар (кийим-бош, пой-абзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбоблари, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга компенсациясиз берилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли ҳисобланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки улар никоҳда турган даврда бўлинган тақдирда, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шунингдек эр ва хотин томонидан улар никоҳда турган даврда орттирилган мол-мулк кейинчалик уларнинг биргаликдаги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талаблари-га нисбатан уч йиллик даъво муддати қўлланилади.

28-модда. Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда улушларни аниқлаш

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда эр ва хотиннинг умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга муносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфлаган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

7-БОБ. НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ

39-модда. Эрнинг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйишини ман этадиган ҳоллар

Хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

44-модда. Никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалалар

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшабини аниқлаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулкни бўлган мол-мулкни бўлиши;

эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

IV БҮЛИМ. ОТА-ОНА ҲАМДА ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12-БОБ. ОТА-ОНАНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

71-модда. Ота-она ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги

Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар (ота-оналик ҳуқуқлари). Ушбу бобда назарда тутилган ота-оналик ҳуқуқлари болалар ўн саккиз ёшга тўлганларида (вояга етганда), шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирганларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

**73-модда. Ота-онанинг болаларга таълим-тарбия беришга оид
ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонунчиликда белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

**74-модда. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича
ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади.

Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ҳамда ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ота-она ва болалар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик борлиги аниқланганда, ота-она ўз болаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлаши шарт.

**V БЎЛИМ. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ
АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ
15-боб. ЭР-ХОТИНЛАР ВА СОБИҚ ЭР-ХОТИНЛАРНИНГ
АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**118-модда. Никоҳдан ажралганидан кейин собиқ эр (хотин)нинг
таъминот олиш ҳуқуқи**

Етарли маблағга эга бўлган собиқ эр (хотин)дан:

собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола туғилган кундан бошлаб уч йил давомида;

ўртадаги ногирон бола ўн саккиз ёшга тўлгунча ёки болаликдан I гуруҳ ногирони бўлган болага қараган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралгунга қадар ёки никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган ёрдамга муҳтож собиқ хотин (эр);

никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин (эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда туришган бўлса, суд тартибида алимент талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби собиқ эр-хотин ўртасидаги келишув билан белгиланиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ФУҚАРОЛИК-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
6-БОБ. ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

42-модда. Фуқаролик процессуал муомала лаёқати

Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ота-оналардан алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганларни ёки ҳомийларни жалб қилиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилинади.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонунчиликда белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда, судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги болаларнинг, шунингдек руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки васийлар ҳимоя қилади.

7-БОБ. СУДДА ВАКИЛЛИК

66-модда. Қонуний вакиллик

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) ҳимоя қилади.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мулкани қўриқлаш ва бошқариш учун тайинланган шахс қатнашади.

Вафот этган ёки белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри иштирок этиши керак бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, васий, ҳомий, ёхуд мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сақловчи шахс меросхўрнинг вакили сифатида қатнашади.

Қонуний вакил судда иш олиб боришни ўзи вакил сифатида танлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг, муомалага лаёқатсиз ёки бедарак йўқолган деб топилган шахснинг қонуний вакили вакиллик қилинаётган шахснинг ҳуқуқлари ва

қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тааллуқли ишлар кўриб чиқиладиганда унинг манфаатларини кўзлаб барча процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахснинг, муомала лаёқати чекланган деб топилган шахснинг қонуний вакили ишлар кўриб чиқиладиганда шу шахснинг манфаатларини кўзлаб барча процессуал ҳаракатларни чекланган ҳуқуқлар доирасида амалга оширади.

16-БОБ. СУД ХАБАРНОМАЛАРИ ВА ЧАҚИРУВЛАРИ

160-модда. Суднинг чақирув қоғозини ёки бошқа хабарномани топшириш

Фуқарога суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома судга қайтарилиши лозим бўлган иккинчи нусхасига у топширилган вақтини кўрсатган ҳолда тилхат олиб шахсан топширилади.

Ташкилот номига йўлланган суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома тегишли мансабдор шахсга топширилади, у ҳужжатнинг иккинчи нусхасига имзо қўяди.

Агар суднинг чақирув қоғозини ёки бошқа хабарномани келтирган шахс иш бўйича судга чақирилаётган фуқарони яшаш ёки иш ёҳуд ўқиш жойида топмаса, суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома ушбу фуқаро билан бирга яшайдиган катта ёшдаги оила аъзоларининг бирига, бўлмаган тақдирда эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёки иш берувчига (маъмуриятнинг мансабдор шахсига) ёҳуд ўқув муассасасига топширилади. Бундай ҳолларда суднинг чақирув қоғозини ёки бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс унинг иккинчи нусхасида ўзининг фамилияси, исми, отасининг исмини, шунингдек суднинг чақирув қоғози ёки бошқа хабарнома юборилган шахснинг кими эканлигини (эри ёки хотини, отаси, онаси, ўғли, қизи ва ҳоказо) ёки эгаллаб турган лавозимини кўрсатиши шарт. Суднинг чақирув қоғозини ёки бошқа хабарномани қабул қилиб олган шахс уни имконият бўлиши билан чақирилувчига дарҳол топшириши шарт.

Чақирилувчи вақтинча бирор жойга кетган бўлса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки иш берувчи (маъмуриятнинг мансабдор шахси) ёҳуд ўқув муассасаси суд чақирув қоғозининг ёки бошқа хабарноманинг иккинчи нусхасига чақирилувчи қаерга кетганлиги ва қачон келиши кутилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни қайд этади, бу маълумотлар тегишинча имзо ва мўҳр билан тасдиқланади ҳамда гувоҳлантирилади.

II БЎЛИМ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

3-КИЧИК БЎЛИМ. АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

29-БОБ. ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

298-модда. Ариза бериш

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истовчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар судларига беради.

299-модда. Аризанинг мазмуни

Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг (унинг) яшаш жойи;

фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган сана-си, унинг яшаш (турган) жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси тўғрисидаги, ака-ука ва опа-сингиллари борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги маълумотлар;

фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фарзандликка олиш тўғрисидаги илтимоси-ни асословчи ҳолатлар ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

фарзандликка олувчилар (олувчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзу-вига тегишли ўзгартиришлар киритишни истаган тақдирда — фарзандликка олинаётган бо-ланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йил-га), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола ўн ёшдан ошмаган бўл-са) ўзгартириш ҳақидаги, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзанд-ликка олувчиларни (олувчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақидаги илтимос.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза фарзандликка олувчилар (олувчи) томонидан имзоланади.

300-модда. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар

Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхаси;

эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда — бошқасининг розилиги. Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек бу ҳолатларни тас-диқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилин-майди;

никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда — фарзандликка олувчи пас-портнинг кўчирма нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий хуло-са (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркологиya муассасаларидан, шунингдек ОИТСга қарши кураш марказидан маълумотномалар);

фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳуж-жат, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 154-моддасининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари ҳақидаги маълумотнома;

турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлов-чи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фар-зандликка олиш тўғрисидаги аризасига ўшбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

фарзандликка олинаётган боланинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг розилиги;

фарзандликка олинаётган бола қонуний вакилининг ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувидан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олинишига, шунинг-дек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олув-

чиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Агар ушбу модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошида кўрсатилган ҳужжат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида берилган бўлса, легализация қилиниши ёки апостиль қўйилиши ҳамда таржима қилинган бўлиши тўғрисидаги талаблар ушбу ҳужжатга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат (бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётганда – ушбу шахслар қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, ўша давлат) ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақидаги ва фарзандликка олувчи бўла олиш имкониятлари тўғрисидаги ҳулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаши учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади.

Чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши керак. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар судга икки нусхада тақдим этилади.

301-модда. Ишни судда кўришга тайёрлаш

Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ажрим чиқаради, унга кўра фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олишнинг асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга ҳулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олишнинг асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳулосасига қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойи ёки фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш жойи бўйича васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тузилган фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномаси. Фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) яшаш шароитларини текшириш далолатномасида бошқа маълумотлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 152-моддасида назарда тутилган фарзандликка олиш учун тўсиқлар борлиги ёки йўқлиги кўрсатилиши шарт;

фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзуvidан кўчирма;

фарзандликка олинаётган боланинг соғлиғи ҳолати, жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳақидаги тиббий хулоса;

ўн ёшга тўлган фарзандликка олинаётган боланинг фарзандликка олишга, шунингдек фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилиши мумкинлигига ва фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) унинг ота-онаси (отаси ёки онаси) сифатида қайд этилишига розилиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 156-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

бола ота-онасининг (отасининг ёки онасининг) унинг фарзандликка олинишига розилиги, ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда эса ота-она қонуний вакилларининг ҳам розилиги, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

боланинг қариндошлари бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинганда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ва фарзандликка олишга номзодларни ҳисобга олиш бўйича маълумотлар базасида фарзандликка олинаётган бола тўғрисидаги маълумотлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари оиласига тарбияга олиш ёки боланинг қариндошлари томонидан, ушбу қариндошларнинг фуқаролиги ва яшаш жойидан қатъи назар, фарзандликка олиниши имконияти мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Бошқа давлат фуқароси бўлган болани ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган болани Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олишда васийлик ва ҳомийлик органининг фарзандликка олиш асосли эканлиги тўғрисидаги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги ҳақидаги хулосасига ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжат илова қилиниши керак.

Зарур бўлган ҳолларда, суд бошқа ҳужжатларни (маълумотларни) ҳам талаб қилиб олиши мумкин.

302-модда. Ишни кўриш чиқиш

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек прокурор албатта иштирок этган ҳолда кўриб чиқади.

Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда иштирок этишга жалб қилиши мумкин.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни суднинг ёпиқ мажлисида кўриб чиқади.

303-модда. Суднинг ҳал қилув қарори

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, фарзандликка олиш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарорида фарзандликка олинган боланинг туғилганлигини қайд этиш дафтарига ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) ҳақидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра, шунингдек агар фарзандликка олинаётган бола-

нинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорида фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатлари сақланиб қолиши кўрсатиб ўтилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг туғилганлигини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Суд фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирма нусхасини фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
1-боб. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг
уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари уй-жой муносабатларини тартибга солиш соҳасида:

фуқароларга уй-жой фондидан фойдаланишда ҳамда унинг сақланишини таъминлашда кўмаклашади;

коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар куриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**II БЎЛИМ. ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ
4-боб. ТУРАР ЖОЙ МУЛҚДОРИ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ, ИЖАРАГА
ВА АРЕНДАГА ОЛУВЧИЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШИ**

**32-модда. Мулкдор оила аъзоларининг, шунингдек у билан доимий
яшаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади. Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тарафлар келишуви билан белгиланади.

Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган оилали фарзандлари ва уларнинг эр-хотини, агар улар илгари бу ҳуқуққа эга бўлмаган бўлса, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзолари деб тан оилиниши мумкин.

Меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий хўжалик юритаётган ва унинг турар жойида рўйхатдан ўтган бўлсалар, унинг оила аъзоси деб топилишлари мумкин.

Мулкдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни, уларнинг ота-онаси бўлмаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билан бошқа шахсга бериш мумкин.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Хусусийлаштирилган квартирани ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳада қилиш ёки ижарага, арендага бериш квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзоларининг ва квартирани ёки уйни хусусийлаштириш учун розилик берган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади. Уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг вафотидан кейин очиладиган мерос таркибига кирмайди. Хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органлари ифодалайди.

Хусусийлаштирилган бир квартира ёки уйда турар жой мулкдорлари яшай олмайдиган ҳолда, суднинг қарорига биноан мулкдорлардан бири кўчирилиб, бошқасининг зиммасига квартира ёки уйнинг тегишли қисми учун кўчирилган мулкдорга суд ишни кўриб чиққан кундаги бозор баҳосида пулини тўлаш ёки унинг умумий мулкдаги улушига мос келадиган бошқа турар жойни сотиб олиб бериш мажбурияти юкланиши мумкин.

Уй ёки квартиранинг мулкдори, унинг оила аъзолари, у билан доимий яшаётган фуқаролар ва собиқ оила аъзоси ўртасидаги турар жойдан фойдаланиш ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

III БЎЛИМ. ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ

7-боб. МУНИЦИПАЛ, ИДОРАВИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ ВА АНИҚ МАҚСАДЛИ КОММУНАЛ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИНГ УЙЛАРИДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

51-модда. Ижарага олувчининг турар жойга оила аъзолари ва бошқа фуқароларни кўчириб киритиш ҳуқуқи

Ижарага олувчи белгиланган тартибда ижарага берувчининг розилиги билан оила аъзоларини, оиланинг вояга етган барча аъзоларининг берган ёзма розилигига биноан эса, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйидаги ижарага олинган турар жойга бошқа фуқароларни кўчириб киритишга ҳақлидир. Оиланинг вояга етмаган аъзоларини кўчириб киритиш учун бундай розилик талаб этилмайди.

Турар жойга бошқа шахсларни кўчириб киритишга қонунчиликнинг ҳар бир кишига мўлжалланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси тўғрисидаги талабларига риоя этилган ҳолда йўл қўйилади, вояга етмаган болаларни ва меҳнатга қобилиятсиз ёлғиз ота-оналарни кўчириб киритиш ҳоллари бундан мустасно.

Турар жойга ижарага олувчининг оила аъзоси сифатида кўчиб келган ва ижара шартномасига киритилган фуқаролар, агар улар кўчиб кираётганда бу шахслар, ижарага олувчи ва у билан бирга яшовчи оила аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида бошқача келишув тузилмаган бўлса, бошқа оила аъзолари билан турар жойдан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Ижарага олувчининг турар жойига васий ёки ҳомий сифатида кўчиб кирган фуқаролар, шунингдек ижара шартномасига киритилмаган бошқа шахслар бу турар жойга нисбатан мустақил ҳуқуққа эга бўлмайдилар.

IV БЎЛИМ. ХИЗМАТ ВА МАХСУС ТУРАР ЖОЙЛАРНИ БЕРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ **8-боб. ХИЗМАТ ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ БЕРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

80-модда. Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан кўчириш

Бошқа турар жой берган ҳолда хизмат турар жойларидан қуйидагилар кўчириладилар:
I ва II гуруҳ ногиронлари;

1941–1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар;

ҳарбий хизматни ўтаётганида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари;

ногирон фарзандлари бўлган оилалар;

тарбиячи-ота-оналар, оилавий болалар уйи тугатилган тақдирда;

хизмат турар жойи берган ташкилотларда камида ўн йил ишлаган (хизмат қилган) шахслар;

эгаллаб турган лавозими муносабати билан турар жой берилган бўлиб, лавозимидан бўшаган, лекин турар жойни берган корхона, муассаса, ташкилот билан меҳнат муносабатларини узмаган шахслар;

ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгариши ёхуд корхона, муассаса, ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар;

ўзи ишлаган корхона, муассаса, ташкилотдан пенсияга чиққан ходимлар;

хизмат турар жойи берилган шахс вафот этганда унинг оила аъзолари;

вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаётган ёлғиз шахслар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатиб ўтилган фуқароларга шу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳамда ушбу аҳоли пункти чегараси доирасида бўлган турар жой берилади.

9-бoб. МАХСУС УЙЛАРДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

84-мoддa. Махсус мақсадли уйлардан турар жойлар бериш

Ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлардан, болалар уйларида ҳамда бошқа махсус мақсадли уйлардан, уларни тузган орган қарорига биноан турар жойлар берилади.

VII БЎЛИМ. ТУРАР ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ

12-бoб. ТУРАР ЖОЙНИ АЛМАШТИРИШ ВА АЙИРБОШЛАШ

106-мoддa. Турар жойни алмаштириш

Ижарага олувчилар, пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзолари ёхуд уларнинг оила аъзолари, шунингдек турар жойнинг умумий мулки иштирокчилари ўз улушларига тўғри келадиган уй-жой майдонининг қисмини бошқа турар жойнинг ижарага олувчилари, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ёхуд уларнинг оила аъзолари билан алмаштиришга ҳақлидирлар, алмаштириш оқибатида кўчиб кираётганлар бу жойда яшаш учун қолаётганларнинг оила аъзоси сифатида ёхуд умумий мулк иштирокчилари сифатида кўчиб киришлари керак.

Турар жойларни алмаштириш унинг иштирокчилари сони чекланмаган ҳолда амалга оширилади.

Турар жойларни алмаштириш ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзаро ўтказиш тарзида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорига биноан амалга оширилади.

Турар жойларни алмаштириш айнан бир уйдаги ёки турли уйлардаги турар жойларда, шу жумладан турли аҳоли пунктларида жойлашган турар жойларда яшаётган фуқаролар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Муниципал, идоровий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойни ижарага олувчи ва уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативларининг аъзолари ўзлари билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларининг, шу жумладан улар билан доимий яшаётган, вақтинча бўлмаган фуқароларнинг ёзма розилигига биноан эгаллаб турган турар жойини қонунчиликда белгиланган тартибда алмаштиришга ҳақлидирлар. Бунда вояга етмаган оила аъзоларининг розилиги ота-оналари томонидан, улар бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан тасдиқланади.

Корхона, муассаса, ташкилотларнинг уйлари, квартираларидаги турар жойларни фақат уларнинг розилиги билан алмаштиришга йўл қўйилади. Алмаштиришга розилик берилмаганлиги устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойнинг ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойни фақат шу уй-жой фондининг турар жойида яшовчи ижарага олувчи билан алмаштириши мумкин.

107-модда. Оила аъзоларининг розилиги бўлмаган тақдирда турар жойни алмаштириш

Агар турар жойнинг мулкдори ва унинг вояга етган оила аъзолари, ижарага олувчи ва унинг вояга етган оила аъзолари ҳамда у билан доимий яшаётган фуқаролар, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган унинг оила аъзолари ўртасида турар жойни алмаштириш тўғрисида келишувга эришилмаган бўлса, улардан ҳар бири эгаллаб турган турар жойини турли уйлар, квартиралардаги турар жойларга мажбуран алмаштиришни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Бунда алмаштириладиган турар жойда яшаётган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинади.

Суд турар жойни мажбуран алмаштириш тўғрисида қарор чиқарганда турар жойга бўлган ҳуқуқдаги улушларнинг тенглигидан келиб чиқади, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

агар мулкдор ва унинг вояга етган оила аъзолари ўртасида турар жойдан фойдаланиш тартиби тўғрисида ушбу турар жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларнинг тенг эмаслигини назарда тутувчи келишувга эришилган бўлса;

уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ва унинг оила аъзоларининг пай жамғармасига бўлган ҳуқуқлари тенг бўлмаса;

турар жойга умумий мулк ҳуқуқида мулкдорларнинг улушлари тенг бўлмаса.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
СОЛИҚ КОДЕКСИ**

(Кўчирма)

**МАХСУС ҚИСМ
XIII БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ
53-БОБ. ЖАМИ ДАРОМАД**

371-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган ходимларга ҳисобланадиган ҳамда тўланадиган қуйидаги барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлардан, тариф ставкаларидан ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган, ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

ушбу Кодекснинг 372-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

ушбу Кодекснинг 373-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

ушбу Кодекснинг 374-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;

ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳақ ҳисобланган бошқа тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган, тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар мустасно);

юримдик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юримдик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг, ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идоралар ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

372-модда. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

1) йиллик иш якунлари бўйича пул мукофоти;

2) юримдик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги низомида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;

4) таътилга қўшимча ҳақлар ҳамда ушбу Кодекс 377-моддасининг 10-бандида кўрсатилмаган моддий ёрдам;

5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

6) рационализаторлик таклифи учун тўлов;

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

373-модда. Компенсация тўловлари (компенсация)

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар). Бунда юридик шахслар ходимларининг чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммасини аниқлаш ҳисоблаш санасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдорида белгиланади;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар;

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларнинг вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

6) иш берувчи жойлашган ердан (йиғилиш пунктдан) ишлаш жойигача бориш ва у ердан қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган ҳолда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси ёки маош миқдорида тўланадиган суммалар;

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонунчиликда белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

9) хизмат сафарлари вақтида қонунчиликда белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

10) ишлар вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат сафарлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонунчиликда белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 369-моддаси иккинчи қисмининг 10-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

374-модда. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш жумласига қуйидагилар киради:

1) қонунчиликка мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътил учун тўлов, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлови;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шaroитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шaroитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътил учун тўлов;

в) ўқиш билан боғлиқ таътил ва ижодий таътиллار учун тўлов;

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор хотин-қизларга берилган қўшимча таътил учун тўлов;

2) асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

3) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун тўлов;

4) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга тўлов;

5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

6) маълум муддатга аввалги иш жойи бўйича лавозим маоши миқдори сақлаб қолинган ҳолда бошқа юридик шахслардан ишга жойлаштирилган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турган ходимларга маошдаги фарқ тўлови;

7) ходимларга кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун тўлов;

9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча тўлов;

10) қонунчиликка мувофиқ ёки иш берувчининг қарори билан мажбурий прогул вақти учун ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун тўлов;

11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун тўлов;

12) асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига тўлов;

13) иш берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

14) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун иш берувчи ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

377-модда. Бошқа даромадлар

Солиқ тўловчининг бошқа даромадларига қуйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

2) ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, баликларни ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан, ипак қўртини, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

3) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳады шартномалари бўйича) олинган мол-мулкнинг, мулкӣ ҳуқуқларнинг қиймати;

4) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

5) ютуқлар;

6) грант берувчидан олинган грантларнинг, шу жумладан чет давлатлар грантларининг суммалари;

7) солиқ тўловчиларнинг яратилган илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун олган даромадлари;

8) халқаро спорт мусобақаларидаги совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

9) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

10) қуйидагича кўрсатиладиган моддий ёрдам:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга кўрсатиладиган;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлиги билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган;

бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан кўрсатиладиган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзида кўрсатиладиган моддий ёрдам;

11) ишламайдиган пенсионерларга солиқ агенти томонидан тўланадиган тўловлар;

12) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пуллик тўловлар;

13) ушбу Кодекснинг VI бўлимида белгиланган ҳолларда ва тартибда нархларга тузатиш киритиш тўғрисида олинган даромад;

14) ушбу Кодекснинг 300-моддасида назарда тутилган тартибда аниқланадиган талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад;

15) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 371–376-моддаларида кўрсатилмаган бошқа даромадлари.

54-боб. СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

378-модда. Солиқ солинмайдиган даромадлар

Қуйидаги даромад турларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

ушбу Кодекснинг 377-моддасида кўрсатилган бошқа ҳолларда, – солиқ даври учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваригача миқдорда;

2) солиқ агенти томонидан қуйидаги йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, бундан туристик йўлланмалар мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронлиги бўлган шахсларга, шу жумладан ушбу иш берувчида ишламайдиган ногиронлиги бўлган шахсларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек санаторий-курорт ҳамда соғломлаштириш муассасала-

рига ўз ходимларининг ўн олти ёшгача болалари (ўқийдиганларга – ўн саккиз ёшгача) учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек иш берувчининг даволашга ҳамда тиббий хизмат кўрсатишга, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун иш берувчилар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида эса – унинг оила аъзоларига, ота-онасига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, бу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга ошириляётган бўлса;

6) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

7) солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олиннадиган даромадлар, бундан қуйидагиларни сотишдан олинган даромадлар мустасно:

қимматли қоғозларни (бундан фонд биржасида реализация қилинадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар мустасно), юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

нотурар жойларни;

ўттиз олти календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни;

8) уй ҳўжалигида, шу жўмладан деҳқон ҳўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар ва ҳоказоларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан (бундан саноатда қайта ишлаш мустасно) чорвачилик, асаричилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олиннадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно;

9) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

10) иш берувчидан солиқ даври мобайнида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,11 бараваригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур иш берувчининг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

11) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳада тартибида, шунингдек текинга олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан қуйидагилар мустасно:

илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ҳамда санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари;

яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қимматли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушлар;

12) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

13) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ва ютуқлар;

14) нодавлат нотижорат ташкилотларидан, халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грантнинг суммаси;

15) солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (ҳаёт суғуртаси соҳасининг барча тоифаларида) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми, қуйидаги шартларда:

суғурта бадаллари ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ойдан сўнг олинганда. Суғурталанган шахснинг муайян ёшгача яшаши ёки ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномасида кўрсатилган муддатдан бошқача тарздаги суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда, суғурта суммаси ушбу кўрсатилган шартларга амал қилмаган ҳолда тўланиши мумкин;

шартнома бўйича суғурта даври бошланиш санасидан камида 12 ойдан сўнг рента (аннуитет) олинганда ва рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда;

рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда, бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган вақтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш санасига ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рентанинг (аннуитетнинг) тўрт бараваридан кам бўлмаганда.

Мазкур банднинг шартлари бузилганда ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда ва суғуртачи суғурта бадалини тўлиқ ёки қисман қайтарганда, қайтарилган суғурта бадали суғуртачи томонидан солиққа тортилади.

16) солиқ тўловчининг қуйидагиларга йўналтириладиган, солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадлари:

Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов. Мазкур имтиёз солиқ тўловчининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тижорат банклари томонидан ажратилган таълим кредитларига (фоизлари билан) қоплашга йўналтирилган даромадларига нисбатан ҳам қўлланилади;

солиқ базасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда, меценатлик кўмагини кўрсатиш;

олинган ипотека кредитларини ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмгача бўлган миқдорда қоплашга, башарти яқка тартибдаги уй-жойнинг ёки кўп қаватли уйдаги хонадоннинг қиймати уч юз миллион сўмдан ошмаса ҳамда у дастлабки бадалнинг ва (ёки) ипотека кредити бўйича фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун бюджетдан ажратилган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда олинган бўлса.

Мазкур имтиёз қарз олувчига ва бирга қарз олувчиларга, имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган барча солиқ тўловчиларга берилган, солиқ солиниши лозим бўлган даромадларни камайтириш суммаси солиқ даври давомида жами ўн беш миллион сўмдан ошмаган тақдирда, татбиқ этилади. Бунда ёш оила бўлган эр-хотиннинг олган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни тўлашга йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадларига нисбатан солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёшга тўлгунига қадар, ушбу хатбошида квартираларнинг қиймати ва бюджетдан ажратилган субсидиялар бўйича белгиланган шартлар инobatга олинмаган ҳолда қўлланилади;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги ихтиёрий равишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига;

17) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар бу улушларни, пайларни ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

Юридик шахс ташкил этмаган чет эл тузилмасига нисбатан ёки қайси чет эл юридик шахси учун рўйхатдан ўтиш мамлакатининг қонунчилигига мувофиқ капиталда иштирок этиш назарда тутилмаган бўлса, ўша чет эл юридик шахсига нисбатан назорат қилиш ҳуқуқи, агар бундай ҳуқуқлар уларни бир оиланинг аъзолари ва (ёки) яқин қариндошлар бўлган шахслар ўртасида ўтказиш натижасида олинган бўлса, даромад олиш ёки даромадни тасарруф этиш ҳуқуқининг юзага келиши деб эътироф этилмайди;

18) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган солиқ тўловчиларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари;

19) солиқ тўловчи бўлган қимматбаҳо металллар қидирувчиларнинг қонунчилигида белгиланган тартибда қазиб олиш йўли билан эга бўлган қимматбаҳо металлларни реализация қилишдан олган даромадлари;

191) солиқ тўловчининг уй-жойларни талабаларга ижарага беришдан олинган даромадлари;

20) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар, шунингдек пул маблағлари тарзидаги ёрдамнинг бошқа турлари, бироқ солиқ даври мобайнида ўн беш миллион сўмдан ошмаган ҳолда;

21) солиқ тўловчининг солиқ даври давомида қуйидагиларни тўлаш учун йўналтириладиган, базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз бараваригача бўлган миқдордаги иш ҳақи суммалари ва бошқа даромадлари:

халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини, тегишли халқаро ташкилот аъзоси сифатида бундай бадалларнинг тўланганлиги тўғрисида ҳужжат мавжуд бўлганда;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун нодавлат таълим ташкилотларига тўловларни, курсни тугатганлик тўғрисида шундай ташкилотлар томонидан берилган ҳужжат мавжуд бўлганда.

379-модда. Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод этиш

Қуйидагиларнинг даромадларига солиқ солинмайди:

1) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинadиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари,

агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) чет давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса – ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларининг мансабдор шахслари – агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича.

380-модда. Айрим тоифадаги солиқ тўловчиларнинг жами даромадини камайтириш

Қуйидаги солиқ тўловчилар қисман (даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) солиқ солишдан озод этилади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шўҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Бу имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган ва доираси қонунчилигида белгиланадиган шахслар. Бу имтиёз уруш ногиронининг (иштирокчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (иштирокчиларга) ногироннинг (иштирокчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

3) болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Бу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси

Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва бошқа ҳарбий хизмат назарда тутилган идораларнинг томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тўзумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

5) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Бу имтиёз ҳар бир бола учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

6) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ҳамда боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Бу имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

7) болагидан ногиронлиги бўлган шахс, доимий парваришни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки она. Бу имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу моддада назарда тутилган солиқ имтиёзлари тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган тақдирда, солиқ имтиёзи унга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар солиқ тўловчи ушбу моддада назарда тутилган бир нечта асос бўйича солиқ имтиёзига доир ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта солиқ имтиёзи берилади.

Солиқ имтиёзини қўллаш солиқ тўловчининг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи мавжуд бўлмаган тақдирда эса – яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Солиқ имтиёзига бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, солиқ тўловчи имтиёзга бўлган ҳуқуқни йўқотган пайтидан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган солиқ имтиёзлари солиқ тўловчининг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, солиқ имтиёзини қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади. Агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, солиқ имтиёзи жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида солиқ тўловчининг яшаш жойидаги солиқ органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛОВ КОДЕКСИ

(Кўчирма)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) сайлаш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

5-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

13-БОБ. ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

70-модда. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар депутатликка бир юз эллик нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ваколатлидир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади.

Хотин-қизларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

Сиёсий партиялар ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисида баённома тuzилади.

15-БОБ. МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВNING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

91-модда. Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугалланади.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар тегишли ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига биттадан номзод кўрсатишга ваколатлидир.

Бир шахс тегишли маҳаллий Кенгашга сайлов ўтказиш бўйича фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади.

Хотин-қизларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши керак.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4-модда. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисиди ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилиниши, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз органлари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фармонлар тарзида қабул қилинади ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублик

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

а) 1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс;

б) Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёхуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат тугагандан кейин бир йил ичида Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ўтган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса;

в) ушбу Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлган шахс;

г) ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахс.

Ушбу модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш факти доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш чоғида, ушбу модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғлиқ ҳолатлар бошланган пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатлари қўлланилади.

8-модда. Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Никоҳнинг бекор қилиниши ушбу никоҳда туғилган ёки никоҳ бекор қилингунига қадар фарзандликка олинган боланинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Хорижда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлиги остида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлатнинг қонунчилигида, Ўзбекистон Республикаси ва чет давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ўзига берилган барча ҳуқуқлардан, халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормаларидан, халқаро урф-одатлардан тўлақонли фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун чоралар кўриши шарт. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (бундан буён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқаролигини йўқотганлик тўғрисидаги қарори қабул қилингунига қадар бир вақтнинг ўзида чет давлат фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ёки жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмас.

2-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш асослари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

туғилганлик бўйича;

бола фарзандликка олинганда;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам олиниши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини туғилганлик бўйича олиш

Бола ўзининг туғилган жойидан қатъи назар, агар туғилган пайтида:

а) ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлса;

б) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ёки бедарак йўқолган деб топилган ёхуд унинг турган жойи номаълум бўлса;

в) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлса, туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Ушбу модда биринчи қисмининг «в» бандида назарда тутилган ҳолда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ота-онасининг ёхуд бошқа қонуний вакилларининг илтимосномасига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган, ота-онаси номаълум бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.

Отаси ёхуд онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болага оталик ёхуд оналик белгиланган ёки тан олинган тақдирда, бола, туғилган жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

15-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган боланинг

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) у туғилган пайтда чет давлат фуқаролари бўлган ёхуд ота-онасидан бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олмайди.

16-модда. Бола фарзандликка олинганда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола фарзандликка олувчиларнинг ўзаро келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

3-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНИ ТИКЛАШ

18-мoддa. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш турлари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш:

умумий тартибда;
содалаштирилган тартибда;
алоҳида тартибда амалга оширилади.

19-мoддa. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартиби чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у:

а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса;

б) фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан муражаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса;

в) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса;

г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган шарт Ўзбекистон Республикасида туғилган ва яшаб келаётган ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тузилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз уч йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда, агар фуқаролиги бўлмаган шахс бир йил ичида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жами бир юз саксон уч кундан ортиқ бўлмаган муддатга чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшалган муддат узлуксиз деб ҳисобланади.

5-бoб. ОТА-ОНАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАН ТАҚДИРДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

32-мoддa. Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда боланинг фуқаролиги ўзгариши

Агар ўн тўрт ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олса ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқса, ушбу боланинг фуқаролиги ўзгариши мумкин.

Ота-она (ёлғиз ота ёки она) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ўзгартирганда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган боланинг фуқаролиги, башарти бола фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолмаса, ўзгариши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онасининг фуқаролиги ўзгарганда, боланинг фуқаролиги ўзгармайди. Боланинг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ота-онасининг розилиги талаб қилинмайди.

34-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра, туғилган жойидан қатъи назар, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси бўлиб қолаверса, ўн тўрт ёшга тўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ва доимий яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиши мумкин.

35-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган бўлса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган отасининг ёки онасининг илтимосномасига кўра, болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолган отасининг ёки онасининг ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ногиронлик белгисига кўра камситиш – мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш;

ногиронлиги бўлган болалар (бола) – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш – ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари – ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиш имкониятларини таъминлаш мақсадида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари;

протез-ортопедия мосламалари – йўқ бўлган қўл-оёқларнинг ёки тана бошқа қисмларининг ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламалар;

сурдотаржима – бирор-бир тилдан дактил алифбоси ёрдамида ва (ёки) имо-ишора тилида таржима қилиш усули;

сурдотехника воситалари – эшитишдаги нуқсонларни тузатиш ва компенсация қилиш учун техник воситалар, шу жумладан алоқани ва ахборот узатишни кучайтирувчи воситалар;

тиббий-ижтимоий экспертиза – текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмнинг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш;

тифлотехника воситалари – ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўришидаги нуқсони на-
тижасида йўқолган имкониятларини тиклаш ва компенсация қилишга қаратилган восита-
лар;

шахс ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги – шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатла-
ниш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз ҳулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек ўқиш
ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўлиқ ёхуд қисман
йўқотганлиги.

4-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий принциплари
қуйидагилардан иборат:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш
эркинлигини ҳурмат қилиш;

ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик;

инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги;

ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллиги-
ни сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

объектлар ва хизматларнинг қулайлиги;

ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлатнинг ҳаётига жалб этиш.

5-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қимматини, уларнинг мустақиллигини, танлаш
эркинлигини ҳурмат қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва улар оилаларининг ҳуқуқ
ва эркинликларини бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳимоя қилиш ҳамда амалга оши-
риш кафолатларини белгилаш орқали таъминланади.

6-модда. Ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, чет-
латиш, чеклаш ёки афзал кўриш, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва
хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратишни рад этиш тақиқланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун имкониятлар тенглигини таъминлашга ҳамда улар-
ни жамият ва давлат ҳаётига жалб этишга қаратилган махсус чоралар бошқа фуқароларга
нисбатан камситувчи чоралар ҳисобланмайди.

7-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имко-
ниятлар тенглиги улар учун объектлар ҳамда хизматлардан, ижтимоий, иқтисодий ва ма-
даний соҳалардан, соғлиқни сақлашдан, таълимдан, ишга жойлашишдан, шунингдек ахбо-
ротдан ва алоқа воситаларидан фойдаланиш кафолатларини яратишга ҳамда улардан тенг
равишда фойдаланиш имкониятларини беришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш
йўли билан таъминланади.

8-модда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принципи

Ногиронлиги бўлган болалар бошқа болалар билан тенг равишда инсоннинг барча
ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, меҳнатга бўлган қизиқишига кўмаклашиш, таълимга, илм-фанга, техникага, санъат ва спортга жалб этиш мақсадида ногиронлиги бўлган болалар манфаатларининг устунлиги уларга нисбатан бажариладиган барча ҳаракатларда устувор ҳисобланади.

9-модда. Объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципи

Объектлар ва хизматларнинг қулайлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг бинолардан, иншоотлардан, транспортдан, ахборотдан ва алоқа воситаларидан, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шунингдек бошқа объектлардан ва аҳолига кўрсатиладиган хизматлардан ўзга фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан таъминланади.

Шаҳарларни, бошқа аҳоли пунктларини режалаштиришга ва қуришга, турар жой ва рекреация зоналарини шакллантиришга, янги қурилиш учун мўлжалланган лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, биноларни, иншоотларни ва уларнинг мажмуаларини реконструкция қилишга, шунингдек умумий фойдаланишдаги транспорт воситаларини, ахборотни ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқишга ва ишлаб чиқаришга мазкур объектларни ногиронлиги бўлган шахсларнинг улардан монеликсиз фойдаланиши учун мослаштирмасдан йўл қўйилмайди.

10-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш принципи

Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этиш уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишини ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда чекловларнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймаслик орқали амалга оширилади.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётига жалб этишни таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

3-БОБ. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ҲАЁТИДА ТҶАЛБ ҚЎЛУҚЛИ ТАРЗДА ИШТИРОК ЭТИШИ УЧУН ҚЎЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ

22-модда. Уй-жойга бўлган ҳуқуқ

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурларидан ва махсус дастурлардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга уй-жойни қулай нархлар бўйича олиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни таъминлайди.

Уй-жойга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ногиронлиги бўлган шахсларни ҳисобга олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан уй-жой олишга ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш рўйхатларини шакллантириш чоғида ногиронлиги бўлган шахслар ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар алоҳида рўйхатга киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурлари ва махсус дастурлар доирасида имтиёзли шартлар асосида уй-жой ва имтиёзли ипотека кредити олиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга яқка тартибда уй-жой қуриш, ёрдамчи хўжаликни, дала ҳовли хўжалигини ва боғдорчиликни юритиш учун имтиёзли шартлар асосида ер участкалари олиш ҳуқуқи берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга уй-жойни тақсимлашда имкониятга қараб, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига риоя этилган ҳолда, иш жойига, тиббиёт ва реабилитация муассасаларига яқин бўлган уй-жой берилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга давлат уй-жой фондининг кўп квартирали уйларидаги турар жойлар уларнинг хоҳишига кўра пастки қаватлардан берилиши мумкин. Юқори қаватлардаги квартираларга эга бўлган ногиронлиги бўлган шахслар бўш турар жойлар мавжуд бўлган тақдирда уларни пастки қаватларда жойлашган турар жойларга алмаштиришга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ёки ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларга бериладиган турар жойлар объектлар ва хизматларнинг қулайлиги принципига мувофиқ бўлиши керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар эгаллаб турган турар жойлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши ва фойдаланиши учун махсус воситалар ҳамда мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Мазкур турар жойларни жиҳозлаш маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар имтиёзли шартлар асосида ижтимоий уй-жой олиш ҳуқуқига эга.

6-БОБ. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШИ, УШБУ ШАХСЛАРНИ КАСБГА ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

38-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқи

Ногиронлиги бўлган шахслар барча даражалардаги таълим ташкилотларида таълим олиш ва ўз қобилиятини янада тўлиқроқ ривожлантириш учун бутун умри давомида таълим олиш ҳамда жамият ва давлат ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг инклюзив таълимини ривожлантиришни, уларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарликдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини кафолатлайди.

Таълим ташкилотлари давлат органлари билан биргаликда ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача, мактабдан ташқари ва умумий ўрта таълим олишини, шунингдек ўрта махсус, профессионал, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълими олишини таъминлайди.

Агар ногиронлиги бўлган болаларни таълим муассасаларида ўқитишнинг вақтинча имкони бўлмаса, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг соҳага оид шифокорлар тавсиялари асосида ҳамда ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан уйда ўқитилишини таъминлайди.

Ногиронлиги бўлган болаларни уйда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ногиронлиги бўлган болаларнинг бепул умумий ўрта, мактабдан ташқари, ўрта махсус ва профессионал таълим олишини кафолатлайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларни тўловдан озод қилган ҳолда ёки имтиёзли шартлар асосида махсус ўқув қўлланмалари ва адабиётлар, шунингдек сурдотаржимонлар хизматларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахсларни (болаларни) ўқитганлик учун тўлов бўйича имтиёзлар белгилашга ҳақли.

Ногиронлиги бўлган шахсларга таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турли шаклларда, шу жумладан ишлаб чиқаришдан

ажралган ва ажралмаган ҳолда, экстернат шаклида, шунингдек масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда, умумий типдаги таълим муассасаларида ва ташкилотларида, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, уйда, махсус гуруҳларда, синфларда ва яқка тартибдаги ўқув режалари бўйича ўқитиш йўли билан амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган болаларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни шакллантириш, меҳнатга иштиёқ уйғотиш, уларни илм-фанга, техникага, санъатга ва спортга жалб этиш мақсадида таълим муассасалари ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, давлат органлари билан биргаликда таъминлаши шарт.

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахслараро муомала воситаси сифатида этироф этилади.

Давлат органлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар бири учун мосроқ бўлган тилларни, мулоқот қилиш усуллари ва воситаларини ривожлантириш, Брайль алифбосини, муқобил ҳарфларни, нутқ ва оғзаки муомала кўникмаларини ўзлаштириш, шунингдек ўқитувчиларни ва мактаб ходимларини инклюзив таълим масалаларида ўқитиш, имо-ишора тилини ва Брайль алифбосини биладиган ногиронлиги бўлган ўқитувчиларни таълим муассасаларига ишга жойлаштириш ёрдамида ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим тизimini такомиллаштириш чораларини кўради.

39-модда. Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими

Ногиронлиги бўлган болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги ногиронлиги бўлган болаларга нисбатан зарур реабилитация ва абилитация қилиш чоралари амалга оширилади ҳамда уларнинг мактабгача таълим ташкилотларида бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Соғлиғининг ҳолати мактабгача таълим муассасаларида бўлишни вақтинча истисно этадиган ногиронлиги бўлган болалар учун кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида илғор услубиётларни ўз ичига оладиган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини амалга ошириш таъминланади.

40-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, мактабдан ташқари, олий ва олий таълимдан кейинги таълими

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус таълими, профессионал таълими таълим муассасаларида ва ташкилотларида, зарурият бўлганда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мактабдан ташқари таълими болалар, ўсмирлар ижодиёт саройлари, уйлари, клублари ва марказларида, «Баркамол авлод» болалар мактабида, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида, студияларда, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасаларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълими олий таълим муассасаларида ва ташкилотларида амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг олий таълимдан кейинги таълими олий таълим ва илмий ташкилотларда олиниши мумкин.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация муассасаларида даволаш курсини ўтаётган ногиронлиги бўлган болалар учун мазкур муассасаларда ўқув машғулоти ташкил этилади.

Профессионал таълим олиш учун махсус шарт-шароитларга муҳтож ногиронлиги бўлган шахслар учун турли типдаги ва хилдаги ихтисослаштирилган профессионал таълим муассасалари ташкил этилади. Уларда ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида абитуриентларни қабул қилиш умумий сонининг икки фоизи миқдорида қўшимча қабул квотаси ажратилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча квота асосида олий таълим муассасаларига қабул қилиш кириш имтиҳонлари натижалари бўйича амалга оширилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилган қўшимча квоталар бўйича ўқишга қабул қилинмаган абитуриентлар тўплаган баллари билан таълимнинг ушбу йўналиши бўйича танловда умумий асосларда иштирок этади.

41-модда. Ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ногиронлиги бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида ва ташкилотларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари корхоналарида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ таъминланади.

Давлат касбга тайёрлаш (шу жумладан касбга ташхис қўйиш ва йўналтириш, шакллантириш ва реабилитация қилиш), тарбиялаш, ўқитиш ва такомиллаштириш даврида дидактик ҳамда йўриқномавий материал, шу жумладан кўзи ожизлар учун материаллар (Брайль алифбоси), кўриш қобилияти заиф бўлганлар учун овозли вариантдаги ҳарфлар, овозли адабиёт, шу жумладан гуруҳларда ўқитиш учун ёрдамчи овоз тизимлари, эшитиш қобилияти заиф бўлганлар учун мимика ва имо-ишора тилига таржима билан таъминланишини кафолатлайди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан енгил автомобилларни бошқариш учун яроқли деб эътироф этилган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Кар ва кар-соқов шахсларни ҳайдовчиликка тайёрлаш умумий ўқув дастури асосида сурдотаржима билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

2-БОБ. АҲОЛИ БАНДЛИГИ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

6-модда. Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш, шу жумладан иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳамда иш қидираётган шахсларни ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга доир давлат буюртмасини шакллантириш орқали кўмаклашиш;

ишсиз шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ишсизликни камайтириш чораларини кўриш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

ёшларни, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларни, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотлари, касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, техникумлар, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш;

аҳоли бандлиги соҳасида замонавий касбий стандартларни жорий этиш, меҳнатни нормалаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини такомиллаштириш;

аҳоли бандлиги соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятларни таъминлаш;

ишга жойлаштириш жараёнларига илғор ахборот технологияларини жорий этиш, аҳолининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича хизматлар бозорида замонавий инфратузилмани ва рақобат муҳитини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлашишида кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

9-БОБ. АҲОЛИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БҲЙИЧА КАФОЛАТЛАР

38-модда. Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатлар

Давлат аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари жумласига қуйидагилар киради:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек кўп болали оилаларнинг ота-оналарига;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга эга бўлган ёшлар;

«Меҳрибонлик» уйларининг битирувчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг қўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахслар;

пенсияолди ёшидаги шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар;

одам савдосидан жабрланганлар;

қонунчиликка мувофиқ бошқа шахслар.

Иш берувчи ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, захирага қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун қонунчиликда белгиланган тартибда маҳаллий меҳнат органлари ва бошқа органлар томонидан юбориладиган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этган иш берувчи ва у ваколат берган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринларини, ихтисослаштирилган ташкилотларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланиш асосидаги ташкилотларни ташкил этиш, ўқитишнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш, ташкилотларга иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш йўли билан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа чоралар орқали таъминланади.

10-боб. ШАХСЛАРНИ ИШСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ

49-модда. Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар

Башарти ходим билан тузилган меҳнат шартномаси:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги;

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги ёхуд ташкилот тугатилганлиги;

ходим бажараётган ишига малакаси етарли эмаслиги оқибатида ёки соғлиғининг ҳолатига кўра нолайиқлиги;

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга қайта тикланиши муносабати билан бекор қилинса, ходимларнинг иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга сақланиб қолади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар мулкдор ўзгарганлиги сабабли тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтерга нисбатан, ташкилотда бош бухгалтер лавозими бўлмаганда эса – бош бухгалтер вазибаларини бажарувчи ходимга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўттиз календарь кун ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтса, улар маҳаллий меҳнат органи томонидан берилган маълумотнома бўйича учинчи ой учун ҳам аввалги иш жойидан ўртача ойлик иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ходимларга уч ойлик давр тугагач мақбул келадиган иш топиб берилмаган тақдирда, улар ишсиз шахслар деб эътироф этилади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ўттиз календарь кун ичида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда касби бўйича қайта ўқитилаётган ёки малакасини ошираётган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида стипендия тўланади.

Маҳаллий меҳнат органи ташкилотларнинг бошқа ташкилотларда ишдан бўшатишга, ишга қабул қилинган шахсларнинг ўқишини ташкил этишга доир харажатларини тўлиқ ёки қисман компенсация қилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ёки ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра касб касаллигига учраш натижасида ишдан маҳрум бўлган ҳамда ишга жойлашишга ва касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ёки малакасини оширишга муҳтож бўлган шахслар бўшатишга ходимларга тенглаштирилади.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги ёхуд ташкилот тугатилганлиги муносабати билан бўшатишга, ишсиз деб эътироф этилган, қонунчиликка мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонунчиликда белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил аввал) пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

I боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2-модда. Давлат пенсияларининг турлари

Ушбу Қонун билан давлат пенсияларининг қуйидаги турлари белгиланади:

ёшга доир пенсия;

ногиронлик пенсияси;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

II боб. ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР

7-модда. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

хотин-қизлар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

9-модда. Имтиёзли шартлардаги пенсиялар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар ҳам эга.

10-модда. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар – башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

б) бевосита ер ости ва очиқ кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар – башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоровий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва хотин-қизлар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учиш ишларидан бўшатилган тақдирда, белгиланган хизмат муддатини – эркаклар камида 20 йил ва хотин-қизлар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари: ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм); ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм); ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари – иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

11-модда. Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ер ости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

хотин-қизлар – иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 оyi кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва хотин-қизларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда – эркаклар камида 5 йил, хотин-қизлар камида 3 йил 9 ой – ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

б) цирklar ва концерт ташилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

12-модда. Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар – иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 оyi кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

хотин-қизлар – иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда – эркаклар камида 6 йилу 3 ой, хотин-қизлар камида 5 йил – ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 оyi учун ва хотин-қизларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

з) болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса – иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади;

к) ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, “Меҳрибонлик” уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари – махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари – махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм);

м) қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ижтимоий ходимлар (3-сонли рўйхат, IX қисм):

эркаклар – махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

хотин-қизлар – махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

121-модда. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи

Ушбу Қонун 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган хотин-қизлар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

13-модда. Лилипутлар ва паканаларга пенсиялар

Ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паканалар:

эркаклар – иш стажи камида 20 йил бўлганда;

хотин-қизлар – иш стажи камида 15 йил бўлганда эга бўладилар.

14-модда. Ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

хотин-қизлар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

III боб. НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

17-модда. Пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажи

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стажи
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

IV боб. БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯЛАРИ

19-модда. Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзолари

Вафот этган боқувчининг қарамоғида (20-модда) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда фарзандларга ва ушбу модданинг «в» бандида кўрсатиб ўтилган шахсларга пенсия улар боқувчининг қарамоғида турган-турмаганидан қатъи назар тайинланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки 18 ёшдан катта бўлса, агар улар 18 ёшга тўлгунга қадар ногиронлиги бор бола бўлиб қолган бўлса. Бунда башарти, агар ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр(хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви-агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

20-модда. Қарамоқда деб ҳисобланувчи оила аъзолари

Ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Марҳумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар марҳумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса – боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

21-модда. Боқувчининг пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш стаж

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга – боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга – башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса – боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

23-модда. Янги никоҳдан ўтилганида пенсияни сақлаб қолиш

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

24-модда. Боқувчининг оила аъзоларига пенсиядан улуш ажратиб бериш

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади.

Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

V бoб. ПЕНСИЯЛАРНИ ВА ИШ ҲАҚИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

26-модда. Пенсияларнинг таянч миқдорлари

Ушбу Қонун билан пенсияларнинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланади:

а) ёшга доир пенсия учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдорида;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдорида;

г) оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 50 фоизи миқдорида

д) ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдорида.

27-модда. Иш стажы учун пенсияларнинг оширилиши

Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун (37–40-моддалар) пенсияларнинг таянч миқдорлари (26-модда) қуйидагича оширилади:

а) ёшга доир пенсиялар – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун (31 ва 33-моддалар) олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди;

б) I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориди;

г) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари оиланинг меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир аъзоси учун – боқувчининг ўртача ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдориди оширилади.

Отасидан ҳам, онасидан ҳам жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ошириш ота ва она иш ҳақларининг умумий миқдоридан келиб чиқиб, пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробари миқдори доирасида амалга оширилади.

28-модда. Пенсияларга устама ҳақлар

Ушбу Қонуннинг 26, 27 ва 29-моддаларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган пенсияларга устама ҳақлар қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) I гуруҳ уруш ногиронларига – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 150 фоизи;

б) II гуруҳ уруш ногиронларига – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 125 фоизи;

г) кўзи ожизлик бўйича I гуруҳ ногиронларига – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизи;

д) I гуруҳ ногиронларига – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

е) II гуруҳ ёлғиз ногиронларига – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

ж) уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи;

з) 1941–1945-йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг – 30 фоизи;

и) вафоти ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналарига ва янги никоҳдан ўтмаган бева хотинларига (бева эрларига) – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 30 фоизи.

к) Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларга – хизматларига қараб – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизидан 150 фоизигача.

л) ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистларга – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 75 фоизи;

м) театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадий ходимларига, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерларига, Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган рўйхатга кўра – пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг – 50 фоизи.

29-модда. Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни ҳисоблаб чиқариш

Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-моддалар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

ёшга доир пенсиялар учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 75 фоизидан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – ёшга доир энг кам пенсиянинг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

32-модда. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинadиган иш ҳақи турлари

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақиға, шунингдек иш ҳақининг натурал қисмиға:

2019 йил 1 январға қадар бўлган давр учун – қонунчиликка мувофиқ суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – қонунчиликка мувофиқ ҳисобланган меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади.

Давлат ижтимоий суғуртасига тааллуқли бўлмаган шахсларға пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақиға меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларға ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қонунчиликка мувофиқ қўшилади.

Ўқиш даврида тўланган стипендия пенсия сўраб мурожаат этувчининг хоҳишиға кўра иш ҳақиға тенглаштирилади.

Иш вақтини ҳисобға олиб бўлмайдиган ходимларнинг (якка тартибдаги тадбиркор ва у томонидан ёлланган ходимнинг, деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик субъекти аъзосининг) пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақининг миқдори:

2019 йил 1 январға қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадалларининг миқдоридан;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан;

2020 йил 1 январдан – тўланган ижтимоий солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

VI бoб. ИШ СТАЖИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ

37-модда. Иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари

Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) 2019 йил 1 январға қадар бўлган давр учун – фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, башарти меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса, шунингдек жисмоний шахсининг 2021 йил 1 июндан кейинги ишламаган даври учун унинг эри (хотини) меҳнатға ҳақ тўлаш тарзидаги ўз даромадларидан ихтиёрий асосда ижтимоий солиқ тўлаган давр;

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларға кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобға олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муал-

лифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдиди ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият;

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун – ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда;

2020 йил 1 январдан – ижтимоий солиқ тўланган тақдирда.

д) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) олий таълим муассасаларида, аспирантурада, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтида, катта илмий ходим-изланувчилар институтида, таянч докторантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш;

ж) бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 6 йил;

з) офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапорщикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг хотини (эри) чет элда бўлган, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

Мазкур модданинг «д» – «и» бандларида назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а» – «г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий иш стажи камида 7 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «д» – «и» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а» – «г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганида стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу Қонуннинг 27-моддаси «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда амалга оширилади.

38-модда. Иш стажига имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланадиган фаолият даврлари

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидаги иш, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш – уч ҳисса баробарида;

б) 1941–1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарасида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидаги иш ва ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат – икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандларига ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган-эркакларда 10 йилдан ортиқ ва хотин-қизларда 7 йилу 6 ойдан ортиқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил – икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вируси билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш – икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши – бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатағон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти – бир ярим ҳисса баробарида.

VII БОБ. ПЕНСИЯЛАР ТАЙИНЛАШ

47-модда. Пенсиялар тайинлаш муддатлари

Пенсиялар:

а) ёшга доир пенсия – агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб олтмиш кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади;

б) ногиронлик пенсияси – агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб олтмиш кун ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, ТМЭК ногиронликни белгилаган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун тайинланади. 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга – ногиронлик пенсиялари умрбод тайинланади. Ана шу ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсияси – пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсия ушбу Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун, оиланинг: эркаклар – 60 ёшга, хотин-қизлар – 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса – умрбод тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин пенсия тайинлашни сўраб бир ой ичида мурожаат қилган бўлса, уларга пенсия уни олиш ҳуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади.

Бошқа барча ҳолларда пенсия мурожаат этилган кундан эътиборан тайинланади.

Бир пенсиядан бошқасига ўтказиш пенсионер тегишли ариза ва барча зарур ҳужжатлар билан мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга оширилади.

IX бoб. ПЕНСИЯЛАР ТўЛАШ

56-мoддa. Тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси тўлаш

Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 100 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи миқдорида пенсия тўланади.

Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига тижорат банкида очилган депозит ҳисобварағига ўтказиб қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА
(Кўчирма)

II. ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

13-модда. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эга-дирлар.

Давлат ёши, жинси, ирқи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланиши-ни таъминлайди.

Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қондани бузишда айб-дор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

18-модда. Оила соғлиғини сақлаш

Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оилага тааллуқли ма-салалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавфли бўлган ка-салликлар бор-йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий-руҳий жиҳат-лари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир оила ўзига оилавий шифокор танлаш ҳуқуқига эга.

Болали оилалар фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Уч ёшга тўлмаган болалар, шунингдек шифокорларнинг ҳулосасига кўра қўшимча қа-ровга муҳтож бўлган катта ёшдаги касали оғир болалар стационар шифохонада даволанаёт-ганида уларнинг отаси ёки онасига ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлайётган бошқа аъзосига даволаш муассасасида унинг ёнида бирга бўлиши учун имконият яратилади ва меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

19-модда. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари

Давлат вояга етмаганларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқларини уларнинг жисмоний, маъ-навий ривожланиши учун, касалликларнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда ва бошқа муассасаларда тиб-бий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

Вояга етмаганлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш; санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш;

касбга яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳатлар олиш;

соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш.

Ўн тўрт ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашув-га ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра бюджет маблағлари, хайрия жамғар-

малари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишлари, уларни тарбиялашдан бўйин товлашлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлиғига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

26-модда. Тиббий аралашувга розилик бериш

Фуқаронинг ўз касалига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Фуқаронинг аҳволи ўз хоҳиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консилиум ҳал қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансabdор шахсларини хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсларга ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан тиббий аралашувга уларнинг қонуний вакиллари розилик беради. Ота-она ёки бошқа қонуний вакиллар йўқлигида тиббий аралашув тўғрисидаги қарорни консилиум қабул қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансabdор шахслари ва беморнинг қонуний вакилларини хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор қабул қилади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

45-модда. Шифокор сири

Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлиғининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис ҳусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотлардан ўқиш ҳамда касб-корга, хизматга доир ва бошқа хил вазифаларни бажариш пайтида хабардор бўлиб қолган шахсларнинг бу маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишига йўл қўйилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қуйидаги сабабларга кўра йўл қўйилади:

аҳволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;

юқумли касалликлар тарқалиши, ялпи заҳарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганида;

тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;

ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакиллари хабардор қилиш учун;

фуқаронинг соғлиғига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.

Шифокор сири ҳисобланган маълумотлар қонунда белгиланган тартибда берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлик учун қонунга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан баб-баравар жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

“121-модда. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи

Ушбу Қонун 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажига бўлган хотин-қизлар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар”;

2) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

116-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган хотин-қизлар (228-1-модда)”;

Кодекс қуйидаги мазмундаги 2281-модда билан тўлдирилсин:

“2281-модда. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган хотин-қизларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган хотин-қизларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хотин-қизлар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади”.

4. Ушбу Қонун 1999 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

вояга етмаган шахс савдоси – “одам савдоси” деган тушунчада кўрсатилган таъсир ўтказиш воситаларидан фойдаланилган-фойдаланилмаганлигидан қатъи назар, ҳар қандай ҳаракат ёки битим бўлиб, улар воситасида вояга етмаган шахс ота-онаси, бошқа қонуний вакили ёки ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда ундан фойдаланиш мақсадида ёхуд моддий ёки бошқа наф олиш мақсадида бошқа шахсга ҳақ эвазига берилади;

келиб чиқиш мамлакати – ҳудудидан одам савдосидан жабрланганларни олиб чиқиш амалга оширилган ёки фуқаролари одам савдосидан жабрланган давлат;

мажбурлаш – мажбурланаётган шахсни унинг иродасига қарши ёки иродасини четлаб ўтиб, бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ёки бирор-бир ҳаракатни бажаришни мажбурловчи шахснинг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун рад этишга ундаш мақсадидаги жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ёки уларни қўллаш таҳдиди;

одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эрксизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини, тўқималарини ва (ёки) ҳужайраларини ажратиб олишни англатади;

одам савдосидан жабрланган шахс – одам савдосидан, бундай ҳаракатга розилик берганлиги-бермаганлигидан ва жиноят процессида иштирок этганлиги-эتماганлигидан қатъи назар, жабрланган жисмоний шахс;

одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш – жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган, уларга нисбатан одам савдоси сифатида малакаланадиган хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги тўғрисида ёки содир этиш нияти ҳақида маълумотлар олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

одам савдосига қарши курашиш – одам савдосининг олдини олишга, уни аниқлашга, унга чек қўйишга, унинг оқибатларини камайтиришга, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатишга доир фаолият;

одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс – дастлабки идентификация қилиш натижасида одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётган шахс сифатида тан олинган жисмоний шахс;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахс – мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашаётган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса-да, одам савдосига тўсқинлик қилмаётган ва қарши курашмаётган мансабдор шахс.

6-бoб. ВOЯГA ЕТМАГАНЛАР САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

31-мoддa. Oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн вoягa eтмaгaн шaхcни, oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн дeб тaхмин қилинaётгaн вoягa eтмaгaн шaхcни идeнтификaция қилишнинг ўзигa хoс хусуcиятлaри

Oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн вoягa eтмaгaн шaхcни, oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн дeб тaхмин қилинaётгaн вoягa eтмaгaн шaхcни идeнтификaция қилиш мaхсyс жиҳoзлaнгaн хoнaдa, қaйд этишнинг тeхник вoситaлaридaн фoйдaлaнгaн ҳoлдa, қoнуний вaкил вa (ёки) ҳoмийлик ҳaмдa вaсийлик oргaнининг вaкили ҳoзирлигидa, рyxшунoс aлбaттa иштирок этгaн ҳoлдa, шунингдeк вoягa eтмaгaн шaхcнинг жинcи, ёши вa бoшқa ўзигa хoс хусуcиятлaри инoбaтгa oлингaн ҳoлдa aмaлгa oширилиши кeрaк.

Вoягa eтмaгaн шaхcни oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн ҳaмдa oдaм сaвдoсидaн жaбрлaнгaн дeб тaхмин қилинaётгaн шaхc дeб тoпиш тўғрисидаги қaрoр, унинг рoзилигидaн қaтъи нaзaр, қaбул қилинaди, ўн oлти ёшгa тўлгaн вoягa eтмaгaн шaхcгa нисбaтaн эcа унинг иxтиёрий рoзилиги билaн, қoнуний вaкилнинг вa (ёки) ҳoмийлик ҳaмдa вaсийлик oргaни вaкилининг, тeгишли иxтисoслaштирилгaн мyассacа вaкиллaрининг мyрoжaaти aсoсидa қaбул қилинaди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Кўчирма)

17-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларнинг тайёрланиши белгиланган тартибда таъминланади.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда талабалар ва ўқувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш курси мажбурий ўрганилишини ташкил этиши керак.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

24-модда. Мажбурий тиббий кўриклар

Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

Тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундай муассасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Қонунчиликка мувофиқ мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товланган ёки улар ўтказилган текширувлар натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган тақдирда иш берувчи уларни ишга қўймасликка ҳақли.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

27-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Меҳнат шароити оғир, зарарли ва хавфли ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қизлар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунчиликда белгиланади.

33-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги

Иш берувчи ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли унинг ҳаёти ва соғлиғига ўзи етказган зарарнинг ўрнини қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўловдан, шунингдек ходимнинг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўловидан ҳамда ходимнинг соғлиғи шикастланишидан келиб чиққан қўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хулосаға мувофиқ ишға жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эға бўлган шахсларға боқувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловлар амалға оширилади, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланади ва дафн этиш харажатларининг ўрни қопланади.

Вояға етмаган ходимнинг соғлиғига зарар етказилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш унинг аввалги иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда, аммо қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шакллари-
дан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш
тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси-
нинг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигида
назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари
қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жинсий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусуси-
ятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка та-
жовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан
таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар
содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш;

жисмоний зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан
жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўр-
сатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъ-
сир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш
орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган
бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли;

зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъ-
сир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали
уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя
қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳа-
ракат (ҳаракатсизлик);

иқтисодий зўравонлик – хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа
жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол
топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга
бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оши-
ришни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

иш жойи – ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга
ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш бе-
рувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой;

руҳий зўравонлик – хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тўхмат қилиш, таҳдид қилиш,
уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини
чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумла-
дан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавф-
сизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғ-
лиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик);

тазйиқ – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилкимлик;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи – ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган аёл жинсидаги шахс;

тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш – хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш – хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ҳимоя ордери – тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

4-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш;

махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш;

ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш;

содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божига тўлашдан озод қилинади.

5-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги гендер сиёсатини, давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш учун самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамкорлигини таъминлаш.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва стратегияларни тасдиқлайди;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хавфсизлигини, жисмоний ва руҳий реабилитациясини ҳамда мослашувини таъминлаш бўйича тузилмаларни ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизларни ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

8-модда. Ички ишлар органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ички ишлар органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги ёки содир этилиши таҳдиди мавжудлиги тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқади;

тазйиқ ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахсга расмий огоҳлантириш беради;

ҳимоя ордерини беради;

зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

9-модда. Меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Меҳнат органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ишга жойлаштирилмаган хотин-қизларни ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан иш жойларидаги тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг олдини олиш ҳамда хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини юксалтириш бўйича мулк шаклларида қатъи назар ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказди;

иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммоларга ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга кўмаклашиш чораларини кўради;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

10-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ҳамда таълим муассасаларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни мажбурий меҳнатга ва ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб қилиш ҳоллари аниқланганлигига доир фактлар тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилади;

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахсларни аниқлайди ҳамда уларнинг хулқ-атворини тузатиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига, шу жумладан хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хотин-қизларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф солувчи фактлар ва аниқланган сабаблар тўғрисида хабардор қилади;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

12-модда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш бўйича тадбирларда иштирок этади ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида ижтимоий реабилитация қилишга ҳамда ўз жонига қасд этишнинг олдини олишга доир тадбирлар ўтказишда;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

низоли вазиятларни профилактика қилишга, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир дастурлар ҳамда услубий тавсияларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини ҳамда мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўради.

14-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг ҳамкорлиги

Ваколатли органлар ва ташкилотлар хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

аниқланган тазйиқ ва зўравонлик фактлари тўғрисида ўзаро бир-бирини хабардор қилиш;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига муносабат билдириш чораларини келишиш ҳамда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш ва тажриба алмашиш соҳасидаги чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликни бартараф этиш ҳамда уларга қарши курашиш соҳасидаги тадбирларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, қонунчилик ҳужжатларини ва уларнинг қўлланилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

15-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга чек қўйишнинг умумий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бўлган омилларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва баҳолаш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб бориш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда уларни давлат статистика органларига тақдим этиш;

фуқароларни, айниқса хотин-қизларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги, шунингдек ҳимоя қилиш кафолатлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш мақсадида ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини аниқлашнинг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

тазйиқ ва зўравонлик содир этиш хавфи бўлган гуруҳларга мансуб шахсларга ёки уларни содир этган шахсларга нисбатан олдини олиш чораларини амалга ошириш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ва уларни ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш;

айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш.

16-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолларининг статистик ҳисоби ва ҳисоботи

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритилади.

17-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини хабардор қилиш

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништиради.

Зарур бўлган тақдирда ваколатли органлар ва ташкилотлар содир этилган тазйиқ ва зўравонлик факти муносабати билан ариза беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасалари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга унга нисбатан зўравонлик содир этган шахс жазони ижро этиш жойидан озод этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойидан ташқарига қисқа муддатга чиқарилганлиги ёки қочиб кетганлиги ҳақида зудлик билан хабар беради.

18-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар учун ишонч телефони

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш механизми ҳамда чора-тадбирлари, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисида ахборот олишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида туну кун ишлайдиган, бепул телефон линияси тармоғи (ишонч телефони) ишлаб туришини таъминлайди.

Телефон линияси тармоғи махфийликка риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади. Ишонч телефони орқали олинган ахборотни ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно.

19-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойил бўлган ёки уни содир этган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолияти хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлардир.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар муайян шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, тазйиқ ва зўравонлик содир этишга мойиллиги, шунингдек у содир этган тазйиқ ва зўравонликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда қўлланилади.

20-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун асослар

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:
тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари;
тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш фактларининг ва-
колатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан келиб тушган материаллар.
Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли
органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонлик фактлари аниқланган тақдирда бу ҳақда
тегишли ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиши шарт.
Ички ишлар органлари тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида оғзаки ёки ёзма хабар олганда
бундай ҳаракатларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган
якка тартибдаги чора-тадбирлар кўриши шарт.

21-модда. Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги чора-тадбирлар турлари

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибда-
ги чора-тадбирлар турлари жумласига қуйидагилар киради:
профилактика суҳбатини ўтказиш;
ҳимоя ордерини бериш;
тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар-
га жойлаштириш;
зўравонлик ҳуққ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш.

22-модда. Профилактика суҳбати

Муайян шахсни жамиятда умум қабул қилинган ҳуққ-атвор нормалари ва қоидаларига
риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий ҳуққ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибат-
ларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳланти-
риш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади.

Тазйиқ ва зўравонлик ҳолларини аниқлаган ваколатли орган вакили томонидан профи-
лактика суҳбати тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар билан қонунда
белгиланган тартибда ўтказилади.

23-модда. Ҳимоя ордерини бериш ва унинг муддатини узайтириш

Ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазйиқ ўтказган ва
(ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордери-
нинг нусхаси берилади.

Ҳимоя ордерини берган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ўтказган ва
зўравонлик содир этган шахсни ҳимоя ордерининг шартлари ҳамда уни бажармаслик оқи-
батлари ва зўравонлик ҳуққ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш за-
рурлиги тўғрисида хабардор қилади.

Шахс ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни имзолашни рад этган тақ-
дирда, ҳимоя ордерини топшираётган ички ишлар органининг мансабдор шахси томони-
дан ҳолислар иштирокида далолатнома тузилади.

Тегишли ҳудудда тазйиқ ва зўравонликнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга
ошириш учун масъул бўлган ички ишлар органининг мансабдор шахси тазйиқ ва зўравонлик
факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ор-
дерини ўттиз кун муддатгача беради ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан
кучга киради.

Агар хавф ҳали бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати
тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узай-
тирилиши мумкин.

Ҳимоя ордерини бериш, узайтириш ёки ҳимоя ордерини беришни ёхуд узайтиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат уни берган ички ишлар органи томонидан амалга оширилади.

Ҳимоя ордерининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

24-модда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери уларнинг қонуний вакилига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ҳимоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичида юборилади.

25-модда. Ҳимоя ордерининг мазмуни

Ҳимоя ордерида қуйидагилар кўрсатилади:

у расмийлаштирилган сана ва жой;

уни расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, касби ҳамда яшаш жойи;

ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган чекловларнинг рўйхати.

Ҳимоя ордерида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги, тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлиги ҳақидаги маълумот кўрсатилади.

26-модда. Ҳимоя ордерида назарда тутилган чекловлар

Ҳимоя ордерида қуйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазйиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрла-

нувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклатиш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қуролни (бундан хизмат қуроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек қурол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш.

Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талаблардан ташқари, унга тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисидаги шарт мажбурий тартибда киритилади.

Агар ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят белгилари аниқланса, ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материаллари жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

27-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар (бундан буён матнда махсус марказлар деб юритилади) ташкил этиши мумкин.

28-модда. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларни махсус марказларга жойлаштириш

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат махсус марказнинг уставига белгиланган тартибда узайтирилади. Махсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, махсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўтказиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазйиқ ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

29-модда. Зўравонлик содир этган шахснинг ҳулқ-атворини тузатишга қаратилган тадбирлар

Зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил ҳулқ-атвори-

ни ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахснинг зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

30-модда. Маълумотларнинг махфийлиги

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига ёрдам кўрсатган шахсларга маълум бўлиб қолган барча шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик билан қўриқланади.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг шахсига доир маълумотлари ишониб топширилган ҳамда касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан бу маълумотлар ўзига маълум бўлиб қолган, ушбу маълумотларни ошкор этишга йўл қўйган шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

31-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш тегишли ваколатли органлар ҳамда ташкилотларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилиكنи бузганлик учун жавобгарлик

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилиكنи бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

33-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

34-модда. Қонунчилиكنи ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

35-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Тошкент ш.,

2019 йил 2 сентябрь,

ЎРҚ-561-сон

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар – жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

гендер-ҳуқуқий экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

жинс бўйича бевосита камситиш – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

жинс бўйича билвосита камситиш – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш.

4-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- конунийлик;
- демократизм;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги;
- очиклик ва шаффофлик.

5-модда. Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик

Хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлади.

Қуйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди:

бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;

қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;

ушбу Қонун асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари;

мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш;

қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш;

хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар.

6-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида тенг ҳуқуқлиликини кафолатлайди.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, сайлов жараёнида тенг иштирок этишни, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият, меҳнат ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида, шунингдек давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ҳақиқий тенгликка эришиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг иштирокини кенгайтириш, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўрилади.

7-модда. Гендер-ҳуқуқий экспертиза

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига номувофиқлиги аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юборилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси:

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқ эмаслигини аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ва билвосита камситиш имконини яратадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, камситиш хусусиятига эга хавфларни аниқлашга;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишга йўл қўядиган, аниқланган нормаларни бартараф этишга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

8-модда. Гендер статистикасини шакллантириш

Давлат статистика органлари гендер кўрсаткичлари асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга оширади.

Гендер кўрсаткичларини шакллантириш:

давлат статистика органлари томонидан амалга ошириладиган давлат статистик кузатувларига;

давлат бошқаруви органларининг маъмуриятга оид маълумотларига;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари томонидан мунтазам равишда амалга ошириладиган статистик кузатувларга асосланади.

Гендер кўрсаткичлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг статистик маълумотлари асосида ҳам шакллантирилиши мумкин.

2-БОБ. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасини тартибга солиш

9-модда. Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

мазкур соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-

рини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтакавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

10-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларнинг ишлаб чиқирилиши, тасдиқланиши ҳамда амалга оширилишини ва уларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлигини таъминлайди;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни белгилайди.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан ҳаётида оғир вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

давлатнинг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашади;

давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини ва таҳлилини ўтказиш, шунингдек жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида таълимга оид, ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига доир муурожаатларини қабул қилишни, кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни амалга оширади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан чоралар кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этишни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

13-модда. Давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар тўғрисидаги статистик маълумотларни ва ахборотни мунтазам равишда йиғишни ҳамда таҳлил қилишни таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларни тиклаш бўйича чоралар кўради;

хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан кадрларнинг касбий тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича фуқароларнинг маданият даражасини ва хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўради ҳамда бунга кўмаклашади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга оширишга фаол жалб қилиш мақсадида улар билан ҳамкорликни ривожлантиради;

хотин-қизлар ва эркаклар касбий ва оилавий мажбуриятларни бирга бажариши учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан ҳам оналарга, ҳам оталарга бола парвариши учун таътил бериш орқали шарт-шароитлар яратади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўради ва уларни бекор қилади;

меҳнат бозорида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини илгари суриш, ишга жойлаштириш учун ўқитиш ҳамда шароитлар яратиш юзасидан хусусий сектор билан ҳамкорликни ривожлантиради.

Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс (бундан буён матнда ваколатли шахс деб юритилади) белгиланади. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатилади.

Давлат органларининг раҳбарлари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида маслаҳат-кенгаш органларини тузиши мумкин.

14-модда. Давлат органларидаги ваколатли шахснинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ваколатли шахс:

фаолиятнинг тегишли соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига риоя этилишини таъминлайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади ҳамда уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга барҳам бериш юзасидан ахборот фаолиятини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда доимий асосда амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида гендер кўрсаткичларини таҳлил қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, таҳлил қилади ҳамда зарур ҳолларда улар ҳақида ваколатли органларга хабар беради;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг касбий даражасини ошириш чораларини кўради;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш фактларини барта-раф этиш юзасидан чоралар кўради.

**15-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг,
нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти
бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ
ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун бандлик соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга, oilалар учун ижтимоий хизматлар тармоғини яратишга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат органларининг қарорларини, давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ҳамда стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, илмий муассасалар ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида ҳамкорлик килади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқув, ахборот-маърифий тадбирларини амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда иштирок этади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган тадбирларни ўтказишда давлат органларига кўмаклашади;

жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситилган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат органларида ва судда ҳимоя қилишга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

**3-боб. ДАВЛАТ ХИЗМАТИ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН
ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ**

**16-модда. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда
имкониятларни таъминлаш**

Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш орқали давлат бошқарувида турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатланади.

Давлат хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда ва ҳеч бир камситишсиз халқаро миқёсда давлатнинг вакили бўлиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўради.

Давлат хизматига қабул қилиш чоғида ва уни ўташ даврида жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга йўл қўйилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишдаги тенглик малакага ва касбий тайёргарликка мувофиқ таъминланади.

Давлат хизматчилари лавозимларини эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг хизматда кўтарилиши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик маҳсус чораларни қўллашга руҳсат берилади. Квота вақтинчалик чора сифатида жорий этилади ҳамда у давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблигига эришилишига қараб бекор қилиниши мумкин.

Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарур.

Давлат органларининг раҳбарлари ва тегишли мансабдор шахслар хотин-қизлар ва эркакларни давлат хизматига қабул қилишда тенг ҳуқуқлиликни уларнинг қобилияти ва касбий тайёргарлигига мувофиқ таъминлаши шарт.

17-модда. Давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши

Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак.

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади. Шунга ўхшаш маълумотлар хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирлар кўриш учун давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш, хизмат бўйича кўтариш масалаларини ҳал қилишда давлат органларининг кадрлар хизматлари томонидан тақдим этилади.

4-боб. САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ

18-модда. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

19-модда. Сайлов комиссияларини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов ҳамда референдумлар ўтказиш бўйича вилоят, туман, шаҳар, округ ва участка сайлов комиссияларининг таркибини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади.

5-боб. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР КАФОЛАТЛАРИ

20-модда. Иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар ташкилотлар раҳбарлари жамиятнинг иқтисодий ресурсларидан, шу жумладан кўчар ва кўчмас мол-мулк, ер, молиявий активлар,

кредитлар, ижтимоий жамғармалардан, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг эркин танланган турларидан хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг фойдаланишини таъминлаши шарт.

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайди.

21-модда. Меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Иш берувчи меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни рўйбга чиқариш мақсадида қуйидагиларни таъминлайди:

ишга ёллашда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг имкониятларни;

тенг меҳнат учун хотин-қизлар ва эркакларга тенг иш ҳақини (мукофотни) ҳамда хотин-қизлар ва эркаклар ишининг сифатини баҳолашга доир тенг ёндашувни;

хизматда кўтарилиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда тенг имкониятларни;

технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, иш ҳажмининг қисқариши оқибатида ходимларнинг сони (штати) ёки ишнинг хусусияти ўзгариши ёхуд корхона, муассаса ва ташкилот тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда қонунда белгиланган афзалли ҳуқуқларни берган ҳолда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари тенглигини;

оилани ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича фарзандлари бор хотин-қизлар ва эркаклар фойдалана оладиган амалиётни жорий этиш ва ривожлантиришни, ҳомиладор ҳамда эмизикли хотин-қизлар учун қўлай меҳнат шароитларини яратишни;

хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда соғлигини сақлашни таъминладиган, шу жумладан репродуктив функцияларни сақлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;

меҳнат муносабатларида шахсларнинг кадр-қимматини поймол қилишга олиб келувчи номақбул муомалага ёки камситувчи меҳнат шароитларини яратишга йўл қўйилмаслигини;

хотин-қизлар ва эркаклар учун меҳнат фаолиятини, жамият ҳаётида иштирок этишни оилавий мажбуриятлар билан бирга олиб бориш учун тенг шароитлар яратишни, шу жумладан меҳнат қилиш имкониятини берадиган, болаларни парваришлаш бўйича муассасалар тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш орқали шароитлар яратишни.

22-модда. Жамоа шартномалари ва келишувларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Меҳнат муносабатларини жамоа-шартномавий жиҳатдан тартибга солиш чоғида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайдиган қоидаларни жамоа шартномалари ва келишувларига киритиш, уларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни қўшиб бажариши учун шарт-шароитларни яхшилаш шарт.

Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

23-модда. Ижтимоий ҳимоя соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат органлари, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқларини тенг даражада ҳисобга олиши шарт.

Хотин-қизлар ва эркаклар ижтимоий имтиёزلардан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

24-модда. Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасидадир.

Хотин-қизлар ва эркаклар оилавий муносабатлар соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга.

Оилавий муносабатлар соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг тенглиги қуйидагиларга асосланади:

хотин-қизлар ва эркаклар никоҳ тузишининг ихтиёрийлигига;

мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслигига;

эр ва хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигига;

оиланинг ички можароларини ўзаро келишув бўйича ҳал қилишга;

уй меҳнатига нисбатан хотин-қизлар ва эркаклар ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларининг тенглигига;

болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишда, вояга етмаган ҳамда меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда тенг иштирок этишга.

Ота-оналар кичик ёшдаги болаларни, ногиронлиги бўлган оила аъзоларини парваришлаш бўйича нафақалар олишда тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

Бола туғилиши муносабати билан она ҳам, ота ҳам ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқи-га эга. Болани парваришлаш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида бўлиниши мумкин, бунда ота-она таътилдан уни қисмларга бўлган ҳолда фойдаланиши мумкин.

25-модда. Уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари

Уй меҳнати жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас, у хотин-қизлар ва эркаклар томонидан тенг даражада амалга оширилади.

6-БОБ. ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ҲАМДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИЯТЛАР КАФОЛАТЛАРИ

26-модда. Таълим, илм-фан ҳамда маданият соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилишини таъминлайди.

Давлат қуйидагиларни кафолатлайди:

хотин-қизлар ва эркакларнинг таълим олиш, қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг барча турларидан фойдаланишга, таълим ва илмий жараёни амалга оширишда иштирок этишга ҳамда маданиятдан, маданий қадриятлар ва меросдан фойдаланишга доир тенг ҳуқуқ ва имкониятларини;

турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендерга оид маърифатини оширишга кўмаклашишни;

жинслардан бирининг ўстунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этишни;

ўқув дастурлари ва дарсликларни жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципи-га мувофиқлик юзасидан мунтазам равишда мониторинг қилишни;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни рағбатлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни.

Таълим соҳасидаги ваколатли орган таълим дастурларини, таълим муассасаларининг дастурларини ҳамда режаларини уларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги жиҳатидан экспертизадан ўтказишни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва малака ошириш курслари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича курсни ўз ичига олиши керак.

27-модда. Соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари

Давлат қуйидагиларни кафолатлайди:

хотин-қизлар ва эркакларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўз ҳуқуқларини амалга оширишга, шу жумладан малакали тиббий хизмат кўрсатилишига, қулай тиббий хизматлардан фойдаланишга, оилани режалаштиришга ва репродуктив саломатликни ҳимоя қилишга бўлган тенг имкониятларини;

зарур бўлган ҳолларда, хотин-қизларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, айниқса, ҳомиладорлик, туғиш даврида ва туғишдан кейинги даврда хотин-қизларга бепул хизматлар кўрсатган, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизиш даврида тегишли озиқ-овқат билан таъминлаган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги стратегия ва дастурларнинг амалга оширилишини;

тиббий таълим соҳасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга, жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишга қаратилган ташаббусларни қабул қилишни;

соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олувчи илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашишни.

7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

28-модда. Жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилиш

Агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмайди.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бўзилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизматларга ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда, уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

29-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

31-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

32-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Тошкент ш.,

2019 йил 2 сентябрь,

ЎРҚ-562-сон

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларни тизимли давом эттириш, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар:

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур 1-иловага мувофиқ;

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охириги 6 ой давомида ўз-ўзидан иш стажига эга бўлган аёлларга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланади;

мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошисида кўрсатилган ходимлар олдидаги мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳажмида камайтирилади.

3. Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм ресурс маблағлари йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) икки ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тижорат банклари кесимида тасдиқласин;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм молиялаштирилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йил 1 сентябрга қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирсин ҳамда 2022 йил 1 октябрга қадар контракт тўловларини қоплаб берсин;

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича – 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратиб борилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ушбу кичик бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун “Эл-юрт умиди” жамғармасига ҳар йили Давлат бюджетидан камида

6 миллиард сўм ажратилишини таъминласин;

г) ҳар йили Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 150 нафардан жами 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб борилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) икки ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизларни ҳар йили Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

Қўмита (З.Б. Махкамова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Давлат тест маркази (М.М. Каримов) бир ой муддатда мазкур кичик бандда назарда тутилган алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиб борилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) икки ой муддатда хотин-қизлар учун мазкур кичик бандда назарда тутилган мақсадли квоталар давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмасининг:

асосан хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган алоҳида университетни;

ушбу университет ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич ҳудудий техникумларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов), Қўмита (З.Б. Махкамова), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А. Артикходжаев) икки ой муддатда университет фаолиятини йўлга қўйиш, унинг моддий-техника таъминоти ва жойлаштирилиши бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Хотин-қизларни илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахманов):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан биргаликда ҳар йили март ойида амалий инновацион лойиҳалар бўйича “Олима аёл” танловини ўтказиб борсин;

икки ой муддатда “Бўлажак олим” танлови доирасида “Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловини ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида 10 миллиард сўм ажратилишини таъминласин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Қўмита ҳузурида “Олима аёллар жамияти”ни тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой муддатда “Олима аёллар жамияти”ни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда “Олима аёллар жамияти”га хотин-қизларни амалда қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилиши назарда тутилсин.

7. 2022 йил 1 июндан бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида малакани баҳолаш марказлари ташкил этилади;

малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига давлат буюртмасини беради;

ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади;

малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун ўқиш харажатларига тенг миқдорда малакани баҳолаш марказлари томонидан субсидиялар берилади;

малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича давлат буюртмаси берилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ. Тошқулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга асосан 2022 йилда хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига 17,1 миллиард сўм миқдоридаги грант маблағлари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ жойларидаги аёлларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида 2023 йилдан бошлаб:

хар йили нодавлат ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 минг баравари миқдоригача грантлар бериш учун Давлат бюджетидан камида 50 миллиард сўм Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиб борилсин;

туман (шаҳар) сектор штаблари жойлашган биноларнинг камида биттадан хонасида ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин.

9. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри (кейинги ўринларда – Реестр) жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М. Холхўжаев):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар туманларда меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойлари рўйхатини шакллантирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган ҳудудлардаги умумий ҳодимлари сони камида 10 нафар бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган кичик тадбиркорлик субъектларига:

Реестрга киритилган ҳудудда жойлашган объектлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинadиган ер солиғи 50 фоиз имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланади;

уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада ҳисобланади;

бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 750 бараваригача бўлган маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади;

улар томонидан кўчмас мулк ижарага олинганда 3-иловага мувофиқ имтиёзлар берилади.

10. Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги, Олий Мажлис Сенати раиси Т.К. Нарбаева – комиссия раиси ҳамда Бош вазир ўринбосари З.Б.Махкамova ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.М. Рафиков – комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (Т.К. Нарбаева) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи “Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури”ни тасдиқласин ва ижрога қаратилишини таъминласин:

а) Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизларни ўқитиш;

б) 2024 йил 1 январга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ҳодимлари орасида хотин-қизларнинг улушини камида 30 фоизга етказиш;

барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида 1 нафар ўринбосарини хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмайди.

11. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун 2022 йилда қўшимча 1 триллион сўм ажратсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С.М. Холхўжаев, А.А. Камалов, Д.Ш. Султанов) 2022 йилда мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг жами 4 триллион сўм қисми тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларга йўналтирилишини таъминласин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) уч ой муддатда хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтларининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги молиявий ресурслари жалб этилишини таъминласин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади;

“Хунарманд” уюшмаси қошидаги хунармандчилик марказларида камида 40 фоиз тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги (С.М. Холхўжаев), Қўмита (З.Б. Махкамова) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б. Воитов) икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2022–2024 йилларга мўлжалланган “Бизнес аёллар” дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини 40 фоизгача етказиш; хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун 35 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш.

15. 2022 йил 1 июндан бошлаб маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари (кейинги ўринларда – марказлар) ташкил қилинсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказларни барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан 300 квадрат метргача бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратсин;

Марказлар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши назарда тутилсин;

барпо этилган марказлар маҳаллалар томонидан тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага берилсин.

16. Хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида:

а) 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида 40 фоизи хотин-қизларга йўналтирилсин;

б) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни “Халқпарвар” комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

в) уй-жойга муҳтож, жумладан, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган “Аёллар дафтари”га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи, лекин кўпи билан 500 минг сўмгача бўлган қисми “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб зарур маблағлар ажратиб борилсин;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёزلардан фойдаланиш учун хотин-қизларга ижтимоий контракт асосида касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни юклаш тартиби жорий этилсин.

17. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг:

фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган ота-оналар бадалидан озод қилинсин;

3 ёшгача бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджетидан субсидиялар белгиланган тартибда ажратилсин;

б) тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилсин;

в) кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилганда, улардаги тарбиячиларнинг иш ҳақи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда мазкур банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловларини амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Белгилансинки:

алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланади. Худди шу каби, ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳам алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг ундирилади;

алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда ушбу манбаларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилади.

19. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) ва Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) уч ой муддатда алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин. Бунда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

а) алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар:

қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш;

қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик;

б) алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш.

20. Мажбурий ижро бюроси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилсин ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 50 миллиард сўм ажратилсин.

Белгилансинки, суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси маблағлари алимент тўловлари бўйича шакланган қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинади.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) икки ой муддатда “Алимент тўловлари” давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш, жамғарма маблағлари ҳисобидан алимент тўловларидан қарздорлик тўланадиган ҳолатлар ва шахслар тоифасини белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида:

а) Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) икки ой муддатда юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган эҳтиёжманд 6 минг нафар хотин-қизлар, реабилитация воситалари билан таъминланишга муҳтож бўлган 10 минг нафар ногиронлиги бўлган хотин-қизлар рўйхатларини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев):

Қўмита (З.Б. Махкамова) билан ҳамкорликда 2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан ўтказилишини таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда 2022–2025 йиллар давомида 227 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 105 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб қилсин;

в) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2022 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидагилар ажратилишини таъминласин:

юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча – 100 миллиард сўм;

ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча – 17 миллиард сўм;

барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидagi “Онко-назорат” (“Cancer – назорат”) аёллар кўрик хоналарини тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозлаш учун – 20 миллиард сўм;

9–12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун – 200 миллиард сўм.

22. Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев), Олий суд (К.Ф. Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) ва Қўмита (З.Б. Махкамова) 2022 йил 1 июнга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил муддатгача берилишини белгилаш;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш бўйича мажбурлов чораларини қўлламаслик;

аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш;

икки ойдан ортиқ муддат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ёки бошқа ишга мажбурий жалб қилиш тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жазо турини белгилаш.

23. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж. Хаджаев) Қўмита (З.Б. Махкамова) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З. Саъдуллаев) билан биргаликда уч ой муддатда:

иқтидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ва инновацион ташаббусларини ривожлантириш мақсадида “Билимдон қизлар” телекурсу-ви;

турли соҳаларда ютуқларга эришган хотин-қизлар тўғрисида иб-о-ҳаё, поклик, сабр-тоқат ва илмга интилиш сингари эзгу қадриятларни тарғиб қилувчи “Аёл муваффақияти” рукнида-ги теледастурлар тайёрланиши ҳамда эфирга узатилишини таъминласин.

24. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақса-дида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган “Ибратли оила” кўкрак нишони таъсис этил-син ва уни 15 май – Халқаро оилалар кунида топшириш тартиби белгилансин.

Қўмита (З.Б. Махкамова) бир ой муддатда “Ибратли оила” кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Қўмита (З.Б. Махкамова) икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева – 10-банд;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов – 3-банд;

Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамова – 1, 4, 5, 22–25-бандлар;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров – 2, 6–9, 11, 13–16, 20-бандлар;

Бош вазир ўринбосари С.Ў. Умурзаков – 12-банд;

Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев – 17–19, 21-бандларда назарда тутилган тадбирлар ижро-си сифатли ва ўз вақтида таъминланиши учун масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ро-лини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К. Нарбаева ва Бош вазир ўринбосари З.Б. Махкамова ҳар уч ойда Ўзбекистон Республика-си Президентига ахборот киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 7 март,
ПФ-87-сон

**2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий
ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича
МИЛЛИЙ ДАСТУР**

Ўзбекистонда «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар» доирасида устувор мақсадлардан бири сифатида «Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш» белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишида уларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи дастурларни кенгайтириш талаб этилади.

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур (кейинги ўринларда – Миллий дастур) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди.

Миллий дастур Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган.

Миллий дастурда хотин-қизларнинг ҳуқуқларига инсон ҳуқуқларининг ажралмас бўлаги сифатида қаралади ҳамда у «Инсон қадри учун» тамойилидан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Миллий дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши хотин-қизларнинг жамият сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида тенг ҳуқуқлар асосида тўлақонли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

1-боб. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари

Миллий дастурнинг мақсади – хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, иқтидорли ва билимли қизларни тарбиялаш ҳамда уларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда, хусусан, давлат бошқарувида уларнинг ролини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлашдан иборат.

Миллий дастурни амалга оширишда қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:
хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг таълим олишлари учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларни илм-фан соҳасига кенг жалб этиш;

хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш;

хотин-қизлар орасида тазйиқ ва зўравонликка учраш ҳамда одам савдоси қурбони бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган, чет элга чиқиб кетган, давлат ва жамоат ташкилотларида ҳамда хусусий секторда меҳнат қилаётган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини янада такомиллаштириш;

нуроний онахонларни эъзозлаш, уларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан оилаларни мустаҳкамлаш, қизларнинг таълим-тарбияси, маънавий дунёқарашини юксалтиришда фойдаланиш, шунингдек, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитларни яратиш;

оила институтини мустаҳкамлаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш орқали оилалардаги соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш;

хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларда ҳуқуқий маданият ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш чораларини кўриш.

2-боб. Миллий дастурнинг долзарблиги, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини оширишдаги муаммолар

Сўнги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, 32 фоизни ташкил этди. Хотин-қизларнинг бошқарув лавозимидаги улуши 27 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 25 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди.

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди, янги Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилиб, у мазкур қўмита раиси ҳисобланиши белгиланди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилди.

Хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш учун Халқ банки тизимида раҳбарнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликларида ҳоким ўринбосарлари – оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари лавозимлари, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими киритилди.

Хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус жамғарма ҳисоби-дан уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур бўлган маблағлар ажратиб келинмоқда.

Жумладан, 2018–2021 йилларда оғир-ижтимоий вазиятга тушиб қолган, 5,6 мингдан зиёд хотин-қизлар учун уй-жой тўловининг бошланғич бадали тўлаб берилди, ногиронлиги бўлган 20 мингга яқин аёлларга ногиронлик аравачаси, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари олиб берилди, 18 мингга яқин хотин-қизларга оилавий ва хусусий

тадбиркорликни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар берилди, 500 нафар хотин-қизларнинг жарроҳлик амалиёти харажатлари тўлаб берилди.

«Аёллар дафтари» билан ишлаш орқали ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими яратилиб, 2021 йилнинг ўзида 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмак бериш учун 2 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларнинг ўқиш учун контракт тўловларини тўлаб бериш тизими жорий этилиб, олий таълим муассасасига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грант ўринлар сони икки бараварга оширилди.

Хотин-қизлар учун иш ўринларини яратишга қаратилган бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари томонидан ўқитилди, ҳунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди.

Бешта муҳим ташаббус доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

Уй-жой сотиб олиш учун 1 250 нафар хотин-қизларга 22 миллиард сўмга яқин бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Ҳар йили 28 нафар иқтидорли хотин-қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб, мукофот лауреатларини олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларига кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида қабул қилиш йўлга қўйилди.

«Мўтабар аёл» кўрак нишони таъсис этилиб, ўтган давр мобайнида 855 нафар фаоллар ушбу кўрак нишони билан тақдирланди.

Давлат буюртмаси асосида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш тизими ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг иш стажини қайд этиш тартиби йўлга қўйилиб, норасмий секторда банд бўлган хотин-қизларнинг улуши 27 фоизгача қисқарди.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалари бўйича мустақкам ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ҳимоя ордерини бериш тартиби йўлга қўйилиб, ушбу тартиб орқали 2020–2021 йилларда зўравонликдан жабр кўрган 35 мингдан зиёд хотин-қизлар ҳимоя қилинди.

Хотин-қизларнинг мурожаатлари бўйича куну тун фаолият юритадиган 1211 қисқа рақамли «ишонч телефони» орқали биргина 2021 йилнинг ўзида 100 мингга яқин хотин-қизларнинг мурожаатлари ҳал этилди.

Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг 14 та ҳудудий ва 14 та намунали туманлараро марказлари ташкил этилиб, мазкур масканларда 50 мингга яқин хотин-қизларга психологик, юридик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилди.

2020–2021 йилларда маҳалла фаоллари томонидан ажралиш ёқасига келиб қолган 50 мингга яқин оилалар яраштирилди, 20 мингдан зиёд оилада никоҳ қонунийлаштирилди, 6 мингга яқин оиланинг нотинчлигига барҳам берилди.

Барча туманлар ва шаҳарларда Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари ташкил этилди. 2021 йил давомида ушбу марказлар томонидан 90 мингдан ортиқ никоҳланувчи шахслар оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисодиёти ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақкамлаш масалалари бўйича бепул ўқитилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига ўтиши даврида барча хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини юқори босқичга кўтариш ҳамда жамиятда хотин-қизлар ўрни ва ролини янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ, бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда қуйидаги муаммолар сақланиб қолмоқда:

хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш, ишсиз хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларга ўқитиш, иш билан таъминлаш, уларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунаرمандчиликка кенг жалб этиш ишлари тизимли йўлга қўйилмаган;

ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёллар ва ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, уларни эҳтиёжмандлик ҳолатидан чиқаришга қаратилган ишлар самарали ташкил этилмаган;

яшаш шароитини яхшилашга муҳтож 15 минг нафар хотин-қизларнинг муаммолари тўлиқ ҳал этилмаган;

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитларни бартараф этишга ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар кўлами етарли эмас;

ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар ва кам таъминланган оилаларга томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, уларга субсидиялар ажратиш ва бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар (шу жумладан, микрокредитлар) ажратиш тартиб-таомиллари бўйича тарғибот ишлари ҳамда услубий-амалий кўмаклашиш тизимида сусткашликлар мавжуд;

ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга тиббий-ижтимоий хизматларни кўрсатиш, аҳволи оғир бўлган бемор хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ҳамда ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлган хотин-қизларни кўриқдан ўтказиш даврийлиги мунтазам тусга эга эмас;

боқувчисини йўқотган ҳамда ажралиш ёқасида турган оилаларда, тўлиқсиз оилаларда вояга етаётган фарзандларнинг, шунингдек, узоқ муддатга яшаш жойидан чиқиб кетган аёлларнинг оилаларида вояга етаётган фарзандларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилмаган;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизларни касб-хунарларга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда бошқа муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш чоралари талаб даражасида эмас;

ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда вояга етаётган қизларнинг иқтидорларини ўз вақтида аниқлаш, уларни рўёбга чиқаришга кўмаклашиш тизими жорий этилмаган;

маҳаллаларда вояга етаётган қизлар ва ёш келинлар ўртасида оила, турмуш маданияти, тиббий маданият, миллий қадриятларни эъозлаш, оилаларни мустаҳкамлашда қайноналарнинг ролини ошириш кабилар бўйича тарғибот ишлари самарали йўлга қўйилмаган;

маҳаллалардаги «Аёллар маслаҳат кенгашлари» томонидан хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ўз вақтида ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида уларга услубий-амалий кўмаклашиш ва рағбатлантириш амалиёти жорий этилмаган.

3-бoб. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАР МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ

I. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш.

Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида тарбияланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Чет элга ишлаш учун кетган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, одам савдосининг олдини олиш.

Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик нормалари ижросини мониторинг қилиш.

II. Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш.

Хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш.

Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш.

Хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ролини янада ошириш.

Хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қўшимча шарт-шароит яратиш.

Нуроний онахонларни эъозлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш.

III. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш

Ногиронлиги бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзандни тарбияловчи аёлларни қўллаб-қувватлаш.

Уй-жойини таъмирлашга муҳтож ҳамда нотурар жойларда яшайдиган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш.

Ўзгалар парваришига муҳтож кекса ёшдаги аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

«Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш.

IV. Оила институтини мустаҳкамлаш

Оила институтини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш.

Демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш.

Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш.

Оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш.

V. Хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

Хотин-қизлар орасида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва шакллари татбиқ этиш.

Ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4-БОБ. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Миллий дастур уч босқичда: 2022–2023 йиллар, 2024–2025 йиллар ва 2026 йил давомида амалга оширилади, бунда:

а) биринчи босқичда (2022–2023 йиллар) ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратишга ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган қуйидаги чора-тадбирлар бажарилади:

хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида масофавий иш усули ва мослашувчан иш графигида ишлаш механизмлари жорий этилади;

узоқ муддатга хорижга чиқиб кетаётган ота-оналар томонидан фарзандига васий ёки ҳомий тайинлашнинг мажбурий тартиби ўрнатилади;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилади;

хотин-қизлар орасидаги ишсизлик даражасини камайитириш учун улар давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитилади;

иш билан банд бўлмаган хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чоралар кўрилади;

иқтидорли ёш хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизими яратилади;

республика ва ҳудудларда «Етакчи аёллар мулоқоти» платформаси ташкил этилади;

хориждаги ватандошлардан иборат «Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши» ташкил этилади;

вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва таълим муассасаларида хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашларининг фаолияти йўлга қўйилади;

қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишлари таъминланади, 3 ёшгача фарзанди бўлган талаба-қизларга масофавий таълим олиш имконияти яратилади;

«Аёллар дафтари»га киритилган уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жой шароитлари яхшиланади, шунингдек, қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизларга доимий даромад манбаига эга бўлишда кўмаклашилади;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ташкилотларининг тегишли фанлари таркибига оила қадриятлари ва оила психологиясига оид мавзулар киритилади;

нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Оилавий саёҳат» туристик пакетлари жорий этилади;

нотинч оилалар учун оилавий психологлар ёрдамини кўрсатиш тизими жорий этилади;

б) иккинчи босқичда (2024–2025 йиллар) барча соҳаларда гендер тенгликка эришиш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ишларини янги босқичга кўтаришга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар бажарилади:

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ мавжуд инфратузилмаларни мустаҳкамлаш ва янгиларини тизимли равишда барпо этиш ишлари жадаллаштирилади;

Миллий дастур доирасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг «маҳаллабай» ижроси устидан мониторинг олиб бориш тизими янада такомиллаштирилади;

в) учинчи босқичда (2026 йил) хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий, психологик саводхонлигини ошириш ҳамда илмий-маданий иқтидори ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ҳисобига инсон капитали сифатини яхшилашга қаратилган қўйидаги чора-тадбирлар бажарилади:

Миллий дастурнинг асосий натижаларига эришиш, мақсадли параметрлари кўрсатилган инсон капиталини етакчи ривожланган мамлакатларда қабул қилинган мезонларга мувофиқ баҳолаш тартибига ўтилади;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун индикаторлар яратилади.

5-боб. МИЛЛИЙ ДАСТУРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

Миллий дастур қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:
масъул ижрочиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлари), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6-боб. КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Миллий дастурнинг амалга оширилиши келгусида қуйидаги натижаларга олиб келиши кутилмоқда:

«Бир миллион дастурчи» лойиҳасида иштирок этадиган хотин-қизлар сони 30 фоизга етказилади;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хотин-қизлар бандлигига кўмаклашиш мақсадида 14 та ҳудудда кооперативлар фаолияти йўлга қўйилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига ўқишга тавсия этилган номзодлар орасида хотин-қизлар улуши 30 фоизгача етказилади;

олий таълим муассасаларида психолог мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар бўйича қабул параметрлари 30 фоизга оширилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлими негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади;

республикада истиқомат қилаётган 337 мингдан зиёд хотин-қизларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами кенгайтирилади, уларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида амбулатор реабилитация қилиш механизмлари жорий этилади;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади, халқаро конвенциялар ва миллий қонунчилик нормалари ижроси қатъий назоратга олинади;

гендер тенгликка эришиш даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтингида мамлакатимизнинг ўрни сезиларли оширилади;

хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олди олинади;

жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизларнинг жамият ҳаётига мослашувчанлиги ошади;

чет элга ишлаш учун чиқиб кетган хотин-қизларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилади;

одам савдосининг олди олинади;

хотин-қизлар орасида ишсизлик даражаси камаяди, аёллар тадбиркорлиги ошиб, камбағаллик қисқартирилади;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг турмуши яхшиланади;

ногиронлиги бўлган ёки ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд аёллар, уй-жойсиз, боқувчиси бўлмаган, ўзгалар парваришига муҳтож аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади;

хотин-қизларнинг саломатлиги мустаҳкамланади, оналик ва болалик муҳофаза қилинади;

давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеи янада мустаҳкамланади;

хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрни ошади;

хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун қўшимча шарт-шароитлар яратилади;

оила институти мустаҳкамланади, оилалардаги маънавий-ахлокий муҳит яхшиланади ва ажримлар сони камаёди;

хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар олди олинади;

хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари роли ошади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

хотин-қизлар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади;

тавсиявий характердаги хотин-қизлар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади;

бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилади;

икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади;

хотин-қизларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади;

эркак ва хотин-қизлар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқирилишида хотин-қизларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон хотин-қизлар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари кўмагида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»ни (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тадбиркор хотин-қизларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган ҳунарманд хотин-қизларга рўйхатдан ўтиш, «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

марказларни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига тижорат банкларига кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоиздан келиб тушган маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан шакллантирилган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади;

махсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 2019 йил 31 декабргача йиллик 8 фоизли ставкада, 2020 йил 1 январдан – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан эса тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда ҳамда ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиби асосида кредитлар ажратилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ҳамда “Агробанк” АТБга ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм миқдоридagi ресурс маблағлари кредит маблағларининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир ой муддатда кредит олиш учун тавсия бериш жараёнини адолатли ва шаффофлигини таъминловчи тартибни тасдиқласин.

Тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда бериладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларнинг бир қисmini компенсация қилиш механизми қўлланилади.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагидаги Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Қўйидагилар Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва хотин-қизларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг гендер тенглиги бузилишига оид муурожаатларини кўриб чиқиш;

касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами ора-сида хотин-қизларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи “Эркаklar ва хотин-қизлар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

гендер тенглик тушунчаси ва турлари;

ваколатли органларнинг вазибалари ва функциялари;

давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлашга оид нормалар;

гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек бундай бузилишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

б) қўйидагиларни назарда тутувчи “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги тазйиқ ва зўравонликлар турлари;

ваколатли органларнинг вазибалари ва функциялари;

тазйиқ ва зўравонликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

судгача ва суд жараёнида тазйиқ ва камситишларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Марказий банк, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2-иловага мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг «Gender.stat.uz» веб-сайтига жойлаштирилишини ва маълумотларни доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда марказларни барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари мавжудлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиб, тегишли тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.И. Баситханова зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар-

нинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умўрзоқов зиммасига Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотлари, биринчи навбатда, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб қилиш бўйича доимий ва тизимли равишда зарур ташкилий-амалий чоралар кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПҚ-4235-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗҲИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларнинг зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.И. Баситханова ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 4 январь,
3-сон

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ЖАБРЛАНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ, ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом ички ишлар органлари томонидан тазйиқ ва (ёки) зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга (кейинги ўринларда жабрланувчи деб аталади) ҳимоя ордерини, шунингдек тазйиқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга (кейинги ўринларда зўравонлик содир этган шахслар деб аталади) ҳимоя ордерининг нусхасини бериш (кейинги ўринларда жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордерини бериш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ҳимоя ордери ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

3. Ҳимоя ордери ички ишлар органларининг таянч пункти профилактика (катта) инспектори (кейинги ўринларда профилактика инспектори деб аталади) томонидан ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

4. Ҳимоя ордери туман (шаҳар) ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида юритиладиган алоҳида дафтарда қайд этилади.

2-БОБ. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

5. Қуйидагилар ҳимоя ордерини бериш учун асос ҳисобланади:
тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати;
жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар;
тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши;
давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар.

6. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

7. Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади.

8. Тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида хабар берган шахслар ва тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриқланади.

9. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади.

10. Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида:

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказди;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш тарзи, тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

11. Профилактика инспектори мурожаат ва хабарларни ўрганиш якуни бўйича:

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини расмийлаштиради;

зўравонлик содир этган шахсларга ҳимоя ордери берилганлиги тўғрисида жабрланувчининг розилиги билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, бошқа тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотларни хабардор қилади;

тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари аниқланмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли чораларни белгилайди ҳамда бу ҳақда фуқаролар йиғини раиси, котиби, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис иштирокида далолатнома расмийлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жиноят белгилари аниқланган тақдирда – ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бир вақтда иш материалларини жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборади.

12. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори ҳолислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қилади.

13. Ҳимоя ордери расмийлаштирилганда барча ёзувлар кўк (ҳаворанг) сиёҳли ручкада, тушунарли қилиб ёзилади.

14. Ҳимоя ордери уч қисмдан иборат бўлиб:

биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади;

иккинчи қисми (нүсхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади;

учинчи қисми профилактика инспекторида қолади.

15. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16. Профилактика инспектори ҳимоя ордери берилганидан сўнг уч кун муддатда бу ҳақда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарини хабардор қилади.

17. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари ҳимоя ордерини расмийлаштириш учун тўпланган материалларни ўрганиб, тарафлар фикрини эшитган ҳолда профилактика инспекторининг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ҳақли.

3-БОБ. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ

18. Ҳимоя ордерида қўйидаги чекловлар назарда тутилиши мумкин:

тазйиқ ўтказишни ва зўравонлик содир этишни тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахснинг тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар билан алоқасини тақиқлаш (иш жойларида ва таълим муассасаларида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахс билан билвосита алоқасига йўл қўйилади);

тазйиқ ўтказилган ва зўравонлик содир этилган тақдирда тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳамда тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг бир хонада бирга бўлишини тақиқлаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг зиммасига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини даволаш, унга маслаҳат бериш, уни тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказга жойлаштириш учун харажатларнинг, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш, шунингдек, маънавий зиённи компенсация қилиш мажбуриятини юклаш;

тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг қўролни (бундан хизмат қўроли мустасно) сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини ҳимоя ордерининг амал қилиши ёки унда кўрсатилган муддат даврида чеклаш ёхуд тақиқлаш, шунингдек, қўрол сотиб олиш учун рухсатнома олишга доир ҳуқуқини тақиқлаш.

Ҳимоя ордерида қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа чекловларни назарда тутиш тақиқланади.

19. Тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахсдан қўрол ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйиш ҳамда сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Профилактика инспектори ҳимоя ордерини расмийлаштиришда хотин-қизларга нисбатан ўтказилган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда зўравонлик содир этган шахсга ушбу Низомнинг 18-бандида белгиланган битта ёки бир нечта чекловни бир вақтнинг ўзида қўллаши мумкин.

21. Ҳимоя ордери амал қилиш даврида:

а) профилактика инспекторлари:

тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, шу жумладан уларнинг сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўради;

хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан мунтазам асосда профилактика ишларини олиб боради;

ҳимоя ордери талабларининг ижроси устидан назорат қилади ҳамда унинг талабларини бузган зўравонлик содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

б) меҳнат органлари:

хотин-қизларга нисбатан иш жойида тазйиқ ва зўравонлик ўтказилган ҳолларда, бундай ҳолларга йўл қўймасликка қаратилган, шунингдек, хотин-қизлар билан ўзаро муносабатлар маданиятини ошириш бўйича ташкилотларда профилактика тадбирларини ўтказади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқлаган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

в) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари:

таълим муассасаларида таҳсил олувчилар орасидан хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказиш ва зўравонлик содир этишга мойил шахслар аниқланганда уларнинг ҳулқ-атворини тузатиш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганларнинг таълим муассасаларида бўш вақтни мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида тадбирлар ташкил этади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

г) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

д) Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари:

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларига олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўради;

жабрланувчини ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ўтказганлиги ва зўравонлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобда турадиган шахслар билан низоли вазиятларни профилактика қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш чораларини кўради;

ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради;

е) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга оширишда давлат органларига кўмаклашади;

хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ва уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахслар билан олиб бориладиган профилактика ишларида қатнашади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати мобайнида тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи зўравонликни содир этган шахс, шунингдек, жабрланувчи билан келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фаоллари иштирокида суҳбатлар ўтказади;

бу ҳақда профилактика инспекторига хабар беради.

22. Зўравонлик содир этган шахслар томонидан ҳимоя ордери талабларига риоя этмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда профилактика инспектори томонидан ўз ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора-тадбирлар амалга оширилади.

4-боб. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ТАРТИБИ

23. Ҳимоя ордери амал қилиши даврида хавф бартараф этилмаган бўлса, ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати жабрланувчининг аризасига кўра кўпи билан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

24. Профилактика инспектори беш иш куни мобайнида:

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида жабрланувчининг аризасини, шу жумладан, хавф бартараф этилган ёки этилмаганлигини ўрганади;

ушбу масала юзасидан мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг фикри (хулосаси)ни олади;

ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтириш юзасидан тўпланган маълумотларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғига киритади.

25. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғи икки иш куни мобайнида тегишли ҳужжатларни ўрганган ҳолда ҳимоя ордерининг амал қилиш муддатини узайтиради ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилади.

26. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган тақдирда бу ҳақда амалдаги бланкага белги қўйилиб, жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар таништирилади ҳамда зўравонлик содир этган шахслар зўравонлик ҳуқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтиши тўғрисида огоҳлантирилади.

27. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати узайтирилган даврда зўравонлик содир этган шахсларга қўшимча чекловлар ёки профилактик чора-тадбирлар белгиланиши мумкин.

28. Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

5-бoб. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

29. Ҳимоя ордерининг амал қилиши қуйидаги ҳолатларда тугатилади:

жабрланувчи ҳимоя ордерини тугатишни сўраб мурожаат қилганда;

ҳимоя ордерида белгиланган муддат (узайтирилган муддат) тугаганда;

жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсдан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

содир этган жинояти учун жабрланувчи ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бирига нисбатан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилганда;

жабрланувчилар ёки зўравонлик содир этган шахсларнинг бири мажбурий даволанишга юборилганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларнинг бири қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий яшаш жойидан узоқ муддатга бошқа мамлакатга чиқиб кетганда;

жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслардан бири вафот этганда.

30. Ҳимоя ордерининг амал қилиш муддати тугаганлиги тўғрисида шу куннинг ўзида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар хабардор қилинади.

6-бoб. ҲИМОЯ ОРДЕРИНИ БЕРИШ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

31. Ҳимоя ордерини бериш фаолияти устидан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан мониторинг олиб борилади.

32. Профилактика инспекторлари томонидан тақдим этилган жабрланувчи, зўравонлик содир этган шахсларга берилган ҳимоя ордери тўғрисидаги статистик маълумотлар туман ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари томонидан умумлаштириб, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаларига кейинги ойнинг 2-кунига қадар тақдим этилади.

33. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ушбу маълумотларни ўрганиб, умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасига кейинги ойнинг 5-кунига қадар тақдим этади.

34. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими бошлиғининг хотин-қизларни тазйиқдан ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳимоя ордерини бериш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи ҳар ойда тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда муҳокама қилиб борилади.

7-бoб. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

35. Ҳимоя ордери бланкаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланади.

36. Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини молиялаштириш «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ОИД
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР
ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

Нашр учун масъул
Муҳаррирлар
Компьютерда саҳифаловчи

М. Тиллабаев
М. Пальнова, Л. Рузикулова
А. Жуманиязов

Чоп этишга 2022 йил 28 июнда рухсат этилди.

Бичими 70x100^{1/16}

«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 17,6. Нашр табағи 14,1.

Адади 100 нусха. Буюртма № 14.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.